

279
#18
АБДУРАҲМОНОВ АНВАРБЕК

**Мумтоз адабиётнинг
қизиқарли поэтикаси**

Хўжанд — 1994

38.2
89
#18

ТОҶИКИСТОН ҶУМҲУРИЯТИ ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ
ХУЖАНД ДАВЛАТ ДОРУЛДУНУНИ

~~O'zbek filologiyasi
fakulteti
O'QUV ZAL~~

АБДУРАХМОНОВ АНВАРБЕК

МУМТОЗ АДАБИЁТНИНГ ҚИЗИҚАРЛИ ПОЭТИКАСИ

(филологлар, филология факультети талабалари, мактаб
ўқитувчилари ва адабиёт мухлислари учун)

Рахматов
Азаматисон
ич / б.у.б.
С.В.Б.З.

ALISHER NAVOIY NOMIDASI
443
TOSHTO'YU
AXBOROT-RESURS MARKAZI


~~O'zbek filologiyasi
fakulteti
KUTUBXONASI
ХУЖАНД - 1994~~

Р

Мазкур монография Хужанд давлат дорилфунуни
нашриёт-тахририя Кенгаши адабиётшунослик
секцияси томонидан нашрга тавсия этилган бў-
либ, у тилшуносу адабиётшунос олимлар, филоло-
гия факультети талабалари, мактаб ўқитувчилари
ва адабиёт мухлислари учун муҳалланган.

Масъул муҳаррир: Насриддинов А., филология фанлари доктори,
профессор.

Такризчилар: Саримсоқов Б., филология фанлари доктори,
профессор.
Бердиалиев А., филология фанлари доктори,
профессор.
Нурмонов А., филология фанлари доктори,
профессор.



СЎЗ БОШИ

Жумҳуриятимиз халқлари ўз озодлиги ва мустақиллигига эришган ҳозирги калтис шароитда ўзларининг миллий маданиятлари, иқтисодий-сиёсий йўлларини фақат ўзларигина белгилаши мумкинлигини давр воқеалиги тақозо этмоқда. Мана шундай мураккаб замонда ҳар бир халқ адабиёти янгича йўналишларда ривожланиши ва тараққиёти этиши табиийдир. Бу тараққиётни изчил режа асосида тулақонли кечиши ҳозирги мумтоз адабиёт поэтикасининг талаб даражасида ўрганиш, унинг илғор анҳаналарини ривожлантирган ҳолда давом эттириш зарур.

Маълумки, Шарқ адабиётшунослиги бадий адабиёт поэтикасининг кенг ва тор маънолари доирасида ўз кузатишларини олиб борган. Булар ичида аруз назарияси ва бадий илми каби соҳалар совет даври йилларида нисбатан оқсққлашиб қолди. Чунки бадий адабиётга ўткир ғоявийлик нуқтаи назаридан ёндашиш унинг поэтикасини ўрганиш масалаларини баъзан четлаб ўтиш ҳоллари ҳам бўлди. Айниқса, Бадий адабиёт поэтикаси ва унинг назарий асосларига олий ҳамда умумтаълим мактабларида етарлича эътибор берилмади. Шунинг учун ҳозир бадий адабиёт поэтикасини чуқур ўрганиш ва уни худлик билан илмий-амалий асосда оёқда туртганиш масаласи етук тилшуносу адабиётшунос олимларимизнинг ғоятда мушкул, ғоятда маъроқли вазифаси бўлиб турибди.

Бинобарин, маъкур монография доцент Абдурахмонов Анварбек каламига мансуб бўлиб, унда муаллифнинг йирик тилшуносу адабиётшунос олимларнинг тадқиқоту тарғиботларига таянган ҳолда бир ёнча йиллар мобайнида узлуксиз кузатишлар олиб берилганлиги кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам ушбу монография умумтаълим ва олий мактабларда бадий адабиёт поэтикасини ўрганишга бўлган қизиқишини маълум даражада қондира олиши билан катта аҳамият касб этади.

Китоб чоп этилиб ёқорида зикр этилган шахсларга тақдир этилса адабиётшунослигимизнинг улкан этури бўлади.

Профессорлар: Ё.Саримсоқов,
 А.Насриддинов

К И Р И Ш

Серфайз ва гузал улкамизда почорлик билан кун кечирувчи халқларимизнинг куп асрлик орзу-истаклари баҳор чечакларидай кушга ташланиб, ҳозирда мустақил давлат эгаси сифатида жаҳоннинг ўзга халқлари томонидан улуғлаб ва қутлаб зикр этилаётганлиги бежиз эмас, албатта.

Иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатлардан заифлашиб қолган жумхуриятимизни демократлаштириш инсоният тарихининг сеҳрли, муъжизали, жавоҳиротли мероси бўлмиш диний-бадий асарлар поэтикасини ўрганиш соҳаларида билиб ёки тушунмай оёқ ости қилиш ва баъзи ҳолларда четлаб ўтиш борасида йул қўйилган барча камчиликларга жиддий эътибор бериш, диёримизда яшовчи халқларимиз ва жаҳон аҳолиси идеалларига таяниб иш кўришлик зарур эканлигини тақозо этаётир. Ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида, айниқса, мумтоз адабиётларимиз поэтикасига диний-фалсафий асарлар методологиясига таяниб иш кўришлик имконияти вужудга келдики, бунга ҳеч шак-шубҳасиз биз яшаётган давр воқелиги туртки бўлди.

Бугунги кунда совет адабиётининг босиб ўтган йўлини, хусусан, бадий адабиёт асарларини диний-фалсафий методология нуқтаи назаридан элак-элак қилиб саралаш зарурлигини ижтимоий ҳаёт талабларининг ўзи кун тартибига долзарб масала этиб қўяётир. Шу билан бирга тилшунослигу адабиётшуносликнинг таҳлил принциплари, йўналишлари ва қарашларида ҳам инқилоб тўнтарилишигача бўлган мезонлару атамаларни қўллашнинг афзаллигини билдириб, ва аynи чоқда, бадий адабиётнинг тараққиёт қонунлари марксизм-ленинизм методологияси билан баҳоланиб, унинг гоаявий-эстетик принципларига жиддий дарз кетганлигини огоҳлантирмоқда.

Дарҳақиқат, бадий адабиёт инқилоб тўнтарилишининг моҳияти ва социалистик реализм методининг карнайчисига айланиб қолганлиги табиийдир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, 1916 йил миллий-эзодлик ҳаракати ва 1917 йил инқилоб ҳақида тарих берган маълумотларни эпизодик, етук эпизодик ва тўлақонли образлар орқали буяб кўрсатди; лекин бадий адабиёт ўз қонуниятларига кўра бутунлай чекинмаган бўлса-да, яловбардорлик шиори остида фикр ғритиб, ўзининг мукаддас вазифаси ва ўзига хос бурчи бўлмиш Одамзоднинг руҳий олами, маънавий-психологик кечинмаларини, ҳар бир даврнинг ўзига хос, такрорланмас, жонли тимсолларини сўзнинг сеҳр, шетрининг ҳикмат экан-

лигини маъно ахлита намойиш этиш фазилатларидан узоқлашиб кетди.

Шеъриятнинг қони-анъанавий поэтик тимсоли (образ), бадиий ритмик оҳанг рамзи бўлиши мумтоз адабиётимиз поэтикасига нисбатан ўринсиз тазйиклар билан қарашларнинг авж олианлиги бунга яққол мисол бўла олади. Хаттоки, асар бадиияти ва унинг рангоранг кўринишлари ўзбек шеъриятига гўё бутунлай ёт дейишгача бориб етилди.

Диний-бадиий китобларда неча асрлардан бери анъанавий образлар қўлланилган шеърият диний-реакцион ғояларни юкини ташуқи, унинг муаллифлари эса эскилик сарқитларининг тарғиботчиси деб қараладики, булар ҳаммаси бадиий ҳаётнинг ўзига ҳос хусусиятларидан куз ёмиш, вульгар-модернизм ботқорига ботиб, у Навоийнинг уқтиришича, "суврат аҳли"га хизмат этди, холос. Минг афсуски, ноёб талант билан қалам тебратган санъаткорлар ижоди фақат сарой шеъриятининг вакили деб қораланди ва улар туғли хил найранглар билан ноҳақ жазоланди ва отиб ташланди.

Мумтоз адабиётимиз поэтикаси, хусусан, аруз ва бадиий санъатлар системасига келсак, уларга панжа орасидан қаралдики, бунга ўзбек тили қонун-қоидалари ва ўзбек классик адабиётининг анъаналарини давом эттирган истеъдодли ўзбек шоирлари (Ғ. Ғуллом, Ҳ. Олимжон, М. Шайхзода қабилар) аруз шеърий системасида қалам тебратганликлари рукач қилинди. Булар асоссиз баҳоналар эди, албатта. Чунки унинг қўп асрлик ҳаётбахш-умумбашарий анъаналари ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтганлиги туфайли у ўзига катта тарих ҳам ярата олди.

Асар поэтикасини ўрганиш инсоният тарихининг илк даврлари билан туташганлигини муқаддас китоблар ва араб адабиёти тарихига дахлдор асарларда ўринли фикрлар мавжуд. Масалан, аруз шеърий системаси ва унинг назариясининг араб шеърияти мисолида Абдураҳмон Халил ибн Аҳмад ал-Фароҳидий ал-Баърий томонидан яратилган бўлиб, унда 66 баҳр ва унинг ўзига ҳос қонуниятлари яратилди. Кейинчалик форсу-тожик шоирлари томонидан тавийл, қарийб, мушокил, баҳрлари ва аруз назариясининг ўта билимдони Бобур арийзу амийк баҳрларини ихтиро-кашф этишиб, аруз шеърий системасида 21 баҳр ҳамда унинг 500 дан ортиқ вазнлари борлиги, қолаверса, аруз шеърий системаси форс-тожик, турку ўзбек шеърия-

тига ҳам жуда мос эканлиги уктирилади. Бунинг учун илмий изланишлар, ижодий ёндошишлар асосида "арузий арабий", "арузий форсий" ва "арузий туркий" сингари ўз миллий хусусиятлари билан фарқланиб турувчи аруз шеърий системалари майдонга келди. Лекин ҳар учала шеърий системалар муштараклиги ва уларнинг ранго-ранг ва кўринишларига тегишли араб, форсу тохик, ўзбек тилларида илмий асарлар ва мақолалар битилиб, улар шеърий муҳаббатларнинг мулкига айланганлигини кузата оламиз.

Маълумки, "адабиёт" термини кенг, тор махсус ва профессионал маъноларда қўлланилади. Кенг маънода қўлланилганда диний-фалсафий китоблар, брошюралар, мақолалар, кичикаси, турли соҳага оид асарлар назарда тутилади. Тор, махсус ва профессионал маънода қўлланилганда эса лирик, прозаик ва драматик асарлар кузда тутилади.

Ўзбек тилидаги "адабиёт" сўзи аслида адаб сўзидан олинган бўлиб, унинг мазмуни "Ғиёсул лугот" китобида қуйидагича шарҳлар берилган: одамларга яхши ҳулқ, ва умуман, ҳаётни тугри тусунтириш, тугри ҳаёт кечиришни ўргатишдир; кишиларни тушқунликка тушурмай, уларни руҳан тозалашдир. Чунончи "одоб" адабнинг ҳам бўлиб, у ҳақда ҳам талайгина фикру мулоҳазалар бор: илми адабни ўрганган киши ҳалал берадиган нарсалардан огоҳ бўлади, табиий офат ва турли хил зарарли нарсалардан ҳалос бўлади. Бинобарин, илми адаб араб тилидаги манбаларда қуйидаги турлари зикр этилади: ҳуфат илми, сарф илми, наҳв илми, маоний илми, баён илми, аруз илми, қофия илми, иншо илми, муҳозарот илми, иштиқоқ илми, каби илмлар. Қисқаси, "адабиёт" сўзининг маъноси билан тула танишиш учун зикр этилган билимларни ўзига хос қонуниятларини ва, айни чоғда, унинг талантли шахслар томонидан яратилиши, оммавийлиги ҳамда бадиийлиги сингари хусусиятларидан ҳам воқиф бўлиш зарур.

Дарҳақиқат, бадиий адабиёт, ҳумладан, муқаддас китоблар ҳақиқатининг ҳамма табақадаги кишиларга тегишли бўлади ва ундан инсоннинг ёши, жинси, касби, ирқий, миллий, диний, маъҳабидан қатъий назар баҳраманд бўладилар. Масалан, "Таврот", "Инжил", "Забур", "Қуръон", "Ҳадийс" каби муқаддас китоблар, уларнинг шарҳлари, илмий-Бухорий, имом Термизий, Сино, Беруний, Форобий, ал-Хоразмий, ас-Саолибий, Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Комий, Навоий, Ғузулий, Бобур, Бедил, ал-Маданий, қўрида тилга олинган етук олимлар ва шулар каби буюк ааломаларнинг қаламларига мансуб бўлган

асарлар фикримиз дэлили бува олади.

Ўрни қолганда таъкидлаш жоизки, диний-бадий адабиёт поэтикасини урганишга доир асарларда аниқлик талаб этиладиган жиҳатлар каммуқд. Аслии шу нарсалар асар поэтикасини системали урганиб олинганда бир мунча қийинчилик туғдириши табиийдир. Умумтаълим, билим ертлари ва олий укуз ертларида бадий адабиёт поэтикасини қиссия-тарихий урганишнинг айрим масалаларини ҳал этиш учун шу қарни фақат мутахассислар мулки булиб қолмай, балки омма мулкига айлантириш эли муммадир. Бу мушкул вазифани талаб даража-сида ҳал этиш учун араб, форсу тожик, турку узбек ёзувчиларини ва уларнинг фаркли томонларини, қолаверса, зикр этилган билимларни чуқур билиш талаб этилади.

Бу мабн масалаларнинг конкрет тарзда ҳал этилиши билан даргоҳларида бадий адабиётнинг қизиқарли поэтикасини ўрганиш методикасининг бир оз булсаҳам яхшиланишини курсатади.

Таникли адабиётшуносу тилшунос, методисту олимлару қитобхонлар эътиборига ҳавола этилажак бу методик қўлланма, яъни монография ёкорида зикр этилган масалаларни ҳал этишда қўл келадиган йул-йуриқларнинг мундарижасидир. Ишда бир катор етуқлар билан саъзи камчиликлар^{ға} ҳам йул қуйилган булиши мумкин.

Маъкур монографиянинг озага келишида етук олимларимиз А. Русамов, А. Хожиахмедов, Ё. Исҳоқов, Б. Саримсоқов, И. Абдуллаев, А. Насриддинов, М. Сқилов ва шулар сингариларнинг мумтоз адабиётимиз поэтикасига даҳлдор асарларидан ҳам танкидий, ҳам ижодий фойдаландик.

Навоийнинг бадий маҳоратига доир

Сеҳрли, муъжизали, жаҳоҳиротлар олами ҳисобланган серфайз диёримизда қолоқ ва ғариб яшовчи халқларикизнинг куп азрлик орзуси увалиб, эндиликда мустақил давлат соҳиби сифатида маҳонининг бошқа халқлари томонидан таулуғлаб там олинаётганлиги беҳиз эмас, албатта.

Иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётлардан тубан ҳолатга тушиб қолган бу Ҷумҳуриятимизни демократиялаштириш, диний адабий меросимизни кўр-кўрона билиб ёки билмай оёқ ости қилиш борасида йул қўйилган барча камчиликларни бартараб этиш, халқ идеалларига таяниб иш кўриш зарурлигини тақозо этаётир. Иқтисодий ҳаётнинг турли жаҳҳаларида, айниқса, ҳамма ишларни ўз ва ўзга халқларнинг миллий руҳларига мувофиқ тарзда тараққий эттириш имконияти нуқулга келдики, бунга ҳеч шак-шубҳасиз биз яшаётган давр воқеалиги туртки бўлди.

Маълумки, миллий, умуминсоний қадриятлар мумтоз адабиётнинг доимий ҳамроҳи, мунаввар нури, қисқаси, ғоявий-бадий хусусиятларини белгилайдиган асосий омил эканлигини "Таврот", "Инжил", "Забур", "Қуръон", "Ҳадис" каби китоблардан, Сино, Беруний, Ғаробий, Рудакий, Фирдавсий, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Жомий, Навоий, Ғузулий, Бобур, Бедил ва бошқа даҳоларнинг қаламига мансуб бўлган асарларидан кузати оламиз.

Миллий ва умуминсоний фазилатлар-буюк муштарак туйғулар инсоният тарихининг турли давларида узлуксиз изланишлар туфайли халқлар ўртасида тобора кучайиб, муштаҳкавланиб, бойиб, етакчи маънавий кучга айланди. Оқибатда комил инсон-тафаккур маҳсулининг миллий сарҳади кенгайиб, умумбашарий қадрият даражасига кутарилиди.

Юқорида номлари тилга олинган буюк сиймоларнинг бадий маҳорати, уларнинг Аллоҳ берган кенг тафаккурлари ҳосили саналмиш асарларида ўз инъикосини топди. Уларнинг ута ноёб, ута уткир тафаккур олами, ўрнакли маънавий ва моддий турмуш тарзини бошидан кечирувчи эпизодик, етук эпизодик ҳамда тулақонли бадий образлар тимсолида турлича жиҳоланиб боради.

Баъзи оригинал асарлар тематикаси доирасида миллий, умуминсоний хусусиятларни тўла пайқаш, ундаги беш ҳулосани аниқлаб олиш учун тилшунослик, адабиётшунослик, аруз шеърый системаси, маънавий,

тоғани, ҳафий бодий санъатлари, ҳофия, радиф, суз ва унинг луғавий бодий маъноларини аниқлаб олиш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермади. Булардан баҳраманд бўлиш учун илмий-назарий ҳамда амалий-методик кулавлалардан фойдалана биладиган, ижодий уз мулоҳазалари билан улардаги мумтоз талқинларни бойита оладиган иқтидорли-билибгон олим, зукко китобхон бўлиши зарур.

Ноб талант билан битилган мумтоз асар қайси халқнинг урнакли чиқолида яратилган бўлмасин, унда бир халқ турумши, миллий, умуминсоний қадриятлари муктаи назаридан идрок этилади. Шу халқнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёт тажрибаларидан, унинг урнакли эстетик бarchа салмоқдор ытуқлари ва кашфиётларидан жондорли узга халқларни ҳам баҳраманд қила оладиган асар сингариниз умумбашарий фазилатларга эга бўлади. Колаверса, бундай асар бир халқни иккинчи бир халққа танитишда кул келадиган энг қимматли восита саналгани билан бир каторда, меҳнаткаш халқни яратиб тарбиялаган комил инсон тафаккурининг, ижодий шижоатнинг худудон имкониятларини намойиш этувчи нодир бойлик сифатида ҳам ыксак қимматга эгу бўлади.

Санъаткор уз халқи ва узга халқлар ҳақида қанча куп маълумотга эга булса, комил инсонда умумбашарий фазилатларнинг чексиз куплигига булган шубхалари йуқолиб, олис-яқин ортларда яшовчи халқларнинг иқтмоий ҳаётига даҳлдор билимларнинг купайиши инсоннинг илмий дунёқарашига эга бўлишида муҳим роль уйнади. Негаки, узаро таниш, тажриба алмашиш, урнали ишлардан баҳраманд бўлиш, бойига мушкул тушганда бегараз ёрдам кулини чузид бўлмаганда эди, одамзод купгина нарсаларни бой берарди.

Миллий ва умуминсоний қадриятларга эътибор беришлик узаро дустлик йулларини илдамлик билан босиб ўтишга, узга халқларнинг кулга киритган муваффақиятларидан баҳраманд бўлишга ва кузга ташланган яна купгина нарсаларни пайқаб олиш имконини беради.

Урин келганда таъкидлаш жоиздирки, умуминсоний фазилатларни узида муҳассамлаштирган ижодкор комил инсон сифатида қуйидаги сифатларга эга бўлиши шарт ва зарур: талант, самимият, эзгулик, кенг кулам, катъият, лафқатлилиқ, бағрикенглик, токатли-сабрли, кечиримли бўлиш; яқин-олисларда яшовчи таниш-нотаниш одамларнинг дини, эътиқоди бошқача бўлишига қарамай, уларни табиий равишда эътироф этадиган ҳақиқий ҳамдардлиқ.

Бадий асарни яратишдан мақсад шуки, унда китобхон эътиборига ҳавола этиладиган илғор роънинг бадий ифодаланиши, ва, айти

чоқда, шу ғояга мафтун булган ижодкорнинг ҳаётида маъжуд нарсаларни тасдиқлаши ёки инкор этиши булса-да, санъаткор уз асарини эхтиросга берилмай, унинг уммонига ғарк булмай ёзолмайди. Бу эхтирос эса санъаткор ижоди ва маънавий ҳаётини ичидан хунбулга келтирган интилишнинг, фидойи хиссиётнинг учқуни булиб, у ҳар бир қалам аҳлида ўзига хос тарзда намоён булади. Ижодкор эхтиросининг махсули бўлиш ана шу эстетик ҳодиса пафос деб аталади.

Адабиётшунослиқда пафос кенга маънода қўлланилади. Бинобарин, бадиий асарнинг кучи унинг мазмунидаги ана шу пафосни китобхон, тингловчи ёки томошабинга еқтира билиши билан улғанади. Қисқаси, ижодкорни асар ёзишга нима туртки булганлигини, асарни ёзишга киришиш ва охиригача етказиш шун куч-қувват, имкониёт берган нарса нимада эканлигини пафоссиз ундан ташқарида билиб булмайди.

Дарҳақиқат, пафос ижодкорнинг илҳом манбаи саналиб, у санъаткорни эзгу мақсадлар билан ғоявий-бадиий жиҳатдан мукамал асарлар битишга ундайди. Бинобарин, буюк ижодкорнинг мақсаддорлигини ва тезкорлигини, уни узлуксиз ишлашга мажбур этган сабабларни шу тушунча орқалигина илғаб олиш мумкин булади. Масалан, буюк аллома Алишер Навоий икки юз ёнинг батрдан иборат назмий, прозаик, илмий-прозаик асарларни қисқа муддат ичиде битганлигини ўзи уқтириб ёзган эди:

Назму насрим котиби тахминшунос,

Ёзса, юз минг байт ётарди қиёс.

Биринчидан, пафос бадиий ижодда фикр ва хиссиёт бирлиги; иккинчидан, бадиий асарнинг ғояси ва беш ҳулосаси; учинчидан, асарларни тушунишнинг қалити; туртинчидан, санъаткор ижодининг умумий йўналишидир.

Тилга олинган ёқоридеги барча мисолларга жиддий эътибор берганларнинг бири бобомиз Алишер Навоий бўлиб, у тилшунос, адабиётшунос, тарихшунос, шоиршунос, жамиятшунос, санъатшунос, арббшунос, форсшунос, ўлкашунос, халқшунос, харидору бозоршунос, дугатшунос, арушшунос, қофияу бадиъшунос, коинотшунос, қисқаси, қуръону ҳадийсшунос, буюк энциклопедик олим сифатида шўх асарлар яратганлиги ҳаммага маълум. Унинг гениаллиги ижодининг пафоси орқали намоён булади.

Адабиётшунос-танкидчи шоир ижодининг пафосини белгилашда айрим асарлари мисолида эмас, балки унинг ижодиётининг бир бутун

системли бадий тахлил қилиш туфайлигина объектив бир хулосага кела олади. Бундай ёндошув шоир асарларининг гоявий-бадий хусусиятларини етарли даражада тушуниш, уни тадқиқ-тарғиб этишда қаламнинг йўқолган учини тоғиб олишда қўл келади. Қисқаси, санъаткор асарлари пароси, яъни умумий маъноси замонавийлик ва бадийлик бўлиб, унинг шох асарлари қайси тарихий шароитда не олий ниятлар билан ёзилганигини ва, айни замонда, асарларининг ижтимоий функцияси ҳамда спецификасини аниқлаш имконини ҳам беради.

Махнатқаз аҳлининг дохийси, ҳаҳон халқларининг мумтоз адабиёти программасини яратган, катта асарлари билан сингарисиз шухрат қозongan шайх Алишер Навоий мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиб, утмишдослари ва замондошларининг қўлга киритган ытуқларидан қучли таъсирланиб, узбек, форсу тожик, араб тилларида гоявий-бадий кихатдан оригинал "Ҳазойинул маоний" ("Маънолар хазинаси"), бу асарлар қуллиёти бўлиб, улар қуйидагилар: "Ғаройиб ус сигар" ("Ёшликлар ғаройиботлари"), "Наводируш-шабоб" ("Йигитлик нодирликлари"), "Бадойинул-васат" ("Урта ёш бадиятлари"), "Ғавойидул-кибар" ("Катталар фойдалари"), "Назмул жавоҳир" ("Тавҳарлар назми"), "Ҳамса" ("Беш достон"), "Ҳамсатул-мутаҳаййирин" ("Ҳайратда қолдирувчи"), "Вақфия", "Мунъот" ("Иншолар"), "Муфрадот" ("Ҳарфлар ҳақида китоб"), "Тарихи мудуки аҷам" ("Аҷам подшосининг тарихи"), "Назмул муҳаббат" ("Муҳаббат насомилари"), "Тарихи анбиё ва ҳукамо" ("Пайғамбарлар ва ҳукамолар тарихи"), "Назмул жавоҳир" ("Тавҳарлар ыддузи"), "Ҳилолия" ("Уч қунлик ой"), "Рухул қуддус" ("Рухлар покликлари"), "Қутул қулуб" ("Қўнгулларнинг неъматлари"), "Минхожул нажот" ("Нажот йўллари"), "Насомим ҳулд" ("Доимий насллар"), "Ситтайи зарурия" ("Олтита зарурия"), "Лисонут тайр" ("Қўш тили"), "Маҳбуб ул-қулуб" ("Қўнгулларнинг севгани"), "Муҳокаматул-луғотайн" ("Икки тил муҳокамаси"), "Меъзон ул авзон" ("Вазнлар улчови"), "Маҷолисун нафос" ("Гузалиш мажлислар"), "Тухфатул афкор" ("Ғикрлар совғаси"), "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер", "Ҳолоти паҳлавон Муҳаммад", "Девони Ғоний" ("Ғоний девони"), "Чихл ҳадийси" ("Қирқ ҳадийс") каби лирик, прозаик, илмий-прозаик асарларини ёзишда бадий махсратини намоиш этиб, бор ижоди билан XV-XX асрларнинг бутун ҳаҳон адабий жараёнига таъсир кўрсатди, десак муболаға бўлмади.

Гениал ижодкорнинг бу асарларида ижтимоий онгнинг халқ фикрининг ва, айни замонда, Навоий ақлий фаолиятининг тезкорлиги ва маҳ-

суддорлиги бўлиб, уларда Худо-Тангри, унинг чексиз ва тенгсиз қурвати билан яратилган ун саккиз минг олам, шу олам гултоғи санъатган Одам Ато, Момо Хаво, барча пайгамбарлар, шу пумладан, азизати Муҳаммад алайҳис салом, "Таврот", "Забур", "Инжил", "Қуръон", "Адиёс" китоблари, тавҳиду шаҳодат калималари, ислом динининг асосий қонунийатлари (фарзу вожиб, суннат ва божалар), меъроқ, маъзаб, фариятлар, руҳлар, таълимоти охирот-киёмат, халифалар бархаклар, қомия инсон фазилятлари миллий-умуминсоний қадриятлар, ижтимоий ҳаётнинг турли хил масалалари ҳақида фикр мулоҳазалар ҳамда мусулмон кишиларнинг муқаддас бурчлари ўз инъикосини топган.

Дарҳақиқат, адабиёт ҳаёт инъикоси. Ҳудосундорлик, ҳаёт дарслиги, инсоншундорлик, ҳаёт ходисалари ўстидан чиқарилаган ҳукм, ҳаётни ўрганиш, ҳаётни қайта қуриш қуроли, ҳаётнинг бадиий андازаси (модел), бадиий шахслар олами, ҳаётнинг бадиий ахлоқи, таҳлили, замонавийлик, ижодиётнинг замонавийлиги, бадиийлиги, образлиги (миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида муҳассамлантирган қомил инсон), тўқиманинг муҳимлиги, тасвирнинг типиклашганлиги-индивидуаллиги, сўзнинг алоҳида ўрни, айниқса, шқорида тилга олинган асарлар маънунининг салмоқдорлиги, универсаллиги, оригиналлиги (миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида муҳассамлантирган инсон) таъсирчанлиги ва шулар сингари бадиий хусусиятлари билан инсонпарварлик ва исонтирувчанлик ҳамда ҳаяжонга сола олиш фазилятларига эга. Қолаверса, шоирнинг миллий, умумбаъшарий маъзуларда битган бу шоҳ асарлари тематик камровининг кенглиги, диний-фалсафий, ғоявий-бадиий дунёсининг худудсиз бойлиги, қулданилган бадиий санъатларнинг сероблиги, уларнинг беадад ранго-ранглиги, араб, аҳам ва бошқа адабиётлар поэтикасидаги таърибалар-анъаналарнинг кенг қўламда камраб олинганлиги, хусусан, уларнинг аллома санъаткор бадиий маҳорати билан мутаносиб тушиши, табиий равишда уйғунлашиб, қўшилиб кетишининг энг ажойиб, тароватли, фассохатли намунаси, саналади. Шунинг учун ҳам даҳо шоирнинг мухтасар асарлари ижтимоий онг соҳасида янги лутф-сəҳрли суз туфайли ижодкор тафаккури элагидан утиб бунёд этилган гузал олам, тенгсиз уҳмаш иқ дунё бўлиб, уларда ҳар бир кишилик ҳаияятнинг тараққиёти учун энг зарур бўлган илғор роялар ўз ифодасини топанлиги билан миллий ва умуминсоний қадриятлар каинаси эканлиги билан буюк аҳамиятга моликдир.

Шайх Навоий асарларининг миллий ва умуминсоний қадриятларидан хабардор булган Ҳомий, Лутфий, Бобурлар "ҳамидан куп ва ҳуб айткон" лигига қойил қилинган булибса, Ғиёсиддин Хондамир эса ҳеч қандай тақаллуфсиз ва доғсиз айтиш мумкинки, ёксак санъаткорлик билан яратилган Навоий назмиётининг шухрати шундай даражага етдики, Араб ва Аҳам, Хитой мамлакатларининг қуйи чегараларигача олий ҳазратининг (Алишер Навоийнинг -А.А.) гузал тизмалари узилотулгон. "булди", деб узининг мухтасар баҳосини беради.

Алишер Навоий ижодининг пафоси Шарк Ғарб маданиятлари-адабиётлари бойликларини ўзида синтез қилган, ёксак санъаткорлик чуққисиданги тенгсиз танҳо адабий мактаб бўлиб, у дунё халқлари, айниқса, ижодкорлар учун туганмас уммон-ҳазинаси, шифобахш-ҳаётбахш чашма булганлиги туфайли XV асрдан то XX асрга қадар қалам тебратган зиёлилар, китобхонлар шоирнинг бадиий маҳоратидан ҳоли қудрат баҳраманл, яъни озиқланганликларини пайқаш қийин эмас, албатта.

Бундай қатта обрў, шухрат, мухтасар баҳоларга сазовор бўлишда ижодкор сазалари (Ғирдавсий, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий, Дехлавий, Саъдий, Ҳофиз) ва замондошлари Лутфий, Ҳомий, Ҳусайн Бойқаро, Ғузулий қабилар)нинг адабий меросидан, қисқаси, араб ва аҳам халқлари адабиётшунослиги, тилшунослиги ҳамда бадиий адабиётларидан ўз ўрни ва ўз меъёрида фойдаланиб, бир шоир иккинчи ижодкорнинг намунали маҳорат сирларидан баҳраманд бўлиш зарурлигини, хусусан, ўзига қадар етиб келган диний-фалсафий ақидалар, оятлар, ҳадийсларнинг даврининг, воқеликнинг талаблари асосида беҳад қўз етмас поғонага қўтарди ҳамда улардан ўз асарларига киритди. Қолаверса, арабу форс, тожик, турк халқлари тилшунослиг-адабиётшунослигидаги "илми маоний" (маъно жиҳатдан фасоҳатли гўзал гап тузиш); "илми баён" (нутқнинг мажоз йўли билан чиройли, ихчам ифодаланиш шакли); "илми бадий" (бадиий санъатлар системаси туфайли асосий ва бош хулосани аниқлаш, яъни лисоний тежамкорлик ва ифодали талаффуз этиш йўлини ўргатган услуб; "илми аруз" ва "илми қофия" қисқаси, ёқорида зикр этилган илмларнинг ўзларига ҳос қонуниятларини, фаркли томонларини, услубларини ҳам танкидий, ҳам ижодий чуқур ўзлаштириш орқали ўз асарларининг бадиий хусусиятларини, тилини бойитишда ўзининг ўта ноёб бадиий маҳоратини топқир-таълиқ соҳиби экандигини намоиш этди.

Дарҳақиқат, Навоийнинг бадий маҳорати замонавийлик-бадийлик бўлиб, у ҳаётий ҳақиқат билан эстетик идеянинг бир-бирига мос келиш оқибатида яратилади ҳамда у характерлар олами тарзида кузга ташланади. Образлар олами туфайли индиқос эттиридан воҳаник-мазмунининг хусусияти шуки, китобхонга етказилмоқчи бўлган асосий поэтик фикр-баш ҳулоса асар матнида қандай этилмайди, балки у ўқувчи учун топишмоқ-муаммо бўлиб қолиши керак. Бу бадий иқоднинг кучини курсатувчи асосий шартлардандир. Негаки, бадийлик иқодкор позициясининг яширин бўлишини тақозо этиб, у қилни кирк ёрадиган топқир-тадбиркор, танқидчи-китобхон қалбида ва миёсида қайта-қайта мушоҳада этилиши туфайли ечилади.

Шунинг учун иқодкорлик талантни шаҳода бўлиб, у поэтикага тегишли аруз шеърий ва бадий санъатлар системаларини ўта билимдонли бўлиши зарур. Хусусан, Алишер Навоий иқориде тилга олган масала-ларнинг изчил план асосида системали таҳлил эта оладиган олимлар олими эди. Бинобарин, шоир иқодининг пафосига даҳадор масала-ларни кузатиш ҳолатда мушкул ва беҳад мароқлидир.

Араб ва Ажам халқлари ҳаётида адабиётда Алишер Навоий аруз шеърий системасининг йирик арузшуносларидан бири бўлиб, у Ёрқ адабиётда қўлланилган ун туққизта баҳрлар (тавийл, босийт, мадийд, вофир, комил, ҳазаж, ражаз, рамаж, сарий, мунсарий, ҳафийф, музориъ, муктазаб, муҷтасс, мутақориб, мутадорик, ҳарийб, жадийд, мушқил ва уларнинг турли хил қўрилишларидаги вазнларда назмий асарлар битганлигини кузата оламиз (кейинчалик Бобур ихтиро этган арийз ва амийқ баҳрлари).

Аруз шеърий системасида баҳр ва унинг вазнларидан фойдаланиб шеърлар ёзиш, вазннинг талаби билан лексик-грамматик хатоликларга йўл қўймаслик шоирдан бадий суз уммони билан қуролланган зур истеъдод эгаси бўлишни талаб этади. Шунинг учун Алишер Навоийнинг изчил режа билан системали таҳлил этишда қўйидагиларга ҳаддий эътибор бермасликнинг иложий йўқ: қисқа, чуқур, ўта чуқур хиколар: жузъ, сабаб (сабаби ҳафийф, сабаби сақийл); ватад (ватади мажмуъ, ватади мафрук); фосила (фосила сугро, фосилаи кубро); аслий руқилар (фаувлун, фойлун, мафойилун, фойлотун, муштафйилун, мафойлатун, мутафойлун, мафъуллоту) ва уларнинг фаръий тармоқ руқилари (мафойилун руқиларининг турли зифо-ларга учраши туфайли унинг қўйидаги тармоқ руқилари ҳосил бўлади: мафойилун, мафойилу, мафойил, мафъул-

лун, маъфулу, фаулун, фоилун, фаула, фаъ, фоз); тактиъ таълимоти: байтда уринлашига нисбатан ибтидоъ, садр, хашв, аруз, зарб, мураббаъ, мусаддас, мусамман, мустаъод каби атамалар; Навоий ва Бобур асарларидаги доиралар: муттафика, мухталиба, мухталибаи музохава, мухталибаи мухтарава, муъталифа, мухталифа, мухтабиha, мунтазма, мухтабиha солим кабиларга эътибор бериш зарурдир.

Ўқорида билдирилган фикру-мулохазаларимиз далил учун боборкалонимиз Алишер Навоийнинг мазкур байтига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

Одами эрсанг, демагил одами,

Сники, Лук халк гамидин гами.

Ўзбу байт сария (/мустафилун//мустафилун// маъфувлоту//рукилари такроридан взога келади) бахрида битилган бўлиб, у тактиъ таълимоти туфайли куйидаги манзараларни билан кузга ташланади:

Ибтидоъ	хашв	аруз	б
О -да- ми -эр	санг -де-ма -гия	о -да -мий	
- у у -	- у у -	- у -	
муф-та-и -лун	муф - та-и -лун	фо -и -лун	
тармоқ руки	тармоқ руки	тармоқ руки	
матвий	матвий	матвийи макшүф	

Садр	хашв	зарб
О- ни -ки -йук	хал - қй -ға-мий	дин -ға-мий
- у у -	- у у -	- у -
муф-та -и -лун	муф - та- и -лун	фо - и - лун
тармоқ руки	тармоқ руки	тармоқ руки
матвий	матвий	матвийи макшүф

Ўзатишларимизча, мазкур байт сария мусаддаси матвийи матвийи макшүф вазнида битилган экан.

"Аъломул уламо" - "олимлар олими" шайх Алишер Навоийнинг бадий асарлари бадийлиги, яъни уларнинг бош хулосалари ўн саккиз минг оламни яратган Тангрига ҳамду сано, хазрати Муҳаммад наът ила удуглаш ва Худонинг бандаси саналмиш комил инсонни эса халқ хизматкори, шу халқнинг узвий қисми - "бани одам аъзои яқдигаранд" эканлиги бадий ифодасини топган бўлиб, у биринчидан, тилнинг узига хос конун-қоидаларига асосланувчи лисеоний тежамкорликка жиддий

этибор берилган: иккинчидан, байтда ҳусни ибтидоъ (гузал, чирой-ли, мавзун, тингловчи-хитобхон этибори диққатни қалб эта олади-ган этибб бошлаш дегани), такрор (одами-одамий) қофия (одамий-гамий) тазод, тажнис, ийҳом, таямех каби баъдий санъатлар системаси туфайли шоирнинг маҳорати намойиш этилган: учинчидан, икки харак-тердаги кишилар, яъни уз ҳусусиятлари билан ажралиб турувчи эахо-лар "одами" сузи билан инъикос этирилган бўлиб, уларнинг харак-теридаги кичкина тафовутли томонларини кийолаш орқали тазод санъати яратилган: шоирнинг уқтиришича, кимники, инсон десаэнг инсон эмас// шаклда бир, феълида як оон эмас"лиги", туртинчидан, халқ эҳтиёжини қондириш шарт бўлган инсон феолияти "гамийдин", "гамий" шаклларда ифодаланган бўлиб, улар икки ҳодисадан иборат эканлигиг таъкидланган: бешинчидан, "гамийдин", "гамий" сузлари-нинг ёнма-ён келтирилишидан мақсад манфаат билан халқ манфаати бир-бирини тақозо этувчи шакллардир: олтинчидан, буёқ аллоҳа якка шахс ва халққа нисбатан "ғами" сузини қўллаб, ғамсиз киши одам зотидан эмаслиги, ҳусусан, халқ кишилар йигиндисидан иборат эканлиги, унда мавжуд бўлган нарса, унинг аъзоси санаган бағиз кишида бўлиши ҳам зарурий шартлардан биридир, қолаверса, халқнинг узвий аъзоси ҳисобланган қомил инсон унинг ҳам ғамига ҳам, воқеа-гига шерик бўлишининг зарурлиги, акс ҳолда, эса одакий одакий деб ҳисоблаш ўринсиз эканлиги такроран уқтирилган: еттинчидан, байтда қўлланилган баъдий санъатлар системасида оз суз билан куп ва ҳуб маънолар ифодаланган: саккизинчидан, байт "Ҳайратул аброр"-дан келтирилган бўлиб, у панду ҳикмат оҳангига эга бўлганлиги туфайли сариъ мусаддаси матвий (муфтайлундан иборат туртта тар-моқ руқналар) матвий макшўф (фоилундан иборат иккита тармоқ руқна-лар) ваънида ёзилган: туккизинчидан, "демагил одами"/ одами демагил" каби суз уринларининг байт матни билан таъқарида келтири-лиши (баъдийлик талаби билан) тарди акс баъдий санъати яратил-ган; ўнинчидан, фақат ўзининг шахсий манфаати-дарди билан бр-ган кишиларга "адаб ва ҳаё" ва андиша билан, инсоний муносабат билан "демагил одамий" деган фикр ўрни билан билдирилганлигини кузата оламиз, аслида "демагил одамий" - "ҳайвон" деганидир). Ге-адаблик билан билдирилган фикр қанчалик туғри бўлмасин, у китоб-хонда қўнғилдагидек таъсир эта олмайди: ун биринчидан, маъкур байтда мисра "одами" сузи билан бошланиб, "одами" сузи билан тугалланган: бунда одамини фақат улуғлашгина эмас, балки уни

яратувчи Тангрига муъжизакор банда бўлиш. Тангри ва инсон урта-
сидаги диний алоқадорликни билдириш ҳамда бу борганишликнинг
барча чуқурликлари билан очиб маъноси ётади. Негаки, "одами" сузи-
нинг узидан олдинги сузлар семантик таъйиқи билан қўлланиши
бежиз эмас, албатта; ун иккинчидан, иккинчи мисра бутунлигича
биринчи мисранинг мантикий даъочи бўлиб, у гап булаклари муаммо-
си систем қўрилма сифатида уз ўрни ва уз меъёри билан яратил-
ган. Аниқроғи, Аллоҳ яратган бандаларнинг ота-онаси битталиги,¹
туғайли, улар бир-бирлари билан қомил инсон сифатида муносабат
қилишлари ва соғлом мухитда иноқ дўст бўлиб яшаётларига шоир
даъват этган мувожаъномадир; ун учинчидан, ушбу байт оддийдек
бадийлик нуқтаи назаридан ҳам жун бўлиб туялади, аммò байт
шоирнинг бадий маҳорати нуқтаи назаридан бадий таҳлил этил-
ганлигига эътибор берилса, санъаткорнинг "илми маоний", "илми
байт", "илми бадиъ", "илми аруз", "илми қофия" соҳаларида улар-
нинг узлавиға хос қоида-қонунларини мукамал билувчиси сифатида
қалам тебратиб оқибатида шоҳ асарлари битилганлигини ва тили
бойлганлигини қўзатиш мумкин: ун туртинчидан, эса, бадийлик
критерияларини талаблари асосида яратилган назкур байт мазмуни
мантикий асосланганлигини сузлар ўз ва қўлма маъноларида қатъий
систем қўрилма тарзида ишлатилганлиги, бадий жиҳатдан мукамал-
лиги, муъжиза ҳикматга бойлиги, таъсирчанлиги билан уз мухлис-
ларини хайратда қолдиради. Қисқаси, шоирнинг ушбу байтлари мис-
ралари узаро узвий боғлиқлиги билан ишлатилган ҳар бир суз ва
ҳар бир қўлланилган бадий санъатлари ранго-ранг маънолар
ифодадай олганлиги билан гениал шоирнинг бадий маҳоратини
бегилашга хизмат этилгандир.

Назкур байт "Ҳамса"дан олинган бўлиб, у ўзининг қарийб эл-
лик икки минг сатрлиги, сюжет, композицияси, баҳрлари, вазнлари,
бадий санъатлари билан араб, ашам халқларининг тилшунослик,
адабиётшунослик фанлари учун муҳим бўлганлиги билан аҳамиятга
моликдир. У йирик планли кенг ҳажмли ноёб асар бўлиб, ундаги
дostonлар сариф ("Айратул-аброр"), ҳазаж ("Фарход ва Ширин"),
("Дайли ва Мажнун"), Ҳафийф ("Сабаъи сайёр") мутақориб, ("Саъди
Искандарий"), баҳрлари ва уларнинг турли қўринишларидаги вазн-
ларда битилган. Асарга анъанавий китоб тузиш қоидалари асосида т
тартиб берилган бўлиб, у ўзбек шеърятининг дostonнавислигининг
шифоахш асарларидир, чунки унда бадий суз санъатига дахлдор

барча усул ва воситалари ўзининг мавжуд салобати -таровати билан поэтик тарада ўз ифодасини топган.

Араб, Ажам халқлари фольклорлари ва ёзма адабиётларининг ютуқлари инъикоси тенгсиз баҳорати-қарсматини туркий халқлар умум-тош адабиётларининг шаклланишида ва тараққий этишида михорат ва ижод мактабидир. Ҳаёки, Навоийнинг барча асарлари дилнинг, воқеликнинг талаблари билан яратилган бўлиб, уларда араб, ажам, жумладан, жаҳон халқларининг илтифотий ҳаёти ва қомил инсон фаслияти Тангрига қаратилиши ҳарурилиги қаби саволларга мухтасар хавоблар мавжуддир. Айниқса, кенг ҳудудда яшовчи туркий халқлари тилларининг келажакда ягона адабий тил бўлиб қолишига асос бўла оладиган барча мушторак ва хусусий ҳижатлари эътиборга олиниб, адабий тилнинг ўз замонасидаги ҳолатгагина эмас, балки араб, форс-тожик, турк ва бошқа халқлар тилларининг суз қуллаш амаллиги, грамматик қоидаларидан ўз урни ва ўз мезёри билан фойдаланишда уларнинг келажак тараққиётини ҳам эътибордан четда қолдирмаган шоир мигрурланиб ёзди: туркми назмида чун мен тортиб алам// аяладим ул мамлакатни як қалам.

Шоир бадиий нутқ санъаткорлигининг гоятда мушкул ш эканлигини бу соҳада ҳар бир ижодкорнинг сеҳрли, ҳижматли, диний-фалсафий ва тушунарли бўлишини ўқитиб ўтади: таҳавв аро барча бир нав эмас //ҳадийсин икки киши бирдек демас; киши нуктаи қилса муқмал баён//якинқим, анинг шарҳи топмас баён.

Ўз навбатида, булар фонетик, морфологик, синтактик қоидаларнинг изчил тартибга тутилишини, умумий дугавий бўлигини, тилнинг услубий, силликлитини, қолаверса, жонли, адабий, бадиий тиллар раволигини таъминлашга хизмат этган.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Тангрининг омадли бандаси, ҳазрати Муҳаммаднинг содиқ дўсти-уммати "Қуръонни ёддан билган, мазмунини чуқур ўлаштирган, "Ҳадийс"ни ипидан-игнасиғача билган, араб тилшунослиги-адабиётшунослигининг билимдони, уларнинг ҳам тадқиқотчиси, ҳам тарғиботчиси, Шарк дхмъэм поэзиясининг "қўли, ижодкорлар бошининг хашв-мавзуни, назмий дунёсининг сойири, "Ҳамса" санж, ўзбек адабиёти сеҳргари, умумбадарий қадриятлар ҳазинаси-яловбардори, қомил инсон учун зарур бўлган ўз минг байт шеърни ёддан билган, икки ўз минг қаторли мухтасар асарларида эллик фоиздан купрок арабча (деярли асарларининг сарловхалари ҳам

прабча), форсу тохикча сузлар ишлатган, хискаси, шоҳ асарларида йигирма олти мингдан ортхк сузларни уз урни ва уз меъёрида қўллаган Алишер Навоийнинг кизикарли бадий маҳоратига оид тадқиқотлардан ҳам иқодий, ҳам танқидий Ғойдаланишга тугри келди.

Минг афсуски, мумтоз адабиётимиз бадийлигига, жумладан, Алишер Навоийнинг бадийи маҳоратига дахлдор асарларда аниқлик киритилиши зарур бўлган уринлар ҳам йук эмас. Масалан, диний китоблардан олинган оят, ҳадис, Аллохнинг номи, тавҳид, шаҳодат қаломлари, ҳазрати Мухаммад тарихи, аруз шеърй системасидаги бахрлар номи, азимлари, бадий санъатлар, мумтоз адабиётимиз вазулар каби масалаларга доир ишларда чадқашликларнинг борлиги кузга ташланади.

Ғрта, олий мактаблар таълимида ва аҳоли орасида араб алифбоси, аруз шеърй системаси, бадий санъатлар системаси, қискаси, "иями бадий"ни урганиш талаб даражазида йулга қўйилиши даврнинг, воқоликнинг талаби бўлиб, улар тилшуносликда, адабиётшунослик фанларида энг муаммоли масалалардан хисобланади. Ачинарлиси шундаки, бу нарсалар ихтидорли арузшунос-бадийшунос мутахассисларнинг тафаккур камровида яширин қолиб келаётир.

Алишер Навоийнинг бадий маҳоратига тегишли бу муҳим масалани кунгилдагидек хал қилиш ва бу кутлуг ишга киришиш мумтоз адабий меросни, хусусан, Навоийдек гениал шоир ва улуг алломанинг йирик хазинасини мукамал тадқиқ ва тарғиқ эта олиш, улардан етарлича баҳраманд бўлиб, имкониятини яратиш шубҳасиздир.

Ушбу фикрларнинг вуҳудга келиши асоссиэ эмас, албатта. Мухаммад Содик, Мухаммад Юсуф ҳазратлари, А. Рустамов, А. Бердиялиев, Б. Са-римсоков, Б. Бафоев ва бошқа шулар каби таникли олимларнинг ишларидаги фикрлар ана шундай асосзамин ва зиғани утайди.

Фикримиз якунида шунй айтиш зарурки, ҳар бир даврнинг тарихида унинг мустаҳкамлайдиган йулчи йлдузлари булади. Мана шундай йулчи йлдузлардан бири Алишер Навоий бўлиб, у ижодининг бадийлиги ҳақида Тенгрига илтижо этиб қуйидаги мисраларни битган эди:

Дегонимни улуста марғуб эт,
Эзгонимни кўнгулга маҳбуб эт.
Тилга лафзини ногузир айла,
Донга назмини дилпазир айла.
Халкка зеби тарок айла они,
Уқуғонга муборак айла они.



Етти афлони анга ёр эт.
Етти иклим элини харидр эт.

Адиб тазкорлик ва махсулдорлигини бирга қўшалок намойиш этиш туфайли ўз халқига, қолаверса, жаҳон халқларига беэавол шуҳрат келтиришда Аллоҳнинг муқаддас китоби - "Қуръон" дан кучли таъсирланганлигини мамнуният билан эътироф этади:

"Қуръон"ки, эрур муҳдаи жони уқумоқ,
Йук, йуққи, ҳаёти жовидони уқумоқ.
Бил кунгулра истасанг шифони уқумоқ,
Ким келди кунгул шифоси они уқумоқ.

Дарҳақиқат, қувониш билан таъкидлаш жоиздирки, Алишер Навоий шундай улуг санъаткордирки, у ўз асарлари билан ўзбек халқини, жумладан, ўзга халқларнинг муқтоз адабиётини жаҳон миқёсига баралла кутариб чиқа олди. Шу боис бу муътабар аллома ва унинг, сермахсул ижоди ўз элининг, ўзбек халқининг абадий порлаб туравериши маънали - маъқидир.

Шоирнинг бадиий маҳорати юзасидан билдирилган йул-йулаккай мулоҳазаларимиз бу улуг ва кутлуг зотга бўлган эътиромимизнинг камтарона нишонаси - заррасидир.



"Тоҳнома"нинг минг йиллиги олдидан
Булк аллома Фирдавсий "Тоҳнома"сининг поэтикаси хусусида

Бировга соринса ҳар ким ёмонлик,
Ниҳоят ўзи ҳам топмас омонлик.

Ким одамийликдан чекинса агар,
Уни дев, жин дегил, одаммас дигар.

Таъғрининг сингарисиз-бетимсол, беқиёс кучи билан соҳрли, муъжизали жавохиротлар олами сифатида, жумладан, коинотнинг кузгуси тарзидаб бунёд этилган серфайз ўлкамизда меҳнат қилиб роҳат кўрмаган халқимизнинг кўп асрлик орзу-истаклари ушалиб, ҳозир мустақил давлат соҳиби сифатида жаҳон халқлари томонидан ухуриланиб, тан олинаётганлиги бежиз эмас, албатта. Иқтисодий-сиёсий, маданий ва маънавий жиҳатдан қийин ҳолатга тушиб қолган жумҳуриятимиз ҳаётини демократлаштириш, диний-фалсафий, адабий меросимизни билиб ёки билимай оёқ ости қилиш борасида йўл қўйилган барча камчиликларни бартараф этиш, халқимиз, жумладан, дунё халқлари идеалларига таяниб иш қуриш шу куннинг долзарб вазифаларидандир.

Ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида, хусусан, ҳамма ишларни ўз ва ўзга халқларнинг миллий ва умуминсоний руҳларига мос тарзда тараққий эттириш имконияти вуҷудга келдики, бунга ҳеч шак-шубҳасиз биз яшаётган давр воқолигининг талаблари катта туртки бўлди.

Миллий-умумбашарий қадриятлар диний-фалсафий ва поэтикага дахлдор асарларини доимий фазилатлари ҳамда мунаввар нури бўлиб улардаги асосий омиллар эканлигини муқаддас китоблар, қолаверса, Имом Бухорий, Имом Термизий, Сино, Беруний, Ғоробий, ал-Хоразмий, аз-Саълибий, Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз, Рутбий, Қомий, Ғузнувий, Навоий, Бобур, Бедил, ал-Маъданий ва шулар сингари улуғ шайхонларнинг асарларидан кузета оламиз.

Ўз навбатида, миллий, умуминсоний фазилатлар инсоният тарихининг турли давраларида узлуқсиз изланишлар, қузетишлар туфайли дунё қадамлари уртасида жиддий эътибор берилган ҳолда сара-

ланиб, бойиб, айикаллашиб етакчи кучга айланди. Оқибатда Ҳолик томонидан яратилган Одам зот онги янги тафаккур маҳсулининг миллий аарҳади кенгайиб, у умуминсоний кадриятлар даражасига порлок куёшдек кутарилди.

Ўқорида зикр этилган улур сиймоларнинг бадиий маҳорати, уларнинг Эгам берган кенг бадиий тафаккурлари ҳосили саналимиш поэтик олам, урнали-ибратли маънавий ва моддий турмуш тарзини бошидан кечирувчи эпизодик, етук эпизодик, тўлақонли бадиий образлар тим-солида хилма-хил жилваланиб, сўзнинг оёхр ва инсон қалбининг жунбушга келтира оладиган шеърнинг ҳикмат эканлигини намоиш этганлиги исбот талаб этмайди.

Мукаддас шох асарлар мавзулари доирасида миллий-умумбашарий фазилатларни тула сезиш учун тилшунослик, адабиётшунослик, бадиёшунослик, луғатшунослик, тарихшунослик, қуръону ҳадийшунослик, айниқса, сўзнинг луғавий, урфий, истилоҳий, бадиий маъноларидан хабардор булиш, қисқаси, зикр этилган ва этилмаган билимларнинг ута билагон танқидшуносу шарқшунос булиши керак.

Маълумки, зур истеъдод билан ёзилган асар қайси халқнинг ижтимоий ҳаёти мисолида ёзилмасин, у бир халқ турмуш тарзи миллий ва умумбашарий кадриятлари сиёсий, маданий ва илмий-маънавий тажрибаларидан, унинг урнали-ибрат олса арзигудек барча таъсирдору салмоқдор кашфиётлари ва муваффақиятларидан ўз ҳамда ўзга халқларни ҳам баҳраманд эта олган оригинал шох асар булибгина қолмай, ҳеч шак-шубҳасиз миллий, умумбашарий фазилатларга эга бўлади. Хусусан, бундай асар бир халқни иккинчи бир халққа батафсил таништирибгина қолмай, балки жафоқаш халқ барча бойликлар ижодкори булимиш Одамзод тафаккурининг, ижодий вижоатининг кенг имкониятларини ранго-ранг намоиш этувчи ноёб тухфа эканлиги туфайли ҳам тарбиявий, маърифий ва бадиий аҳамиятларга молик бўлади.

Маълумки, ижодкор дин таълимоти, ўз ва дунё халқлари ҳаёти ва тарихи ҳақида қанча қуп характерли маълумотларга эга бўлса, хусусан, инсонда миллий-умумбашарий хусусиятларнинг чексиз-ададсиз сероблигига булган шубҳалари йўқолиб, жаҳон халқларининг ижтимоий ҳаётларига тегишли билимлар одам фазилатларининг шаклланишида муҳим роль ўйнашига ишонч ҳосил қилади. Негаки, иктисодий, сиёсий, маданий ва илмий соҳаларда ўзаро танишиш бўлмаганда эди,

Одамзод кўпгига нарсаларни, бой берган бўларди. Шунинг учун бу масалаларга жиддий эътибор беришлик узаро қадимий дўстлик йўлларида зудлик билан босиб утиш, узга халкларнинг муваффақияту ихтироларидан баҳраманд бўлиш ва кузга ташланадиган талайгина томонларидан воқиф бўлиш имконини беради.

Ҳрни билан таъкидлаш жоизки, миллий-умуминсоний хусусиятларни узида инъикос эттирган ижодкор Ёр ўзи аҳолисининг устоду устоди сифатида қуйидаги фазилатларга эга бўлиши шарт ва зарур: бадий мукамаллик, ғамий мукамаллик, мантикий мукамаллик, ноёб истеъдод, самимият, эзгулик, кенг қўлам, бағрикенглик, ҳамдардлик ва ҳоказо.

Ноёб талант билан шох асарни яратишдан мақсад жамиятга бадий шаклда наф етказишдан иборат бўлиб, шу масалага мафтун бўлган санъаткорнинг ҳаётида мавжуд бўлган нарсаларни тасдиқлаш ёки инкор этишни мақсад қилган бўлса-да, у уз асарини завқланмай, унинг уммонига гарқ бўлмай ёзолмайди. Мана шу эътирос эса санъаткор ижоди ва маънавий ҳаётини қалбидан жунбўшга келтирган интилишнинг, фидойи ҳиссиётининг ёрдулари бўлиб, у ҳар бир қалам аҳлида ўзига хос поэтик маҳорат сифатида кузга ташланади. Шоир эътиросининг маҳсули бўлмиш ана шу эстетик ҳодиса поэтик маҳорат деб аталади.

Поэтика грекча поэтик санъатдан олинган бўлиб, у, биринчидан, кенг маънода бадий адабиёт, унинг қонуниятлари, қисқаси, адабиётшунослик фанининг асосий ва ёрдамчи соҳалари: адабий турлар ва уларнинг жанрлари: асар сюжети, композицияси ва ҳоказолар: иккинчидан, тор маънода шеърий йул билан ёзилган асар ва унинг тузилиши; шеърий жанр ва унинг тадрижи, уларнинг келиб чиқиши, тақдири; шеърий ва бадий санъатлар системалари каби соҳаларни назарда тутилади. Бинобарин, ушбумасолани Фирдавсий "Шоҳнома"сининг поэтикасига доир фикру мулоҳазаларимизни азиз шоҳномашуносу, шоҳномахонлар эътиборига ҳавола этамиз.

Маълумки, сеҳрли қоинот ва мўъжиза зоҳ-инсон олами санъаткорнинг илҳом манбаи бўлиб, у ижодкорнинг не олий ниятлар билан қўлига қалам олганлигини аниқлаш имконини беради. Масалан, гениал шоир Абулқосим Фирдавсий ўз ижодининг ва халқ қалбининг кузгуси бўлган "Шоҳнома"сидаги Рустам образини яратишдан мақсад нима эканлиги, ҳақида фикр юритиб ёзган эди:

Ки як нома аз умри худ кам қунам,
Чаҳоне пўр аз номи Рустам қунам.

Мазкур байтга эътибор берилса, у, биринчидан, поэтик маҳорат; бадиий ижодда фикр ва завқ бирлиги; иккинчидан, байтда ишлатилган сўзлар, бадиий тасвир воситалари, мутақориб баҳрида ёзилганлиги, маъноси ва бош хулосаси; учинчидан, санъаткор ижодининг пафосини аниқлашда калит, тўртинчидан, шоир ижодининг умумий йўналишини белгилаш имконидир. Бу масалалар тўлалигича "Шохнома" поэтикасига дахлдорлигига эътибор берган аъломул уламо Фирдавсий булиб, у қуръону ҳадийсшунос, тилшунос адабиётшунос, тариху фикршунос, ҳарбий саркарда, назари тўқ гениал шоир сифатида ўзининг қарийб қирқ йиллик машаққатли тинимсиз меҳнати билан "Шохнома"ни яратганлиги дунё халқларига маълумдир, унинг улуғлиги поэтик маҳоратини аниқлашда ижодиётининг бир бутун изчил режа асосидаги бадиий таҳлили туфайлигина объектив хулосага эришиш мумкин. Бундай ёндошиш ижодкор қаламига мансуб бўлган "Шохнома"нинг тарбиявий (амални яхшилиқ урурларини экишга йўналтириш), маърифий (билим ташналигини қондира олиш томони), бадиий (завқлантира олишлиги), хусусиятларини ҳар томонлама етарли даражада билиш ва, қисқаси, асар поэтикасини илмий тадқиқу тарғиб этишда калаванинг йуқолган учини топиб олишда қўл келади. Колеверса, ижодкорнинг асарни яратишдаги поэтик маҳоратини, асарнинг ижтимоий вазифаси ва ўзига хослигини белгилаш имконини ҳам беради.

Меҳнаткаш халқнинг эътиқодли устози сифатида Фирдавсий "Шохнома" асарини битиш билан тенгсиз шухрат қозонибгина қолмай, балки форсу тожик халқларини дунё аҳолисига танитди, айниқса, туртминг йиллик инсоният тарихидаги ўрнакли-ибратли ишларидан ўз ўрни ва меъёрида фойдаланиб, хусусан, муқаддас китобларнинг илҳомлантирувчи куч таъсирчанлигидан завқланиб, ўз асарини битишда поэтик маҳоратини куз-куз қилиб, арабу ажам халқлари тилларида ижод қилди ва ўзининг бор ижоди билан X-XX асрлардаги бутун дунё адабий жараёнига сингарисиз таъсир кўрсатди, десак янглишмаган бўламиз, албатта.

Санъаткор асарига ижтимоий онгнинг, халқ тафаккурининг ва, айни замонда, ўз адабий фаолиятининг тезкорлиги ҳамда махсуддорлиги булиб, унда Худо, унинг чексиз қуввати, каромату башорати билан яратилган жавоҳиротли олам, шу боғу-бўстоннинг сарвари саналмиш Одам ва унинг фазилатлари ўз инъикосини тоштанлигини кузатиш мумкин. Негаки, Худо ва унинг инсон ақлий фаолиятларини маҳсули бўлган диний-бадиий адабиёт шифобахш бўлоқ, ҳудошунослик

одамшунослик, куръону хадийшунослик, ҳаёт дарслиги, ҳаёту жамиятнинг бадий таҳлили, кишиларни жаннатга даъват этиш, уларни дузахдан огохлантириш, иймонлиларини мукофотлаш, гуноҳкорларини эса жазолашни намойиш этувчи курсатмадир.

Дарҳақиқат, "Шоҳнома" асарининг поэтикаси замонавийлик-баднийлик бўлиб, у ғқорида зикр этилган хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда кўп асрлик ҳаётий ҳақиқат билан эстетик идеянинг бир-бирига мос келиш оқибатида бунёд этилганлиги ҳамда тулаконли характерлар олами тарзида кўзга ташланади. Образлар олами боис инъикос этирилган воқелик мазмунининг хусусияти шундаки, уквчига отказимокчи бўлган поэтик ғоя-бoш хулоса асар матнида қайд этилмайди, балки у китобхон учун муаммо бўлиб, бу асар поэтикаси ва санъаткор позициясининг ғазилоти саналади. Бу вазифани ғахат қилни кирк марта ёра оладиган бадийшуносу арушунос ҳамда етук шарқшуносгина уддасидан чиқа олади. Ёинобарин, "Шоҳнома" поэтикасига дахлдор масалаларни ҳал этиш ниҳоятда мушқулу ғоятда мароқлидир.

Арабу ашам халқлари адабиётларида Фирдавсийнинг тутган ўрни ҳақидаги ғқоридаги зикр этилган фикру мулоҳазаларимиз далили учун макур байтга эътибор бериш мақсадлидир:

Ба номи Худованди чоу хирад,

К-аз бартар андеша бар нагзарад.

Ушбу байт тақтиъ таълимотича қуйидагича манзаралари билан кўзга ташланади:

Ба -нә -мй (ғаувлун) Ху-до-ван(ғаувлун) ди-чо-ну (ғаувлун) хи-рад (ғаувл), Ки -аз -бар(ғаувлун) тар- ран-де (ғаувлун) ша -бар -наг (ғаувлун) за-рад (ғаувл).

Кузатишларимизча, макур байт (ибтидоъ, ҳашв, ҳашв, аруз; садр, ҳашв, ҳашв, зарб атамалари) жанговарлик руҳида-охангида бўлганлиги сабабли мутақориби мусаммани солими максур вазнида ёзилган бўлиб, унда серунум кулланадиган ҳусни ибтидоъ, ҳусни хитом, салх, талмеҳ, тазод, ийхом, истиора, кофия каби тилга олинган ва олинмаган бадий санъатлар туғайли оз суз билан кўп ва ҳўб маънолари уз ифодасини топганлигини кузата оламиз; кофия хушоҳанг бўлиб, байтнинг тасвирий воситаларига салбий таъсир курсатмаган; вазн равон чиққан бўлиб, у туғайли на тил қондаси бузилган, на маъно

зарар кўрган ва на шаклий воситаларга дарз кетган.

Мана шу байтнинг биргина узидан "Шоҳнома" асари одамзод учун на қадар улуг ва санъатлар қони эканлигини қўзатиш мумкин. Бинобарин, унинг асар поэтикасини урганишнинг бадиъ илмлари ва санъатшунослик фанлари, ижодкорлар, матбуот, радио, зангори экран ходимлари, театру кино, шоҳномашуносу шоҳномахону шинавандалар учун жуда катта аҳамияти бор.

Мазкур асар муқаддас китобларнинг сингарисиз таъсири туфайли битилган бўлиб, у узининг сюжети ва бадиий санъатлари боис арабу аҷам халқларининг тилшунослик, адабиётшунослик ва тарихшунослик фанлари учун ҳоятда муҳимлиги билан чунг аҳамият қасб этади, у йирик камровли, кенг ҳажмли шоҳ асар саналиб, ундаги достонларга анъанавий шарқона китоб тузиш қоида-қонунлари асосида язага келтирилганлиги билан ҳам асар шарқ шеърини дostonнавлигининг замзам-шифоли бўлғи саналади, унда бадиий сўз санъатига доир усул ва воситалар узининг таровати-салобати билан ўз инъикосини топгандир. Масалан, шқорида келтирилган биргина байтнинг ўзига ҳос жилваланиши фикру мулоҳазаларимиз далили була олади.

Маълумки, "Шоҳнома" давр воқелигининг талозлари билан ёзилган бўлиб, унда ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари кўз илғамас даражада чуқур қамраб олинганлигини қўзатиш мумкин. Масалан, жамият ва унинг аҳолиси учун адолатли раҳбар қай даражада зарурлиги асарда келтирилган мазкур эпизодда кўзга ташланади: Бир кун Баҳромгур ўз аъёнлари билан гулистон-бўстонга айланган серфайз қишлоққа дуч келади. маҳмуднинг Қишлоқ аҳолиси унга етарли ҳурмат-иззат қўрсатмайди. Подшоҳнинг ғазаби қайнаб ўз муъбадига (ўз замонасининг билимдони, кекса оқсоқоли) уларни жазолаш зарурлигини айтади. Муъбад шундай фармонни олгач, у зудлик билан қишлоққа кириб боради ва уларни жазолаш мақсадида энди бу қишлоқда ҳамма бир-бирига тенг, бунда на ҳоким бор. на қишлоқ оқсоқоли ҳамма ўз хоҳишича яшайверсин, дейди. Бу сузлардан сўнг қишлоқ аҳолиси меҳнат билан шўғулланмай, ҳеч қимга бўйсунмай қўйишади. Бу қишлоқда ҳокимиятсизлик ва бошбошдоқлик авж олиб кетади. Қарокчилик, талончилик, ҳатто, қотиллик кундан-кунга авж олиб кетаверади. Одамлар ўз манзилгоҳларини ташлаб боши оққан томонларга қўчиб кетишади. Обод қишлоқ тез орада қултеппага айланади. Бир йилдан кейин бу диёрдан ўтиб бораётган

Раҳром шох буни куриб ич-ичидан аҷнади ва нима учун ободу яшнаган қишлоқ харобага айланганлигининг сабабини сурайди. Унга муъбад булган воқеани тушунтиради. Шох афсусу надоматлар чекиб, бу қишлоқни аввалги ҳолатга келтириш зарурлигини айтиди. Муъбад тезлик билан бир кекса донишмандни оқсоқол тайин этиб, эл орасида ёмонлик таркатувчиларга қаттиқ жазо берилишини айтиб, кетади. Қишлоқда тартиб-интизом ўрнатилиб, бир йилдан сунг қишлоқ ўзининг аввалги ҳолига келади.

Бу эпизоднинг бош ҳулосаси одамзод тарихининг ҳар бир даврига хусусан, биз яшаб турган ҳозирги даҳшатли замоннинг нохуш воқеаларига ва баъзан "суврат" аҳлидан булган раҳбарларнинг иш фаолиятларига тўла мазмуни билан боғлиқдир. Минг афсуски, буларнинг барчаси, "Шоҳнома" асарини поэтикасидан етарли даражада баҳраманд булмаганлигимизнинг оқибати булади. Колаверса, "Шоҳнома" поэтикасига доир асарларда аниқлик киритилиши зарур булган уринлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Аллоҳнинг номи, аруз ва бадий санъатлар системаларига доир асарларда ҳамда муқаддас китоблардан келтирилган ояту ҳадийсларда купол (фаувлун ўрнига фаулун, фаулун, фаувл ўрнига фаул, ибтидоъ эмас ~~эмас~~ ибтидо тарзида келтирилиши ва ҳоказо) католикларга йўл қўйилганлиги кўзга ташланади.

Таъкидлаш жоизки, шоир ўз асарини битишда, биринчидан, муқаддас китоблардан, араб ғазали ва ёзма адабиётидан ҳамда бошқа манбалардан ўз ўрнида фойдаланганлигини эътиборга олиш зарур. Масалан, асарнинг бисмиллаҳир раҳмонир раҳим билан бошланиши Тангрига ҳамду сано айтилиши, ҳазрати Муҳаммад пайғамбарни наът ила улуғланиши бежиз эмас, албатта. Энг ачинарлиси шундаки, куп жиддлик таржималарда вқорида зикр этилган масалалар четлаб ўтилган бўлиб, ташлаб кетилган жойларда шоирнинг диний-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий ҳамда тарбиявий-эстетик концепциялари писанд этилмайди.

Булардан асар поэтикасига тегишли масалаларни талаб даражасида ҳал этиб булмайди. Шу каби камчиликларни исталганча келтириш мумкин. Аммо иш ҳажми буни ўзига сифдирма олмаслигини ҳам эътибордан четда қолдирмади.

Маълумки, Абдурахмон Ҳалил ибн Аҳмад ал-Фароҳидий ал-Басрий ilk бор аруз назариясига асос солган бўлиб, унда араб шеъриятида

қулланилган 16 баҳр ва унинг турли кўринишларидаги ваъзалари келтирилган, кейинчалик форс-тожик шоирлари томонидан тавийл, қарийб ва мушокил баҳрлари, аруз илмининг билимдони Ёобур томонидан эса арийзу амийк баҳрлари ихтиро этилганлигини талэйгини ишончли ҳужжатлар тасдиқлайди.

Ўқорида уқтирганимиздек, Фирдавсий "Шоҳнома"ни мутақориб баҳрида ёзиш билан бу соҳада ўзига хос ижод мактабини яратади. Масалан, "Кутадғу билиг", "Ҳибатул ҳақойиқ", "Саъдди Искандарий" каби ўзбек тилидаги асарлар ҳам шу баҳр ва унинг ваъзалари кўринишларида битилганлиги фикримиз далили бўла олади,

Буларнинг барчаси "Шоҳнома" поэтикасининг ҳозирги замон ижтимоий масалалари учун қай даражада муҳимлигини кўрсатиш, шунингдек, Фирдавсий яшаган даврда тарих билан афсона қоришиқ ҳолда бўлганлигини ҳам писанд этмасликнинг иложи йўқдир. Негаки, асарда тилга олинган 50 та подшолар тарихий шахс тарзида тасвирланса-да, аслида бу ифодаларда мифу афсоналарнинг устуворлигини пайқаш мумкин.

Дарҳақиқат, олимлар олими бўлган Фирдавсий афсонавий ва тарихий ўтмишнинг бадиий манзарасини кашф этиш орқали кейинги ижодкорлар учун туганмас хазина қолдирдики, унинг бу улкан хазинаси таъбир жоиз бўлса, (гузал ва таъсирчанлигини назарга олиб), ақл тарозиси палласида Помир тоғини тош қилиб олиб, уни бир неча аср тортса ҳам тугамайди. Бундай муболағали фикру-мулоҳазаларимизнинг келтирилганлиги беҳиз эмас, албатта. Масалан, асардаги Рустам овоз чиқарса, тоғлар дарзага келади: одимлаб юрса оёғи тиззасигача тошга ботади: у халқнинг балогардони ва ҳоказолар.

Умумтаълим, ўрта махсус ва олий мактаблар таълимида "Шоҳнома" поэтикаси хусусидаги масалаларни махсус ва атрофлича урганиш ҳозирги давр воқелигининг долзарб талаби бўлиб, улар тилшунослик, адабиётшунослик ва тарихшунослик фанларининг энг муҳим масалаларидандир. Минг афсуски, бу нарсалар иктидорли етук олимларимизнинг тафаккур қамровидан юзага чиқмай келаётир.

"Шоҳнома" поэтикасига дахлдор бўлган бу масалаларни кўнгилдагидек ҳал этиш ва ана шу кутлуг ва шарафли ишга астойдил киришиш мумтоз адабиётимизнинг сەҳрли поэтикасини ва, айни чоқда, Фирдавсийдек устоз шоир ҳамда буюк алломанинг йирик бебаҳо хазинасини доимо тадқиқу тарғиб этиш, унинг зерфайз ижод мактабидан керагича баҳраманд бўли, ундан ўз ўрни ва ўз меъёрида фойдаланиш имкониятларини яратиши шак-шубҳасиздир.

Маъжур фикр-мулоҳазаларимизни юзга келтиришда Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Жомий, Навоий, Атоулло Ҳусайний, Бобур, Бедий, Гётте, Бертельс, Муҳаммад Нури Осмонов, Шоислом Шомухамедов, Абдуманнон Насриддинов, Маҳмудхон Оқилов ва шулар сингари буюк аллома ҳамда таниқли тадқиқотчиларнинг мавзуга тегишли ишларидан ҳам танкидий, ҳам ижодий фойдаланишга тўғри келди.

Фикрларимиз якунида шунингдек қўйилган, инсоният тарихида уни мустақамлайдиган, уни дунё халқларига кўрсата оладиган, кичикаси, бутун борлигича намоёиш эта оладиган порлоқ қўёшлари ва йўлчи юлдузлари бўлади. Мана шундай порлоқ қўёш ва йўлчи юлдузлардан бири Ҳакийм, аълумул уламо Абулқосим Фирдавсий бўлиб, у эзининг "Шохнома" асарини ёзишда узиғача бўлган поэтик воситалардан керагича фойдаланиб, яратган Эгамга илтижо қилиб ёзган асарини уқиган ададсиз китобхонлар томонидан илик сузлар айтилажагига ишонган улур санъаткор асарининг зикр этилган ва этилмаган фазилатларини назарда тутиб, уни қуйидаги мисралар билан тугатган эди:

Биноҳи обод гардад хароб,
Зи борону аз тобиши офтоб.

Пай афканда аз номи коҳе баланд,
Ки аз боду борон наёбад газанд.

Бад-ин нома бас умрхо бигзарад,
Бихонад ҳар он кас, ки дорад хирад.

Намирам аз ин кас, ки ман зиндаам,
Ки тухми суханро парокандаам.

Ҳар он кас ки дорад ҳушу ров дийн,
Пас аз марг бар ман кунад офарин.

Шоир поэтик ижоди тезкорлик ва маҳсулдорликни қўшалоқ ҳолда намоёиш этиш тўғрисида ўз халқига, айниқса, дунё халқларига ҳам беэъвол шону-шуҳрат келтириш мақсадида муқаддас китоблардан, хусусан, араб адабий меросидан кучли таъсирланганлигини куз қувониғи мамнуният билан эътироф этади. Шунинг учун "Шохнома" поэтикасидан огоҳ бўлган китобхон, аввало, биринчи ўқишда улур шоир ижодидаги кашфиёти ихтироларга дуч келади. Ундан кейин эса неча марта такрор ўқиса, унинг бадиятига қўйил қилиб, бебаҳо

хазина ичига кириб бораверади.

Дарҳақиқат, қониқишу севиниш билан таъкидлаш жоизки, Абулқосим Фирдавсий талантли улур ва гениал санъаткори, у узининг муътабар "Шоҳнома" асари боис форсу тожик халки адабиёти-ни жаҳон миқёсига баралла кутариб чида олган. Шу туфайли муътабару муъжизакор, сеҳру-ҳикматга бой аъломул уламо ва унинг шифобахш "Шоҳнома" асари ўз элининг форсу тожик, қолаверса, дунё халқларининг абадий доимий порлоқ қуёши ва йулчи ялдузидир.

Мазкур жиҳатлари билан азиз ва муътабар устоднинг "Шоҳнома" асари ва унинг қизиқарли поэтикасига фақат форсу тожик тилшунослик, адабиётшунослик фанларининг катта ытуғи бўлиб қолмай, балки жаҳон халқлари адабиётлари тарихларининг ҳам сингарисиз ытуғидир.

Таассуфки, "Шоҳнома" ва унинг бадииятига то ҳанузгача талаб доирасида тадқиқу тарғиб этилмаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Хуллас, "Шоҳнома"нинг поэтикасига дахлдор форсу тожик ва дунё халқлари адабиётларида билдирилган фикру мулоҳазаларни тарихий-қиёсий нуқтаи назардан изчил режа асосида чуқур тадқиқу тарғиб этиш, хусусан, бу илмий тадқиқот ишларида қул келадиган воситалардан ўз урни ва ўз меъёрида фойдаланиш, етук тилшунос ҳамда адабиётшунос олимларимизнинг ғоятда мушкул, ғоятда мароқли вазифасидир.

Абдулла Кодирий таваллудининг 100 йиллигига

"Утган кунлар" эпик трагедиясининг бадиияти хусусида

Давримиз воқелигининг тарозуси бўлган мустақиллик демократлаштиришни, диний-фалсафий асарлар методологиясига таянган ҳолда, ота-онаси бир бўлган дунё халқлари билан бамаслаҳат иш куришни тақозо этиб, шу боис ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам, хусусан, барча илмларни ана шу руҳга мувофиқ тараққий эттириш зарурлигини тақозо этаётирки, бу қарийб унутилган диний-адабий мерос, унинг вазифаси-ю, моҳиятини талаб даражасида ўрганишга бўлган замонавий талаб-эҳтиёжи ҳам ана шу руҳият камровидаги жабҳалардандир.

Маълумки, таълимнинг барча босқичларида одамзод тарихининг илк даври билан туташадиган соҳру хикматларга бой адабиётимизнинг сирли бадиияти ўқитилади. Лекин бу фаннинг вазифаси жамиятга бадиий-эстетик руҳда хизмат қилиш ва инсонни унга халал берадиган ва фойдасиз нарсалардан қутултириш, ислом таълимотига амал қилиш зарурлигини ёш авлодга сингдириш осон бўлмаса ҳам, ғоятда масъулиятли ҳамда шарафлидир. Шунинг учун муқаддас китоблар ("Таврот", "Инжил", "Забур", "Қуръон", "Ҳадийс") ва улардан озиқланган буюк алломаларнинг ёш авлодни керагича баҳраманд этишда даврнинг, воқеликнинг тақозоси билан иш куриш мушкул бўлса-да, бу соҳаларда етук олимларимиз томонидан яратилган таъсирдор асарларидан ўз ўрни ва ўз меъёрида фойдаланиш мақсадлидир.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, нуқсонлардан ҳоли бўлган китоблар ва уларнинг таъсирида битилган шоҳ асарлар бадиияти хусусида аниқлик киритилиши лозим бўлган ўринлар ҳам йўқ эмас, албатта. Мана шу нарсалар диний-адабий меросимизни чуқур ўзлаштириб олишда бир мунча қийинчиликларнинг юзага келиши табиий бўлиб, улар билимгоҳларда асар бадииятини талаб даражасида ўзлаштириб олиш учун шу масалаларни фақат мутахассислар мулки бўлиб қолай, балки омма меросига айлантириш айтиш муддаодир. Бу масъулиятли-шарафли вазифани объектив тарзда ҳал этиш учун таниқли мутахассисларнинг шу мавзуга тегишли фикру мулоҳазаларидан воқифу хабардор бўлиш талаб этилади.

Мазкур кўзга ишимиз ана шу соҳадаги қийинчиликларга ва чалкашликларга маълум даражада барҳам бериши, ва, айтиш чокда, билди-

рилган муштарак ҳамда номуштарак фикру мулоҳазаларга аниқлик киритиши табиийдир.

Ноёб талант билан яратилган асар ғоявий, тарбиявий, маърифий ва бадиий аҳамиятларга эга булганлиги билан китобхонлар қалбидан жой олади. Ўксак ғоя ва чуқур мазмунни гузал бадиий шаклда инъикос эттира олган асарларгина жаҳон халқлари адабиети хазинасидан муносиб уринни олиши туфайли замонавий ва бадиий булиб қолади.

Қалбида инсонийлик туйғуси булган ҳар бир "маъно аҳли" ҳақиқатни тушунтира олади. Лекин яхшиликни кучли ҳис этиш, ундан гузаллик аломатларини топқирлик билан саралаб олиб, уни эпизодик, етук эпизодик, тулақонли бадиий образларда инъикос эттириб бериш фақат ноёб талант соҳиби, истеъдодли Худошунос санъаткорнинг қулидан келади. Бу фикр-мулоҳазаларимизда бадиий ижоднинг талайгина масалалари қамраб олинган булиб, унда биринчидан, адиб қаламига мәнсуб булган асарнинг бадиияти масаласи назарда тутилса, иккинчидан, муайян тарихий-диний ҳақиқатни ўз мезонида бадиий образлар воситасида акс эттириши, учинчидан, шароит ва қаҳрамон, туртинчидан, муқаддас диний эътиқод методологияси асосида масалага ёндашиш ҳақ кўзда тутилади.

Асарнинг бадиияти масаласи ҳам адабиётшунослигимизда куп баҳсларга сабаб булган, ва тадқиқу тарғиб этилган масалалардан бири саналади. Ҳар бир давр адабиётининг ўз мавзу доираси, ўз мезони, ўз вазифаси булганидек, ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари ҳам мавжуд. Давр қаҳрамонлари, айниқса, ижобий қаҳрамон зиммасида ташувчи ғоявий нагрузка билан тарихий тараққиёт учун ҳамisha катта ижтимоий ҳаётий аҳамият касб этади.

Аммо бу нагрузка, вқорида уқтирганимиздек, бевосита адибнинг санъаткорлиги-заргарлиги туфайли у ёки бу тарихий шароит билан шартлашган булади. Ана шу шартланганлик бадиий асарнинг ғояси, образлар силсиласи, сюжети, композицияси, бадиий санъатлар системаси, ҳулласи, унинг барча жабҳаларида ўз инъикосини топади. Ана шунинг учун ҳам тарихий муҳит ва ижобий қаҳрамон, бадиий санъаткор системаси масалалари билан узвий боғланган булади.

Шундай экан, бундай улкан ва серқирра масалалар хусусида етарлича тўхтала олмаймиз, бу уринда эса фақат масаланинг бевосита мавзуга алоқадор жабҳалари устида фикр билидириш чеклиги билан чегараланамиз.

Маълумки, шох асар жамиятдаги илғор аҳамиятга молик бўлган узғаришлардан ҳеч қачон четда тура олмайди. У ўтмишнинг юксак анъаналарига таянган ҳолда янги давр воқеалари ва ғояларининг ҳаётда ўрнашиб қолишига даврнинг талаблари боис пайдо бўлган янгиликлар ҳисобига бойиб, кенгайиб мустаҳкам ўрнашиб боришига кўмаклашади. Халқнинг яратувчанлик фаолиятини ва енгилмас кучини янгича тараннум этади: тарихий муҳит меваси, типи, янги замон руҳи билан сурғрилган образларни яратиб беради.

Даврнинг образларини туғри танлаб, уларни халқ кўзига ўрнакуйибрат тариқасида намоиш этиб бориш янги инсон тарбияси учун ғоят аҳамиятга молик бўлади. Бу каби образлар миллион-миллион уқувчиларнинг онги, калби ва руҳига чуқур кириб бора олади, уларнинг дунёқараши, тушунчаси, характериға таъсир этади: ҳаётга туғри қадам ташлашда "дарслик", "инсоншунослик" маънавий баркамоллик йўлида эса баъзан чинакам ҳамроҳ, "йўлчи ёлдуз" вазифасини ўтайди.

Абдулла Ҳодирий "Ўтган кунлар" эпик трагедиясида ижобий ҳарамон образи туфайли даврнинг энг илғор тенденцияларини бадиий гавдалантириш билангина чекланмай, кишиларнинг шу хил орзу-истаклар, идеаллар йўлида курашишга даъват ҳам этади. Лекин бунда ҳар давр адабиётининг ва ҳар қайси истеъдодли ижодкорнинг ўз танлаган йўли, ўз маъқул курган мақсадни амалга ошириш усуллари ҳам бўлади.

Агар биз илк узбек адабиётидаги ижобий образлар галереясини шу нуқтаи назардан текшириб кўрсак, бу масала Абдулла Ҳодирийнинг "Ўтган кунлар" асарида жуда ҳам оригинал бир тарзда замон талабларига ниҳоятда мос равишда ҳаққоний ҳал этилганини кўзга оламиз.

Маълумки, ҳар бир адиб ўз асарларида жамият ва одамларга тегишли масалаларни кўтариб чиқиб, уни ўз китобхонлари эътиборига ҳавола этади. Лекин ҳаёт ҳодисалари ўртасидаги алоқаларнинг ва бу ҳодисалар ривожининг акс эттирилиши кўп жиҳатдан ижодкорнинг диний-фалсафий асарлар методологияси асосида ҳаёт жараёнининг канчалик тушунишга, нимани бу жараёнда муҳим деб ҳисоблашга, шуларга қура ўз диққат-эътиборини қандай характерли фактларга қаратишга боғлиқ бўлади. Холбуки, шу нуқтаи назардан "Ўтган кунлар" асариға ўз эътиборимизни қаратсак, унда инсон амал қилиши зарур бўлган куплаб турмуш фактларини ҳар томонлама батафсил ёритилганлиги, яққол кўзга ташланади.

Санъаткорнинг "Ўтган кунлар" эпик-трагедияси халкимиз ҳаётидаги энг оғир, мушкул дамларни, тарихимизни энг кир, энг доғ, энг қор қунларини бадиий акс эттиришда ҳозирга қадар тенги йўқ кўзгу вазифасини ўтаб қалаётганлиги бежиз эмас, албатта. Бу асардаги диққатга сазовор ўринлардан бири ўша тарихий муҳитдаги инсон бахтига қанг солиб турувчи асл ғожиавий ҳолатларни мутлақо ишонарли бир тарзда ҳикоя қилиниши ва китобхонга зулмат қўйнидаги нурлар ҳаётдан сабоқ бериш ҳисобланади. Асарда тарихий муҳит бош қаҳрамон тақдирида муҳим роль уйнайди. Қаҳрамон характери, дунёқарашида из берган ўзгаришлар муҳитнинг таъсири, хусусан, ислоҳ таълимотига зид иш қўлланлиги боис пайдо бўлганлигини қўзғата оламиз.

Бу жиҳатдан Отабек ўзбек адабиётида жиддий эътиборга лойиқ ижобий қаҳрамон бўлиб қолади. Танқидчиликда Отабек образидagi ижобийликка қайси нуқтаи назардан туриб баҳо бериш зарур, деган саволга ҳануз китобхонни қаноатлантира оладиган жавоб йўқ. Баъзан таниқли танқидчи олимлар унинг вқори табақа вакили эканлигидан кўпинча нотўғри хулоса чиқариб келадилар. Уларнинг фикрича, бош ижобий қаҳрамоннинг вқори табақа вакилидан бўлиши ижодкор дунёқарашининг чекланганлигини англатар эмиш. Ўз навбатида, бошқа етук олимлар бўлса, Отабек савдогар оиласидан бўлса ҳам, бироқ у аслида меҳнаткаш халққа яқин киши, асарда у ҳамisha халқ тарафида туриб ҳаракат қилади. Санъаткор унинг сиймосида Фурқат, Аҳмад Дониш сингари мумтоз зиёлиларнинг ҳур фикрлари намоёндалари хусусиятларини умумлаштириб, акс эттирмоқчи бўлганлигини таъкидлашади. Чунки уларда асардаги ижобий қаҳрамон масаласига шу асардаги конкрет тасвирий принциплардан келиб чиқиб эмас, балки кўпроқ умумий тарзда, умумфалсафий нуқтаи назардангина ёндашиб баҳо бериш ҳукмронлик қилади. Асарга ва, айниқса, ундаги бош қаҳрамон образига бундай умумий тарзда ёндашиш кўпинча асар бадиияти доирасини белгилаб олмасдан фикрлашга олиб келади. Ваҳоланки, асар бадиияти доирасига асарнинг барча хусусиятлари, шу жумладан, бош қаҳрамон хатти-ҳаракатлари жараёнидаги хусусиятлари билан адибнинг дунёқараши, унинг яширин мавқеи, роявий-эстетик дунёқараши ўрталаридаги муносабатлар ҳам боглиқ бўлади.

Агар биз "Ўтган кунлар" асарини жанр хусусиятларига жиддийроқ эътибор берсак, Отабек характеридаги ижобийлик ва у томонидан содир бўлган камчилик яққол кўзга ташланади. Негаки, "Ўтган кунлар"

танкидчи олимлар уқтирганидек, одатдаги тарихий романлардан эмас. Бизнингча, уни эпик трагедия деб аташ маъқулроқ бўлади. Ижодкор асарда иштирок этган эпизодик, етук эпизодик, тулақонли образлар фожиаси орқали улар яшаган шароитнинг нақадар даҳшатли эканлигини ҳаялдан узига хос бир тарзда таъсирчан этиб ифода қилган. Далил сифатида Отабек қисмати кўздан кечирайлик: асарнинг бошларида у диний мадрасини аъло баҳолар билан тугатган тақводор исломшуносдир; узининг вояга етказган муҳитда сезиларли нуфуз бор; деярли жамиятнинг имтиёзли кимсаларидан, айниқса, у нуфузли савдогар фарзанди.

Асарнинг бош ижобий қаҳрамони Отабек узининг бутун умрини шулоқаш халққа наф етказиш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Аммо кейинчалик маълум бўладики, у чин маънода ўзининг урдасидан чиқа олмас экан.

Дард устига чипкон деганларидек, унинг бу ташвишларига севги моҳирлари ҳам қелиб қўпилади. Ота-она розилигисиз Қўмуш билан оила қуриши унинг бутунлай бахтсиз бўлиб қолишига сабаб бўлади. Хуллас, Отабек ота-она назаридан қолади.

Асардаги бошқа образлар тақдири ҳам ана шундай фожиавий қисматлар билан тўлиб-тошган. Доимо фўқаро бахти йўлида тер тўқаман, деб уйлаб, ўрлини уйлаш нима, амал нима, билмай соқолини "эл кайғусида" оқартирган Юсуфбек ҳожи кексайган чоғида умр бўйи бирор фойдали иш қилмаганлигидан афғусланиб, бениҳоя изтироб чекади ва унинг устига ўғлининг ўлими баҳона бўлиб тирик мурдага айланади. Гўзаллик маликаси Қўмушбининг кундошининг оғуси ҳалок этади.

Оқилмаган ғунча - Зайнаб "қилмиш-кидирмиш" деганларидек, қилмиш билан ўз ёғига доғланиб девона бўлиб қолади. Хаттоки, эпизодик персонажлар - Уста Олим, унинг севгилиси Саодат қисматлари ҳам фожиавийликдан холи эмас.

Демак, бундан чиқадиган мантиқ шуки, ижодкор, аввало, бизни уша маъшум замоннинг ўзи битмас-туганмас фожиалар ва балолар макони эди, деган хулосага томон етаклаётди.

Агар мазкур фожиаларнинг қелиб чиқиш сабабига эътибор берсак, муаллифнинг ноёб талант эгаси эканлиги ҳамда унга маҳлиё бўлган танкидчи олимларнинг "Утган кунлар" бадиияти хусусидаги фикру мулоҳазаларининг ҳақлигига шубҳа пайдо қилган бўламиз. Яна Отабек тақдирига бир эътибор беринг. Борди-ю, у ислом дини кўрсатмаларига биноан ота-онаси билан маслаҳатлашиб ("Шўро" сураси

оятларига таяниб) иш қурганда, шу қадар бало-офатларга гирифтор бўлармиди? Йўқ, албатта. Уни ҳалокат ёқасига етаклаган нарсa, биринчидан, ислом дини қонун-қоидаларини била туриб паймол этиши бўлса, иккинчидан, ота-онаси назаридан қолиб, оқибат натижада бахтсиз бўлиб қолганлигидир. Шунинг учун Отабек узини маънавий дунёси билан ўзгаларга ўрнак бўлса ҳам, у кўпгина ҳаётий масалаларда ота-онаси билан мулоқотда бўлиб, ҳатто уларнинг изидан чиқади.

Муқаддас китобларнинг уқтиришича, ота-онасини норози қилган фарзанднинг бутун умри азобда ўтади, ва ҳаммашаликка мубтало бўлади. Отабекнинг ўз бошига ва ота-онаси бошига ҳам-ташвиш тоши ёғдиришининг сабаби нимада? Бунга сабаб, эркинлик ҳақидаги фалсафий ақидасининг нотўғрилигидир.

Ҳар бир фарзанднинг саодати унинг ота-онаси кўрсатмаларига тула амал қилиши ва меҳнат фаолиятини эзгу ишлар-амалларга бағишлашига боглиқ бўлади. Қисқаси, аввало, фарзанд онапарвару отапарвар, халқпарвар бўлиши зарур. Буларсиз фарзанднинг бахтли бўлиши асло мумкин эмас.

Адиб Отабек тақдирида у мансуб бўлган жамият тақдирини гавдалантириб беради: инсоният Отабеклар истаган, орзу қилган эфирдек бахтга ҳам, улар яшагани каби яшаб, қурашаётгани каби қурашиб ҳам ҳеч қачон эриша олган эмас. Адиб ўқувчини шунга ишонтиргиси келар ва ишонтира олган эди, ҳам. Китобхон "Ўтган кунлар" эпик-трагедиясини ўқиб тугатиши биланок, чуқур бир ҳўрсиниб олиб, яъни асар матнида берилмаган бош ҳўлосадан воқифу хабардор бўлиб, унга куйидагича шарҳ беради: ўтмиш ижтимоий тузумларида жиндаккина эркинлик ёки адолат талаб бўлиб қолса, нуфузи бор кишилар улар фарзандларининг ва ҳатто жамиятга озми-кўпми нафитўтеккан давлат арбобларининг ҳам қисмати шу қадар фожиали экан, умр бўйи эзилишга, фақат ҳўжайинлар учунгина тер тукиб меҳнат қилишга маҳкум этилган камбағаллар, бева-бечоралар тириклайин дўзахда ёнди, -десангиз-чи? Бунга эса Ёгамнинг ўзига насиб этган тузалликларини бир боддан чуқурроқ ҳис этиб, қайта-қайта яраб кетишади.

Бу бош ҳўлоса асар матнида мавжуд эмас, балки у асарда иштирок этган образлар системасига боглиқ ҳолда тасвирланган ҳаёт манзарасидан муқаррар суръатда келиб чиқади. Бу асар мазмунидан, яъни бош ҳўлосанинг асар матнидан ташқаридашиги, таъбир жоиз бўлса, асар бадииятининг асосий ҳўсу сияти бўлиб, уни фўросатли, била-

рон китобхонгина илғаб олади, холос.

Дарҳақиқат, "Утган кунлар" асарини ёзиш билан беназир шуҳрату обрўга эга бўлган Абдулла Қодирий мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиб, утмишдошлари ва замондошлари қозонган муваффақиятларидан, айниқса, муқаддас китоблардан таъсирланиб ўз асарини битишда пздан ортиқ бадиий санъатларни қўллашда ўзининг бадиий маҳоратини намойиш этиб, XX асрнинг биринчи чорағида бор ижодий бадийяти билан ўзбек ва жаҳон халқлари адабий жараёнига кучли таъсир курсатди.

Билдирилган фикр мулохазаларимиз исботи учун асарда қўлланилган серунум бадиий санъатлардан баъзиларини келтириш билан қийоланамиз. Масалан:

1. Ташхис - арабча, илғаш, фарқлаш, белгिलाш деган маъноларни ифодалаб, у коинотнинг барча жонсиз нарсаларини жонлантиради. Бу бадиий санъат туфайли асар тили образлилик ва ёркинлик касб этади. Адибнинг "Утган кунлар" асарида мазкур бадиий санъатнинг энг яхши намуналарини келтирилган: "... ариқнинг мусайффо тиниқ суви ёввошгина оқиб келар, Қумушбибининг қаршисига етганда гўёки унинг таъзими секингина бир чарх уриб қўяр", "унинг ўзини ўпиб тушган суви томчилари билан ариқ ҳаракатга келиб чайқалади. Гўёки сув ичида бир фитна ўз берган эди", "жон олувчи қора кўзлар" ва ҳоказо.

2. Сифатдош сузи сифатлар ва хусусиятлар деган маънони ифода-лайди. (Халқаро адабиётшуносликда-эпитет атамаси қўлланилади). Абдулла Қодирий китобхонни ҳар бир нарса ёки ҳолат ҳақида тасаввур этириши ўз тасвир предметининг муҳим хусусиятларини ажратиб курсатишда сифатлаш бадиий санъатидан фойдаланиб, унинг қуйидаги турларини қўллаганлигини кузатиш мумкин: "қора зулф", "қуяқ жингила киприк", "тим қора кўз", "қоп-қора камон", "жангил кийик қошлар", "сарик рупоҳ атлас куйнак", "буғриққан қизил ўз", "жонсиз сурат", "қора хол", "битмас хусумат", "мулойим, беозор ва муассир сўз", "нихоятсиз ҳаракат", "нозик оёқлар" ва ҳоказо. Булардан ташқари, асарда келтирилган қуйидаги сўз бирикмалари ҳам сифатлаш бадиий санъатини энг яхши намуналари саналади: "От-бёк қип-қизил қизариб, гуноҳкорлардек ерга қараган эди. Ҳасаналининг ўзига падарона тараххум (оталарча раҳм-шафқат) туси киб кексаларга хос оҳангдор бир товуш билан бекнинг устидан оғир юкини ола бошлади". "Ой ўзли рафиқам, қўндуз қушли маъшукам" "Ўзун бўйли, қора, чўтир ўзли, чувак сокол, ўттиз беш ёшлардаги

булган кўримсиз киши ва ҳоказолар.

3. Ухшатиш (санъаткорнинг бадиий маҳоратини, хусусан, унинг тасвир ва ҳаёл олами бой ёки камбағаллигини намойиш этувчи бадиий санъатлардан биридир.

Бирор нарса ёки ҳодиса хусусиятларини шу каби хусусиятларга эга булган бошқа нарса ёки ҳодисалар орқали тасвирлаш ухшатиш-ташбиҳ деб аталади. У китобхон ҳиссиётини уйғотиш ва жунбушга келтириш ҳамда асар таъсирчанлигини ошириш мақсадида қўлланилади. Унинг мундарижасини ухшатиш ва ўхшатиш ташкил этади. Қисқаси, у предмет, восита ва элементлардан иборат бўлиб, бу бадиий санъатнинг энг яхши намунаси "ўтган кунлар" асарида кўзга ташланишини куйидаги мисолларда кўришимиз мумкин: "гунохкорлардек", "гуё сув ичида бир фінта юз берган эди", "кимдандир уялган каби", "садаф каби оқ тишлар", "тулган ойдек губорсиз юзи", "нимадир бир нарсадан чўчиган каби", "енгиллангансимон", "туйга ҳозирланган", "аразланганнамо", "қўлингдан нима келади, дегандек" ва ҳоказо.

4. Истиора (арабча бирор нарсани омонатга олиб туриш дегани) нутқда ҳос банъат ҳисобланиб, у ухшатишдан ифодаланиши билан фарқланади. Бунда фақат ўхшовчи ифодаланади ҳолос. Лекин у маъно жиҳатидан ўхшатишмишни ҳам ўз доирасига олади. Шеърый ва насрий асарларда сўзлар асл ҳамда кўчма маъноларда қўлланади. Масалан, бирор одамни "қўли очик" десак, бу бирикмадаги "очик" сўзи одам қўлининг очиклигини эмас, балки унинг бошқа фазилатига-сахий эканлигига, ҳасис эмаслигига ишора ролини уйнайди.

Юқорида уқтирганимиздек, истиорада ўхшаган нарса тушурилиб қолдирилади-да, ўхшатишган нарса ва ўхшаган нарсанинг сифатигига сақланади. "Қўли очик" истиорасида жуда кўп очик нарсалар кўзда тутилади, аммо улар зикр этилмай, уларга ҳос софлик сақланади ва у кўнгилга нисбат берилади. Истиоранинг юқорида тилга олинганига мисоллар: "қора хабар", "телба сўзлар", "қундошлик тўни", "қундошлик савдоси", "ит-мушуклик", "врак ўти".

5. Муболага (арабча ақлга жигадиган ёки сиймайдиган, кишига завқ бағишлайдиган нарса ва ҳодисалардан керагича фойдажаниш дегани бўлиб, унинг энг намунасилари, ё воқелик, мантик нуқтаи назардан асослиси, ё тасаввур нуқтаи назардан ёқимлиси, Абдулла Қодирий томонидан устодона қўлланилганига биргина мисол: "Отабекнинг врак уриши эҳтимол янғасига ҳам эштилар эди"...

Дарҳақиқат, "Утган кунлар" эпик трагедиясининг бадиияти замонавийлик-бадиийлик бўлиб, у оқорида зикр этилган хусусиятларни узида мужассамлаштирган ҳолда ҳаётий ҳақиқат билан эстетик идеалларнинг бир-бирига мос келиши оқибатида бунёд этилганлиги ҳамда эпизодик, етук эпизодик ва тулаконли образлар олами тарзида кузга ташланади. Образлар олами боис инъикос этирилган воқелик -мазмуннинг хусусияти шундаки, китобхонга отказилмокчи бўлган поэтик . . . гоя-бош хулоса асар маънида қайд этилмайди, балки у ўқувчи учун муаммо бўлиб, бу асар бадиияти ва санъаткорнинг ноёб талантига эга эканлигидан далolat беради. Негаки, муаллиф позицияси қанчалик сирли бўлса, у бадиият учун шунча яхши бўлиб, уни фақат қилни қирқара оладиган бадеъшуносу адабиётшунос ҳамда етук шарқшуносгина инъай олади. Бинобарин, "Утган кунлар" эпик трагедиясининг бадиияти хусусида фикр билдириш гоятда мушкул ва гоятда мароқлидир.

Мазкур фикру мулоҳазаларимизнинг изага келишида Иззат Султон, Алибек Рустамов, Ёқубжон Исҳоқов, Маҳмуджон Оқилов ва шулар сийғари етук олимларнинг мавзуга тегишли ишларидан ҳам танқидий, ҳам ижодий фойдаланишга тўғри келди.

"Утган кунлар" эпик трагедияси ва унинг қизиқарли бадиияти фақат ўзбек филологиясининг катта ютуғи бўлиб қолмай, балки ҳаҳон халқлари адабиётлари тарихларининг ҳам тенгсиз улкан ютуғидир. Таассуфки, "Утган кунлар" ва унинг бадиияти ҳанузгача талаб, даражасида тадқиқу тарғиб этилмаган.

Хуллас, "Утган кунлар"нинг бадииятига дахлдор фикру мулоҳазаларни тарихий-қийсий нуқтаи назардан изчил режа асосида чуқур тадқиқу тарғиб этиш, унинг тарбиявий, маърифий, бадиий аҳамиятларини кенг қўламда шарҳлаб бериш, хусусан, бу соҳада қўл келадиган барча воситалардан ўз урни ва ўз меъёрида фойдаланиш таниқли суҳаншунос олимларимизнинг ўта масъулиятли, аммо шарафли ва зифасидир.

Диний-адабий жараён ва ўзбек адабий танкидини урганишнинг баъзи масалалари

Ўзбек халқининг Шарқу-Ғарб мамлакатлари билан диний, иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий ва адабий алоқаларда бўлганлиги, инсоният тарихини илк давлари билан тутатиб кетади. Диний-фалсафий, адабий-тарихий ва илмий жараённинг узвий қисми саналмиш адабий танкиднинг юзга келиши ҳамда тараққиёти жараёнларига дахлдор талайгина асарлар яратилган; лекин ўзбек тилида бундай асарларни киёсий-тарихий ўрганиш масалаларига тегишли тадқиқотлар ханузгача яратилмаган. Бинобарин, ушбу мақола мазкур мавзу доирасидаги долзарб масалаларни маълум даражада ёритиб беришни кўзда тутди.

Диний-фалсафий ва бадий адабиёт башарият тарихида гоят муҳим роль ўйнайди. Диний-фалсафий таълимот адабий танкид, жумладан, ўзбек адабий танкиди тарихини киёсий-тарихий ўрганишнинг асосий дастурамалларидан саналади. Бу эгам ақлий фаолиятнинг маҳсули бўлмиш "Таврот", "Забур", "Қуръон" китобларига (пайгамбаримиз ҳадисларига ҳам) асосланади. Бу китоблар ҳар бир давр ҳамият тараққиётида катта роль ўйнаганилиги исботсиз англашиладиган ҳақиқатдир. Масалан, "Шуаро" сурасида уқтирилишча, шоирлар учун энг характерли нарса луқи, уларнинг қарийб барчаси ўзлари яшаган замоннинг беадад манфаатлари ваноҳуш воқеалари орасида ҳаёт кечириб, ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт жараёнида актив иштирок этадилар, ҳамда Тангрининг кўрсатмаларига тўла амал қилишиб, бири суз ва қалам билан, бири бўлса ҳам қалам, ҳам қиличи билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилурлар. Минг афсуски, шқорида зикр этилган сурани 225-226-оятларида айтилишча, уларни баъзилари ўзларига ёкиб қолган энг тубан кимса ёки нарсаларни ҳам қукка қутариб, ёқтирмаганларни тупроққа қориштиришади ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни ҳам айтишади.

Бу сура ва унинг мавзуга дахлдор оятлари барча замонлардаги Аллоҳдан қўрқмайдиган, устиларидаги ҳокимият-сиёсат узғариши билан ёзаётган мавзулари, қаҳрамонлари ҳам узғариб кетадиган, узғаларга туғрилиқ, эзгулик, ҳақида лоф уриб, ўзлари эса нопок йўللاردан ўрадиган маддоҳ қаламкашлар ва ўзларининг сарф қиладиган ҳақидадир. Лекин, иймонли, эзгу амаллар қиладиган ва доимо Аллоҳни ёдда тутадиган шоирлар бундан мустасно эканлиги туғрисида қўйидаги ояти, қаримадан кўп ҳадийслар ривоят қилинган. Шулардан бири мазкур ҳадийсдир. Ҷаҳобалардан бўлган бир шоир ке-

либ пайгамбар алайхис-саломга, Аллох таоло шоирлар хакида айтган сузлардан кейин бизларнинг холимиз не кечади, деганларида ҳазрат шундай жавоб берганлар: "Мумин киши ҳам тиги билан, ҳам тили (яъни қалами) билан Аллоҳ йулида жиҳод қилурлар. Яратган Эгамнинг номига касамки, Сизлар отадиган укнинг тиги ўткир-рокдир".

Дархақиқат, шоирлар шеъриятнинг (демак адабий танқиднинг ҳам) инсоният тарихида асосий омил эканлигини тан олиш ва, айни чоқда, давр воқеалигининг фаол иштирокчиларига бунӣ батафсил тушунтириш зарурлиги хакида Худо томонидан "Шўаро" сурасининг нозил булганлиги бежиз эмас экан, албатта. Кискаси, пайгамбаримизга юборилган бу сурада бадиий адабиёт, хусусан, танқид тарихининг вазифалари ва узига хос хусусиятлари гениал равишда аниқлаб берилган.

Ўз навбатида, диний-адабий ва бадиий адабиёт билан бир қаторда турувчи адабий танқид тарихи ҳам шоирлар ижодида диний-фалсафий ҳамда бадиий адабиёт принципларининг шаклланиши ва ютуқлари тарихидир. Бинобарин, адабий танқид юқорида қайд этилган таълимотга таяниб, бадиий асарларни саралайди, уларнинг, жумладан, адабий танқиднинг ютук ва камчиликларини ҳам белгилайди. Бу жараённинг амалга ошишида муқаддас китобларнинг қалам аҳли олдиға қўйган вазифалари-курсатмалари доимо мезон эканлигига жиддий эътибор берилади. Уқтирганимиздек, бу масъулиятли вазифалар муқаддас китобларда ишончли далиллар асосида шарҳлаб берилган.

Шоир ақлий фаолиятининг маҳсули бўлмиш бадиий адабиётнинг бош вазифаси ижодининг мўъжизали маҳсули булган коинот ва унинг гултожи саналмиш одамларнинг ота-онаси битта эканлигини тадқиқу тарғиб этиш бўлиб, бундай адабиёт ўзининг асосий хусусиятлари билан мумину мусулмонларға тушунарли бўлиши шарт, колаверса, у халққа бадиий шаклда нафъ отказилиши, зиёлилар учун кучқудрат илхом манбаи бўлиши, жамият кишиларининг иродаси, туйғуси, орзу-истакларини ифодалаши, хусусан, уларнинг тақводорлик фаолиятида кумак бериши жамият ва баркамол инсонларға халақит берадиган нарсаларға фош этиши бу соҳалардаги бош йуналишдир.

Маълум буладики, диний-адабий меросни урганиш уларға олийжаноб муносабатда бўлиш, холисона баҳолаш ва изоҳлаш зарур. Бу соҳа адабиёт тарихида, айниқса, адабий танқид тарихида, катта

уринни эгаллаган асосий йуналиш тусини олади. Адабий танкидчи шқорида зикр этилган масалаларга иккдий эътибор бериши, у бу соҳаларда муваффақият ва камчиликларга мукаддас китоблар методологияси нуқтаи назаридан баҳо бериб, бу таълимот ҳар бир дарс адабиётини саралашда қўл келганлиги билан аҳамият қасб этилини англаши лозим.

Шқорида тилга олинган масалаларни талаб даражасида ҳал этишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Диний-адабий жараёнда танқиднинг урни.
2. Адабий танқид тарихи ва унинг узига хослиги масаласи.
3. Танқид, жумладан, узбек адабий танқиди тарихини қиёсий-тарихий урганишнинг вазифалари.
4. Адабий танқид тарихини, хусусан, узбек адабий танқиди тарихини урганишда қўл келадиган манбалар.

Маълумки, диний-адабий жараёнда танқиднинг урнини аниқлаб беришда Тангри ва пайғамбаримизнинг қалам аҳлига тегишли ояту ҳадийслари адабий танқид билан мутаносиб бериб, улар бир-бирларига кучли таъсир этади. Шунинг учун инсоният тарихидаги иккдий жараёни танқиднинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайд. Бинобарин, танқидий фикру мулоҳазаларнинг ривожи диний-бадий адабиёт ва санъатнинг тараққиёт йулларини олдиндан белгилаб берганлигига ишончли ҳужжатлар гувоҳлик беради. Масалан, Куръону ҳадийсларга ёзилган тафсиру шарҳлар, таъкирлар ва бoshqa муътабар манбалар ана шундай характерга эга.

Адабий танқид диний-адабий ижод оқимларининг тарихий ривожига жараёнига бевосита аралашади, унинг ҳамма ҳодисаларда иштирок этади ва уларнинг асосий хусусиятлари билан намоён бўлишига уз таъсирини кўрсатади.

Танқид тарихини қиёсий-тарихий урганишнинг айрим масалалари ва манбалари уларнинг диний-бадий танқид адабиёт тарихида ўйнаган муҳим роли ҳам ижодий ҳам танқидий изланишлари ва топилмалари қимматини белгилаб беришда қўл келадиган дарслик ва муҳим манбалар қуйидагилар:

"Китобул бадий" -- "Бадий асарлар ҳақида китоб" ("Ибқул Муътазз), "Ал-икдул-фарид" -- "Нозб шавоҳирлар модаси" (Аҳмад ибн Муҳаммад Абу Раббаҳи), "Китобул иқноъ фил арузи ва таҳрижил қавофи" "Аруз ва қофияларнинг келиб чикиши ҳақида аниқ маълумот берувчи китоб" (Ас-Соҳиб Абулқосим Йисоил ибн Аббод), "Ал-унда"

"Асоия таянч" (Ибни Ҳазик), "Ятимат ад-дахр фи маҳосин аҳл ал-вар" -- "Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси", "Бисм ая-адаб фи истеъмол-ил араб" -- "Араб тилидан фойдаланишда адаб қўйиш", "Ғикх ал-луғат ва сирра ал-арабийя" -- "Тил қонуни ва араб тилининг сирлари", "Китоб ал-қиноя ва т-таъриз" -- "Қиноя ва исора китоби", "Ахнос ат-тажнис" -- "Тажниснинг турлари", "Сохр ал-балого ва сирр ал-бароз" -- "Нотиқлик соҳри ва нутқ санъатининг сирри", "Ғурур ал-балого ва зураф ал-бароз" -- "Нотиқликнинг энг яхшилари ва нутқ санъатининг заифликлари", "Симор ал-қулуб фил музар вал мансуб" -- "Изофа қилинган ва нисбат берилган сузлар ҳақида қалбларнинг мевалари", "Китоб лутф вал латоиф" -- "Донолик ва донолик билан айтилган сузлар китоби", "Аср ал-назм ва ҳал ал-икд" -- "Назм қилинганни сочиб ва шодани сочиб ёзиш", "Китоб ман роба-анҳу мутриб" -- "Хурсанд қиладигани бўлидиган киши учун китоб", "Бард ал-акбод фил аъдод" -- "Оқим сузлар билан брансларни совутиш", "Ат-тавфик лит тафлик" -- "Нарсалар маънунини чақишга муваффақ бўлиш", "Китоб ал-ғилмон" -- "Ўқулмлар учун китоб", "Китоб ал-муҳозарот ват тамсил" -- "Суҳбат ва нодир сузлар китоби", "Китоб фаронд вал қалоид" -- "Дурлар ва шодалар китоби", "Туҳфат ал-вузаро" -- "Вазирларга туҳфа", "Канз ал-кутуб" -- "Котиблар учун ҳазина", "Аҳосин ал-маҳосин фил муҳозарот" -- "Суҳбатлардаги гўзал нарсаларнинг энг гўзали", "Аҳсану мо сумийа" -- "Эшитилган нарсаларнинг энг яхшиси" -- "Китоб ал-мубҳин" -- "Қўнгил очувчи китоб", "Ал-латоиф ва ваз зароиф фи модҳил ашъ ва аздодуха" -- "Нарсаларнинг мадҳи ва уларнинг зидди ҳақидаги латифалар ва нодир сузлар", "Ал-явоқит вал мавоқит фи мадҳий шайъи ва зиминҳи" -- "Нарсаларни маъташ ва қойиш ҳақида вақт ёқутлари", "Аҳсану қалим ан-набий саллоллоху алайҳи васаллам вас саҳоба ват табиий ва мулук ал-хоҳолия ва мулук ал-ислом вал вузаро ва кутуб вал булага вал ҳукамо вал уламо" -- "Пайғамбарлар, саҳобалар, қотиблар, нотиқлар, ҳокимлар ва олимларнинг энг яхши сузлари", "Ал-эъжоз вал ийжоз" -- "Нодир сузлар ва қисқа иборалардан танлаб олинганлари", "Мунис ал-воҳид фил муҳаббатот" -- "Суҳбатлар учун ягона дўст", "Ҳаши ал-ҳашш" -- "Бўстон бўстони", "Китоб ал-муташибиха" -- "Ўхшатишлар китоби", "Тароиф ат-тураф" -- "Нодир сузларнинг нодирлари", "Ал-иктибос минал Қуръон" -- "Қуръондан олинган сузлар", "Дурур ал-ҳикам" -- "Ҳикматли сузлари дурлари", "Аш-шакве вал итоб ва мо вақаба бил ҳулланвал асҳоб" -- "Шикоят, таъна ва дўстлар ҳамда яқинлар орасида юз берадиган бошқа

воқеалар", "Курозат аз заҳб ва маъдан ал-адаб" -- "Олтин резгилари ва адаб кони", "Маърифат ар-рутб фи мо варода мин каломил араб" -- "Араб сўзларида келадиган мартабаларни билиш", "Мақорим ал-ахлоқ" -- "Ахлоқ афзалликлари", "Сирож ал-мулук" -- "Подшоҳлар учун чироқ", "Ал-мунтахаб мин самаи ал-араб" -- "Арабларни ўнги суҳбатларидан танлаб олинганлари", "Таҳассун ал-қабиҳ ва тақбиҳ ал-ҳасан" -- "Қабиҳларнинг яхши бўлиши ва яхшиларнинг қабиҳ бўлиши", "Мавосим ал-умр" -- "Умрининг мавсумлари", "Сиррал ҳақиқат" -- "Ҳақиқат сири", "Ал-анвар ал-бахайя фитих таъриф мақомоти ғуоҳ" -- "Ногиқларнинг тутган ўрнини таърифлашда ёрқин нурлар", "Китоб ал-одоб" -- "Адаблар китоби", "Ғурур ахбор ал-ғурус ва сийшаруҳ" -- "Эрон подшоҳлари ҳақида хабарлар ва уларнинг тарихи", "Лубоб ал-одоб" -- "Адаблар қалби", "Ал-йшрат ал-мухтор" -- "Танлаб олинган битта нарс" -- "Мухтасорот мин китоби", "Мунис ал-ваҳид фил муҳозарот", "Йирилишлар учун, ягона дўст китобидан қисқартма", "Татиммат ал-ятима" -- "Ятимат ал-дахрга қўшима", "Ал-аҳосин фи бадоил булаг" -- "Нотиклик санъатида энг яхши нарсалар", "Ал-усул вал-ғусул" -- "Асослар ва ғасллар" номи билан оритилади) "Афрод ал-маоний" -- "Маъноларни ажратиб олиш", "Унс ал-мусофир" -- "Мусофирнинг хурсандчилиги", "Ал-анис фи ғулар ат-тажнис" -- "Энг яхши тажнислардаги суҳбатдош", "Баҳжат ал-мушток" -- "Мушток бўлганнинг шодланиши", "Тухфат ал-арвоҳ ва маввод ас-сурурвал афроҳ" -- "Рухларга туҳфа ва хурсандчилик ҳамда шодлик баъзи", "Ат-туффоҳа" -- "Олма", "Тафаззул ал-муқтидирин ва танассул ал-муътазирин" -- "Қудратлиларнинг даъвоси ва узрлиларнинг четлашиши", "Ал-сулж вал-матр" -- "Қор ва ёмғир", "Жомеъ ал-калим" -- "Калималар мажмуаси", "Ҳужжат ал-акл" -- "Ақл ҳужжати", "Ҳос ал-хос" -- "Ҳасос ал-фазоил" -- "Ҳазилатларнинг ўзига хослиги", "Ал-хуворазмийёт" -- "Хоразмликлар туплами", "Саъж ал-баён" -- "Баён сири", "Саъж ал-мансур" -- "Қофияли каср", "Сир ал-вузаро" -- "Вазнлар сири", "Сийсат", "Сийрат ал-мулук" -- "Подшоҳлар тарихи", "Санъат ал-шеър ван наср" -- "Шеър ва насрий асарлар ёзиш санъати", "Ат-тураф мин шеър ал-бусти" -- "Ал-Бустий шеърларидан нодир нарсалар", "Ат-тайяио" -- "Ақли нарсалар", "Унн ал-маориф" -- "Маърифат булақлари", "Ғурур ал-музоҳика" -- "Кулгили хикояларнинг танланганлари", "Ал-ғусул ал-форс" -- "Форс тили ҳақида ғасллар", "Можаро сайи ал-мутаннабий ва Сайфуддавла" -- "Ал-Мутаннабий ва Сайфуддавла уртасида бўлган моҳарола", "Ал-мадих" -- "Маддоҳ", "Ал-мушаввиқ" -- "Шавқ уйғотувчи", "Мифтоҳ

ал-фусоха" --"Нотиклик учун калит", "Ал-мақсур вал мамдуд" --"Қискартирилган ва чузиб ёборилган", "Ал-мунтаҳил" --"Адабий уғри", "Мунодима ал-мулк" --"Подшоҳлар суҳбатлари", "Насм ал-унс" --"Хурсандчилик насими", "Насим ал-саҳар" --"Тонги насим", "Ан-наводир вал баводир" --"Нодир нарсалар ва ажойиботлар", "Ал-вирд" --"Манба", "Ая-амал" --"Мақаллар", "Сийрат ал-мулк" --"Подшоҳлар таржимаи холи", "Хашв ал-лавзинаж" --"Лавзинаж безаги", "Хасоис ал-булдон" --"Мамлакатларнинг уйига хос нарсалари", "Сир ас-синоа" --"Санъат сир", "Ал-бароз фил калом ва синоа" --"Сўзлар ва сўз санъати ҳақида билим", "Таржимот ал-китоб фи одоб аз-Соҳиб" --"Ас-Соҳиб одоби ҳақида китоб ёзган таржимаи холи", "Ал-муҳаззаб мин ихтиёр давон Абут Таййиб ал-Мунтанабби ва аҳволуҳу вас сийротуҳу ва можаро байноҳу ва байналмулк в ашш шуаро" --"Абут таййиб ал-Мунтанабби девонидан танлаб олиб тўғрилланган шеърлар, унинг аҳволи, таржмаи холи, у билан подшоҳ ва шоирлар ўртасида бўлиб ўтган можаролар", "Хиллат ал-мухозара, унвон ал-музокара ва майдон ал-мусомара" --"Суҳбат безаги, музокара унвони ва кечки ўлтиришлар майи", "Муллоҳ ан-наводир" --"Нодир нарсаларнинг яхшиликлари", "Девон шеъри ас-Саолибий", "Ал-адаб миммо мин носи фиҳи араб" --"Инсонлар учун унда мақсад булган адаб", "Лубоб ал-аҳосин" --"Энг яхши нарсаларнинг сараси", "Ал-мулаҳ ват тураб", "Зийраклик ва хурсандлик", "Жавоҳир ал-хикмат" --"Хикмат жавҳарлари", "Унс аш-шуаро" --"Шоирлар суҳбатдоши", "Тухфа аз-зурофо ва фокиҳат ал-лутафо" --"Зарифлар туҳфаси ва донолар меваси", "Ат-тадаллий фит тасаллий" --"Тасаллийда тўпланган нарсалар", "Нажона ал-музокара" --"Музокаралар натижалари", "Нузҳат ал-албоб ва умдат ал-кутуб" --"Қалблар шодлиги ва котибалар таянчи", (Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Саолибий ан-Найсабурий ан-Нисопурий), "Ал жомеъ ас-соҳих" --"Ишонарли тўпдам" (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн ал-Муғйира ибн Бардазбаҳ ал-Ўафий ал-Бухорий), "Чаҳор мақола" --"Тўрт мақола" (Низомий, Арузий, Самаркандий), "Сунони Тирмизий" (Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Саъра ибн Мусо ибн аз Заҳҳок ас-Сулами аз Зариф Бугий Тирмизий), "Меъёрун назор фи улумил ашъор" --"Шеър илмлари ҳақида назарий қарашлар меъёри" (Изуддин ан-Занжоний), "Лубобул-албоб" --"Билимлар магзи" (Муҳаммад Авфий Бухорий), "Меъёрул ашъор" --"Шеърлар меъёри", (Сафиуддин ал-Ўрмавий), "Меъёрул ашъор" --"Шеърлар меъёри", "Азозул ихтибос" --"Ихтибос келтириш асослари" (Насируддин Тусий), "Илмтоҳул улум" --"Илмлар қалити" (Абу Ёқуб Саккокий), "Ал-муъжам

фи маойирил ашторил ажам"---"Ажам шеърларининг меъёрларидаги но-
никлик ҳақида китоб", (Шамсиддин Мухаммад бинни Кайси Розий),
"Ҳадойиқус сеҳр фи дақиқиш шеър"---"Дақиқ шеърлар ҳақида сеҳр
боғлари" (Рашидиддин Батвот), "Жамъи мухтасар"---"Мухтасарнинг
жами" (Ваҳиди Табризий), "Баҳористон" (Жомий), "Мезонул аззон"---
"Вазилар ўлчови", "Маҷолисун нафоес" (Навоий), "Мухтасар" (Бобур),
"Аъжобул уҷоб фил арузий вал қавофий"---"Аруз илми ва қобиллар
ҳақидаги китобдан ажойиблар ажойиби" (Мухаммад Али Тарбият), "Си-
лофатул аср"---"Асрнинг салафлари", "Ат-тазкирату фил ғавондин
нодира"---"Нодиру ноёб ғойдалар ҳақида таъкира", "Ат-тарзул аз-
лал фиймо алайхи мин лугатил арабил муваффиқ луга"---"Араб лугат-
ларидаги ишончли илк намуналар", "Китобу миҳакид қарийз"---"Шеър-
нинг маҳакига доир китоб", "Девону шеър"---"Шеър туплами", "Анво-
рур рабиъ фий анвоил бадийъ"---"Бадийъ навлари ҳақида баҳор нурла-
ри" (Саййидалихон Садруддин ибн Маъсум ал-Маданий), "Маҷмуаи
шоирон"---"Шоирлар маҷмуаси", (Ҳазлий Намангоний) ва бизгача етиб
келган бошқа шулар сингари арабу ажам тилларидаги илмий таъки-
ралар, лирик, прозаик, илмий-прозаик асарлар, мазкур асарлар тилшу-
нослик, адабиётшунослик, қолаверса, танқид тарихи, жумладан, узбек ада-
бий танқиди тарихига тегишли бўлиб, уларда диний-адабий меросла-
римиз ҳақидаги ўринли фикрлар ўз инъикосини топганлигини кузати-
оламиз.

Ўзбек халқининг Шарқу Ғарб мамлакатлари халқлари билан итти-
содий, сиёсий алоқаларда булганлигини ёқорида қайд этилган ишонч-
ли ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. Маданий алоқалар, ислом динининг
арабу ажам халқлари адабиётлари билан боғлиқ томонлари тилшуно-
слик, адабиётшунослик, тарихшунослик, жамиятшунослик, ҳуқуқши-
носликка дахлдор тушунчаларни майдонга келтирди. Диншунослик,
адабиётшунослик танқидига оид атамалар ва терминологиянинг пай-
до бўлиши ҳам ана шу таъсирлар туфайлидир.

Араб адабиёти узининг куп асрлик тарихига эга бўлиб, у қадим
замондан "жоҳилият", "ғатарот" давраларидан бошлаб, айниқса, ислом
дини, уммавийлар, аббосийлар халифаликлари давридан бошлаб ушбу
халқлар илғор адабиёти ҳамда танқид тарихи яқин адабий замида
замирида раванқ топди ва юксалди. Турбону қадимоларга нисбат
лант билан тавсифу шарҳу мезоҳлар ёзган, уларни маҳон ҳақида
тадқиқу тарғиб этган ва араб адабиётини дунё адабиётига бағиш-
қўйган аъломул уламолар фороу тожику ўзбекларидир.

Диний-бадий адабиёт илгор гоё ва қалмоқдор мазмунни чуқур иштиқос эттирган бадий санъатлар қони, ташбиҳу талмех, ҳусни мубодоъ, ҳусни хитом мақомлари бўлиб, у илми маоний (арабча-маъно хикматдан ғасоҳатли ва балогатли гап тузиш илми), илми баён (арабча-нутқнинг гузал, нафис, муболагали ва мажоз йўли билан ифодаланиши) ва илми бадий (арабча-лиффоний тежамкорликқа эътибор берил йўли билан гап тузиш) ҳамда унинг шоҳобчаларини қамраб олади.

Дарҳақиқат, диний-бадий адабиёт ўз моҳиятига кура, миллий ва айни пайтда, умумбашарий бўлади. Унга халқларнинг маданиятини ҳурмат қилиш, уларнинг диний-бадий ҳазинасидан ўз ўрни ва ўз меъёрида фойдаланишга интилиш "маъно аҳли"га хос фазилат саналади. Мана шундай хусусиятларга эга бўлган санъаткор асарларида у яшаган муҳит, халқларнинг турмуш тарзи, орзу, истаклари, ижтимоий эстетик қарашлари ва жозибали инсоний хусусиятлар ўз ифодасини топган бўлади.

Диний-бадий асар поэтикаси билан шугулланувчи О.И.И.-танқидчи ақорида зикр этилган соҳаларни етарли даражада узоқлаштириб олиди вақт ва зарур. Илк бор танқид тарихига доир муқаддас китоблар араб тилида, кейинчалик уларнинг кучли таъсири билан форсу тожик, турку ўзбек тилшуносу адабиётшунослари томонидан яратилганлиги ҳам беҳиз эмас, албатта. Ишмизнинг ҳажмини назарда тутиб, мазкур аъломул ўламолардан фақат биттасига тўхталамиз. Истеъдодли тилшуносу арабшунос, адабиётшунос тарихшунос, қуръоншуносу ҳадийсшунос ва етук ҳамда ноёб талант билан илмий, лирик, прозаик, илмий-прозаик асарлар битган, қолаверса Шарку Ғарб вахон халқлари ҳаётини чуқур ўрганган Аб-Саолибий, 961 йилда Нисопурда дунёга келади. Минг афсуски, ақорида қайд этганимиздек, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида юздан ортиқ энг қимматли китобларни араб тилида ёзиб ўз ва унга халқларга тақдим этган бўлиб, аъломанинг ибратли ҳаёти ва қизиқарли сермахсул ҳаёти ва қизиқарли сермахсул ижоди то ҳанузгача етарли даражада ўрганилмаганлиги туфайли унинг бекиёс бой мероси илм аҳли, хусусан, асарларини қандаш номалум бўлиб келаётганлигини эътиборга олиб, биди баъкат кў олимнинг серкирра ижодига доир узимизнинг фикру афхазаларимизни бидириш билан чегарланамиз.

Ота-онасининг доимо эътиборида бўлган ас-Саолибий болалик чоғидаёқ ўзини қизиқтирган билимларни чуқур ўрганиш учун бор имкониятлардан керагича унумли фойдаланди, куп ўтмай турли соҳаларга оид илмларни ўзлаштириб олишда ўзининг ноёб қобилият соҳиб эканлигини намойиш этди. Унинг ўта билимдон бўлиб етишишида устозлари -Абу Сулаймон, Абу Бакр ал-Хоразмий, Абу ал-Ғатх Бусти, Абу Али Муҳаммад аз-Зоҳир, Абу Тоҳир Маймун ал-Воситий, Абу Наср ал-Утбий, Абу Бакр ал-Қўхистонийларнинг қаттиққўлиги ва талабчанлиги, айниқса, доимо билимдонлиги катта роль уйнади. У ўз билимини ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Шарқу Ғарб мамлакатларидаги билим учоқлари бўлган шаҳарлардаги пайқадам олимлар билан илмий мулоқатда бўлди, ўзига услож бўлганлар донрасини қанғайтирди ва ададсиз шогирдларга эга бўлди.

Ас-Саолибий энг оғир шароитларда ҳам сабру тоқат билан жиддий эътибор берган ҳолда турли соҳаларга донр илмларни қиссий-тарихий ўрганишга киришди ва бу масалаларни ҳал қилиш эвазига улкан муваффақиятларни қўлга киритди ҳамда ўз замонасининг энг мукаммал доншманди даражасига бориб етди. Олимлар олимнинг бундай ытуқларга эришишига ёқорида тилга олинган пиру устозларидан олган билимлари, куръону ҳадийси ва арабу аҷам халқлари адабиётларини чуқур билганлиги, уларни тадқиқу-тарғиб этганлиги ҳамда қўплаб асарлар битганлиги сабаб бўлди.

Қузатишларимизча, ас-Саолибий бир қатор диний-бадий, илмий-фалсафий, ахлокий-таълимий асарлар ёзиш туғайли катта шухрат қозонган филолог олим, мутафаккир, гениал шоир, луғатшунос, бадеъшунос, арушшунос, тақрирашуносдир. Масалан, унинг ёқорида зикр этилган асарлари фикрларимиз далил бўла олади.

Олимлар олимнинг қарийб барча асарларида шоир ва шеър, арузда оригинал асар ёзиш, қисқаси, асар поэтикасига донр масалалар ҳақида ўрнакли курсатмалар берилади: шеърнинг таъсирчанлиги, яъни инсонни завқлантира олиши, бадий тасвир воситалари, қисқаси, ижод қилишнинг роят мушкул, роят мароқли эканлиги, хусусан, ўтмишдошлари ва замондошларининг диний-бадий меросини талаб даражасида билиш зарурлиги ва нотиклик санъатига ҳар бир шоирнинг эга бўлиши лозимлиги ўқтирилади. Ўз навбатида, унинг серқирра ижоддан керагича фойдаланган Низомий Арузий Самарқандий ҳам ўзининг "Маҷолисун наводир", ёки "Ҷаҳор мақола" рисоласида илмийнинг

маънақатли томонларини уқтириб ёзган эди: "Утмиш шоирларидан 20 минг байт, замондошларидан 10 минг байтни ёд билмоғи ва шеърӣ деъвонларни муттасил муталаа қилмоғи, бадеҳадан шеър айта оладиган бўлмоғи зарурлиғи уқтирилади". Кискаси, шоир бўлиш учун узлуксиз меҳнат қилмоғи, захмат чекмоғи ва ноёб талант эгаси бўлмоғи, ҳамда етук диншунос ҳадийшунос бўлмоғи керак. Мана шундай хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган пешқадам олим ас-Саолибийдир.

Олимнинг "Навр ан-назм ваҳал ал-икд" — "Назм қилинганни сочиб ва қодани ечиб юбориш", "Ятимат ад-даҳр фӣ маҳосин аҳл ал-аср" — "Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси", "Манз ал-қуттоб" — "Китоблар учун ҳазина", "Таттимат ал-ятима" — "Ятимага қўшимча", "Китоб ал-муҳозарот ват тамсил" — "Суҳбат ва ноҳир сузлар китоби", ва бошқа шулар сингари асарлари таъкирлар бўлиб, уларда диний-бадий адабиётлар ва танқид тарихи тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

X-XI аср поэтикасининг муҳим ёдгорлиғи саналмиш зикр этилган таъкирлар ҳозирги кунда ҳам уз илимий қимматининг устиворлиғи билан тарбиявий, маърифий, бадий аҳамиятларга эга.

Хулоса қилиб айтганда, ас-Саолибий зикр этилган асарларида диний-бадий асарларни ижодий-танқидий, илмий-амалий ўзлаштириб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари ва фарқли томонлари ҳақида муфассал маълумотлар беради. Уларда араб, форсу тожик турку узбек ва бошқа халқларнинг асарлар давомида жамлаган назрий ва амалий таърибалари, орзу истаклари акс этган. Диний-адабий ҳараён ва адабий танқид тарихи тараққиёт ҳараёнида бойиб, ўзига янги-янги имкониятлар кашф этиб, даврнинг, воқеликнинг талаблари билан янада илгор роҳларни-умумбашарий фазилатларни бадий-эстетик ифода қилиш даражасига кўтарила борганлигини изчил режа асосида системали ўрганиш мавриди келди. Бу ишнинг нзага келишига ҳеч шек-шубҳасиз таниқли арабшунос олим Исматулла Абдуллаевнинг "Абу Мансур ас-Саолибий" (Тошкент- 1992) рисоласидан керагича фойдалаганлигимиз ва биз яшаётган давр воқелигининг таъаблари ҳам катта туртки бўлди.

Умуман, буюк ақломанинг зикр этилган асарлари, хусусан, таъкирлари фақат арабшунослик, тилшунослик, адабиётшунослик, тарихшу-

нослик, қуръону ҳадийшунослик фанларининг ятуғигина бўлиб қолмай, балки жаҳондаги бошқа фанларнинг ҳам ятуғидир. Афсуски, олимлар олими ас-Саолибий қаламига мансуб бўлган асарлар мамлакатимизда талаб даражасида тадқиқу тарғиб этилмаётир.

Поэтика, хусусан, арабу аҷам халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам адабий танқиди тадрижий жараёнларига доир фактик масалаларни қиёсий-тарихий нуқтаи назардан тадқиқ ва тарғиб этиш бадий тафаккур тараққиёти ва унинг узвий тармоғи саналувчи адабий танқид тарихига доир масалаларга равшанлик киритиши шубҳасиз.

Классик адабиёт поэтикасига доир (Мирзо Турсунзода поэтикаси мисолида)

Китилик камиятининг конкрет тарихий даврларида камият, табиат ва унинг гуятожи саналимиш комил инсон ҳақидаги эстетик идеаллар ижтимоий онг бўлиб, у бадий адабиётда халқ фикрининг сўнгги, олий ифодаси, яъни ижтимоий онгнинг суз воситасидаги бадий инъикоси ва; айни чоқда эса, инсон ақлий фаолиятининг маҳсули ҳамда кифийети ҳисобланади.

Лекин бадий асар доимо уз баҳосини халқдан олади ва унга таянади. Бинобарин, бадий адабиётнинг халқчилиги, истеъдодли шахслар томонидан яратилиши, ҳаётнинг бадий шаклда ифодаланиши, яъни ҳаётнинг ундаобразлар воситасида ифодаланиши энг муҳим хусусиятлар бўлиб, улар бадий асарнинг ижтимоий функцияси ва ўзига хос иқтидорини белгилаш омиллари саналади.

Инсон ақлий фаолиятининг муайян ҳар бир соҳага тегишли хусусиятлар уш соҳанинг томонини ташкил этади. Айни ўринда, бадий адабиёт талантли шахс томонидан яратилган ва унинг ақлий фаолиятининг ана шундай жабҳаларидан бири мақомида иш куради. Бу жабҳа ҳаётнинг бадий инъикоси, ҳаёт ҳодисалари устидан чиқарилган ҳукм, инсоншунослик, ҳаёт дарслиғи эканлиги билан яна инсоннинг ўзини руҳан тозалаш кучига эга бўлиб; у умуминсоний-умумбашарий қадриятларни тарғиб қилиш сифатида фаолият юритади. Бу жабҳанинг асосий бирлиги чин маънодаги шоҳ асардир.

Адабий асарнинг мезони бадийликдир. Бадийлик-ҳаётий ҳақиқат билан эстетик идеалнинг бир-бирига мос келиши натижасида яратилади, ва айни чоқда, у ҳаракетлар олами тарзида кузга ташланади. Ҳаракетлар олами туфайли инъикос этирилган воқелик-назиънинг хусусияти буки, укувчига етказилмокчи булган асосий поэтик фикр асар матнида қайд этилмайди, балки у китобхон учун топилмок-муаммо бўлиб қолиши зарур. Бу қилни қирқ ёрадиган тadbиркор укувчи уз калбида ва миёсида мувоҳада қилиши орқали ечилади. Бу ҳол бадийлик кэкровидаги шартлардан биридир.

Дарҳақиқат, адабиётнинг тасвир майдони ҳаёт экан, У ўз майдони зинг-баранг қурунлишлари билан тозли ва гўзалдир. Ҳаётнинг бу хусусиятларини тозаланмаган ҳар хил қоришмалардан ажратиб олинмаган олтин дурга ухшатиш мумкин. Сахъаткор уни тафаккур элагидан

ўтказиб тозалайди, қайта бичиб, қайта тикади. Бу йулда салафлари ва замондошлари томонидан кулга киритилган адабий-назарий таърибалардан фойдаланади. Тадбир жоиз бўлса, ижодкорнинг фаолиятини заргарнинг машаққатли ёмушига ўхшатиш мумкин. Нагаки, санъаткор ҳаётдан одамлар учун хаводек зарур бўлган энг яхши ва гузал қирраларни илғаб олади-да, уларни бадиий лавҳаларда баён этади. Унда ўз мажоратини намойиш қилади. Бинобарин, қуримсиз ва нуқсонли ҳаёт унинг асарида ўзгача мавзун тусга киради, қўрқин ва тотан манзара касб этади.

Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, ҳаётний материал адабиёт тарозусига солиб, аввал, тортилади, сунгра асарга киритилади. Шунинг учун адабий асар инсоният олаmidан бунёд этилган, лекин ўзгача мавзун либосга ўранган сەҳрли бошқача дунё мақомида қўзга ташланади.

Аслида ижодкорлик истеъдодли-талантли шахсда бўлиб, у поэтикага доир куйидаги масалаларни чуқур ўрганиши ва ўзлаштирган бўлиши керак: араб, форс-тожик, турк ва бошқа махон халқлари адабиётига тегишли "илми маоний" (маъно жиҳатидан фасоҳатли-таъсирдор ва салмоқдор гап тузиш); "илми баён" (нутқнинг мажоз йули билан чиройли ифодали шакли); "илми бадиъ" (нутқнинг энг чиройли ихчам тузиш ва равон талаффуз этиш йулларини ўргатадиган услуб); "илми аруз" (аруз шеърий системасининг ўзига хос қонуниятларини системали ўргатадиган услуб); "илми қоръа" (қоръа ва радиф қонуниятлари ва уларнинг фарқли томонларини ўргатадиган услуб); "тактиъ таълимоти" (вазн талаби билан мисра ва байтнинг қисмларга ҳамда бўлақларга бўлишни ўргатадиган услуб); анана, янгиларнинг ўзларига хос қонуниятларини ва таъовутли томонларини талаб даражасида билиш ва хоказолар.

Ноёб тўғма талант билан битилган асар ҳайси халқ ҳаётида ёзилишидан катъий назар, у шу халқ ҳаётининг муҳим масалалари асар поэтикасига доир ёқоридаги қонуниятлар асосида идрок этиларади. Бошқа халқларни ҳам ундан баҳраманд этиб, умумбашарий ва умуминсоний кадриятлари билан чексиз аҳамият касб этаётгани. Масалан, "Таврот", "Инжил", "Забур", "Қуръон", "Ҳадис" сингари диний китоблар, Сино, Беруний, Ғоробий, ал-Хоразмий, Ҳудайф, Бинаъсий, Низомий, Деҳлавий, Осур Хос Ҳожиб, Саъдий, Ҳофиз, Лутфия, Ёшай, Ғузулий,

Навоий, Бобур, Бедил, Абдулла Қодирий, Лохутий, Мирзо Турсунзода каби суз усталарининг бадий тафаккури махсуллари ана шундай асарлар жумласига мансубдир. Уларда жаҳоннинг барча халқлари учун муштарак бўлган юксак ғояларнинг мавжудлиги таҳсинга лойиқ.

Бадий оламнинг ана шундай хусусиятлари XX аср тожик адабиётининг тенгсиз йирик вакили устоз М.Турсунзода поэтик ижодида ҳам кўзга ташланадики, биз бу кичик ва камтарин тадқиқотимизда улар ҳақида ўз мулоҳазаларимизни ўртоқлашиш истагидамиз.

Мирзо Турсунзода поэтикаси буйича тадқиқот ишлари талайгина. Бизнинг шу ишимиз ана шу кузатишларни мазмунан тўлдириб, уларнинг ёйрим қирраларига аниқлик киритиш, баъзи ўринларини тўлдиришни назарда тутди.

Шоирнинг бадий маҳоратига ва ижодининг пафосига алоқадор масалаларни кузатиш ғоятда мароқлидир. Эликка яқин турли хил вазифаларни холисона ижро этиб, унумли қалам тебратган санъаткорнинг ҳар бир асари даврнинг, воқеликнинг талаби билан битилган бўлиб, уларнинг бадий таъсирдорлик кучи ўз камровидаги эҳтиросли-пафоси, яъни божқаларнинг уй ҳаёлига келмаган, аммо одамлар учун зарур ҳисобланган прогрессив ғояларнинг турилишида ва шу юксак идеалларнинг мумкин қадар тезроқ инсонлар онгига сингдиришда, бу марафли, обрули вазифанинг ижодкорга тинчлик бермаслигида сазилади. Пафос шоир шахсини ва, айни замонда, у кўзда тутган асарларидаги бадийликни илғаб олишда "компас" - қалит вазифасини ўтаб, шоир қўлига "қалам" олишга туртки бўлган ва ижтимоий ҳаётнинг турли мавзуларида шоҳ асарлар яратишга илҳомлантирган куч-қудратни белгилаш имконини беради.

Аслида пафос илҳом манбаи бўлиб, у шоир ижодининг махсулдорлиги ва тезкорлигини белгилаш мезони дейиш ҳам жоиздир. Чунки ижодкорнинг бадий маънавий пафосини-замонавийлик ва бадийлик таъкил этади. Булар санъаткор асарларининг бадий хусусиятлари ва тилида кўзга ташланиб, улар замоннинг ҳаётий материалига муносабат этиш, салафлари, замондошлари қўлига киритган мумтоз таърибаларидан холи қудрат баҳраманд бўлиб, ўз замонасининг ичига кирити туфайли давр талабларига жавоб бериш имконини беради. Ўшқаси, замонавийлик бадий ижодда кашфиётлик бўлиб, у бадий асар поэтикасига ҳам таъсирдордир. Ғарс-тожик адабиётида Мирзо Турсунзода аруз шеърий системасининг энг билимдонларидан бири

булиб, у шарк адабиётида кенг қўлланилган баҳрлар ва уларнинг турли хил қуринишларидаги вазнларга поэтик асарлар битганлигини кузата оламиз. Аруз шеърий системасида баҳр ва унинг вазнларидан фойдаланиб шеърлар битиш, вазн туфайли лексик ва грамматик хатоликларга йўл қўймаслик санъаткорлардан зўр истеъдод эгаси ва бадиий сўз бойлигига соҳиб бўлишни талаб этади. Шунинг учун поэтик асарларни таҳлил этишда, айниқса, аруз шеърий системасида ёзилган асарларни руқнлар, аслий ва фаръий руқнлар, уларнинг вазнлари, таътиъ таълимоти, байтда ибтидоъ, садр, ҳашв, аруз, зарб, мурбаъ, мусаддас, мусамман, мустаъод каби атамаларга жиддий эътибор бериш мақсадлидир.

Бу шеърий система асарда қисқа, чўзик, ўта чўзик ҳижолазнинг муайян тартибда гуруҳланиб ва такрорланиб келишига асосланади. Аруз шеърий системасига тегишли асарларда сокин (муस्ताкил ундоз ёки чўзик унли) ҳосил қилувчи ҳаракатсиз белги бўлиб, у суқунором маъносида ва мутаҳаррик-ҳаракатли, яъни қисқа унли оладиган ундоз ҳарфлар - қисқа а, м, у вазн яратувчи элемент саналиб, улар фақат араб алифбосига хосдир. Форсу тожик ва ўзбек арузшунослигида эса аруз шеърий системасининг энг кичик элементи сифатида ҳарф, яъни ҳижони ташкил этувчи ҳаракат қабул этилган. Шунинг учун арузда ёзилган асарлар баҳри ва унинг вазнлари ёқорида тилга олинган ҳижоларга асосланиши бежиз эмасдир.

Фикрларимиз далили учун Мирзо Турсунзода куп қўллаган ҳазак (мафойилдун руқнининг такроридан ҳосил булади) ва рамак (фойлотун руқнининг такроридан ташкил топади) баҳрларининг вазнларини белгилашда иштироки булган тармоқ руқнларининг ҳосил бўлишига эътибор берайлик. Мафойилдун руқнидан ун иккита тармоқ руқнлари ҳосил бўлиб, улар қуйидагилар: мафойилон (У - - -) - мусаббаъ; мафойлун (- У - У -) - мақбуз; мафойилу (У - - У) - макфуф; мафойил (У - -) - максур; мафъулун (- - -) - ахраб; мафъулу (- - У) - ахраб; фауълун (У - -) - махфур; фойлун (- У -) - аштар; фаал (У -) - мақбуб; фаул (У -) - ахтис; бўлиб улар қуйидаги тартибда кузга ташланади: фойлотон (- У - -) мусаббаъ; фойлотун (У У - -) - мақбун; фойлотон (У У - -) - мақбун; фойлоту (- У - У) - макфуф; фойлоту (У - У) - мақбул; мафъулун (- - -) - муъъъъ; фойлун (- У -) - махфур; фойлун (У У -) - мақбун; максур; фойлотон (- У -) - максур; мусаббаъ.

файлон (У У -) - махбун мусаббар; фазлун (- -) - мақтуъ;
 фаллон (- -) - мақтуъ мусаббар; фаал (У -) - марбуъ;
 фаул (У -) - марбуъ мусаббар; фаз (-) - махфүф; фоз (-) -
 махфүф мусаббар.

Аруз шеърий системасида ёзилган асарларнинг баҳр ва вазнла-
 рини аниқлашда бир байт олиниб, у ифодали ўқиш орқали тақтиъ
 таълимоти қонуниятлари асосида руқнларга ажратилиб, ҳар бир руқн
 ҳижолати сон ва сифат ҳисобидан аниқланиши керак. Биринчи мисра-
 нинг биринчи руқни баҳр номини билдириб, у жойлашиш ўрнига нис-
 батан ибтидоъ, охириги руқни эса аруз, агар улар уртасида руқн
 бўлса, у ҳашв деб ҳисобланади. Иккинчи мисранинг биринчи руқни садр,
 охириги зарб, уртадагиси эса ҳашв деб номланади ва аслий руқн
 солим деб, фаръий руқн эса иқридаги номлари билан аталади (мас-
 лан, мафойилун, фоилотун руқнларининг тармоқлари назарда тутил-
 макда.).

Агар байтда руқнлар турта бўлса, мураббаъ, олтига бўлса, мусад-
 дас, саккизга бўлса, мусамман, ундан ортиқ бўлса, мустаъд деб атала-
 ди. Ўрни билан таъкидлаш жоизки, арузда ёзилган асарнинг баҳри
 ва вазни фақат тақтиъ туфайли аниқланади. Байт ёки мисра тарки-
 бидаги сўз ўзаклари ва негизларини аслий ёки тармоқ руқнлардан
 иборатлигини аниқлашда ҳам тақтиъ ҳақидаги таълимотга таянилади.
 Ўқиниш учун ҳам тақтиъ мисра ёки байт таркибидаги сўзлар ўзак
 ва негизларини аслий ва тармоқ руқнлардан эканлигини аниқлаш
 имконини беради.

Тақтиъ (арабча сўз) шеър мисраларини булак ва қисмларга бў-
 лтиш демакдир. Унда вазн талаби асосида ифодали ўқиш орқали сўз
 ўзаклари ва негизларининг ёзилишига қараб эмас, талаффузига эъти-
 бор берган ҳолда уларни булак ёки қисмларга ажратилади. Бу му-
 ахкам ҳарфларни араб, форс тожик, эски ўзбек ва турк халқлари
 алифбалари билан яқиндан таниш булган китобхонларнинг тушуниб,
 ўзлаштириб олиши осон эмас, албатта.

Тақтиъ ҳақидаги таълимотни унга хос барча қонуниятлари би-
 лан ётарли даражада билиш учун қуйидагиларга жиддий эътибор бе-
 риш керак.

1. Байтдаги мисраларни ифодали ўқиш орқали ҳижолати (қисқа, чў-
 зик, ута чўзиқлиги) аниқланиб, улар қисмларга-руқнларга ажратилади.
2. Байт таркибидаги руқнларнинг солим ёки тармоқлиги белгиланиб,
 уларнинг номлари аниқланади.

3. Ахрам, ахраб рубоийлари ва туюқ ҳам иқридаги қоидалар асосида текширилади.

4. Баҳр ва унинг вази мураббаъ, мусаддас, мусамман ва мустазод эканлиги кузатилади.

Масалан, уларнинг уринлашуви қуйидагича:

1. Агар байт мураббаъ бўлса: Ибтидоъ - аруз,
Садр - зарб.
2. Агар байт мусаддас бўлса: Ибтидоъ - ҳашв - аруз,
Садр - ҳашв - зарб.
3. Агар байт мусамман бўлса: Ибтидоъ -ҳашв -ҳашв -аруз,
Садр -ҳашв -ҳашв -зарб.
4. Агар байт мустазод бўлса: Ибтидоъ -ҳашв-ҳашв-ҳашв-аруз,
Садр -ҳашв-ҳашв-ҳашв-зарб.

Фикрларимиз далили сифатида қуйидаги мисолларга эътибор берайлик:

1. Миёни халкам оҳан,
Миёни халкам оташ (М.Каноат).

Мазмуни: Халқим орасида темирман,
Халқим орасида оташман.

Мазкур байт тақтиъ ёрдамида қуйидаги аломатлари билан қўлга ташланади:

Ибтидоъ	аруз
Ми - ё - ний - хал	ка - мо - хан
У - - - -	У - - -
мафойилун	фауълун
солим	махзуф

Садр	зарб
Ми - ё - ний - хал	қа - мо - таш
У - - - -	У - - -
мафойилун	фауълун
солим	махзуф

Мазкур байт ҳазажи мураббаъи, солижи махзуф вазида ёзилган.

2. Шараф чизи тажовуз нопазир аст,
Хар он кас, ки шараф дорад кабир аст (М.Турсунзода).

Маъмуни:

Шараф улким, тажовуз нопазирдур,
Ул кишиким, шараф топса касирдур.

Ушбу байт тақтиъ туфайли қуйидаги аломатлари билан кўзга таълавилади:

Истидоъ	хашв	аруз
Ша - раф - чий - зий	та - хо - вуз - но	па - зий - раст
у - - - -	у - - - -	у - - - -
мафойилун	мафойилун	мафойил
солим	солим	мақсур

Садр	хашв	зарб
Ха - рон - кас - кий	ша - раф - до - рад	ка - бий - раст
у - - - -	у - - - -	у - - - -
мафойилун	мафойилун	мафойил
солим	солим	мақсур

Маълум бўлишича, Мирзо Турсунзода шеърятидан келтирилган ушбу байт ҳажаки мусаддаси солими мақсур вазнида ёзилган экан.

3. Чони ширин, ин қадар чангам макун,
Ин қадар беҳуда дилтангам макун.

Маъмуни:

Чони ширин мунча ҳам уришмагил,
Мунча ҳам дилтанг этмагил (М.Турсунзода).

Ушбу байт тақтиъ туфайли қуйидаги аломат кўринишларига эга:

Истидоъ	хашв	аруз
Чо - ни - вий - рин	ин - қа - дар - чан	гам - ма - кун
у - - - -	у - - - -	у - - - -
фоидотун	фоидотун	фоилун
солим	солим	маҳзуф

Садр	хашв	зарб
Ин - қа - дар - бе	ху - да - дил - тан	гам - ма - кун
у - - - -	у - - - -	у - - - -
фоидотун	фоидотун	фоилун
солим	солим	маҳзуф

Мақсур байт рамали мусаддаси солими маҳзуф вазнида битилган.

4. Баҳор омад зи умри боз як соли дигар бигзафт
Тамоми зиндагӣи охишта аз пеши назар бигзафт.
(М.Турсунзода)

Маъмуни:

Баҳор келди, умрдан яна бир йил ўтди,
Тамоми тириклик охишта кўз оддидан ўтди.

Бу байт тақтиъ таълимоти туфайли куйидаги аломатлари билан
кўзга ташланади:

Ибтидоъ	ҳашв	ҳашв	аруз
Ба- хор- о-мад	зи- ум-раъ -бо	з-як -сол -лий	ди-гар-биг-зафт
У - - - -	У - - - -	У - - - -	У - - - -
мафойилун	мафойилун	мафойилун	мафойилон
солим	солим	солим	мусаббат
С а д р	ҳашв	ҳашв	зарб
Та- мо- мий-зин	да-гий- о -хис	та-аз-пе-ий	на-зар-биг-зафт
У - - - -	У - - - -	У - - - -	У - - - -
мафойилун	мафойилун	мафойилун	мафойилон

Маълум бўлишича, мазкур байт ҳазажи мусаммани солими мусаббат
вазнда битилган экан.

Дарҳақиқат, Мирзо Турсунзода арузмунослик, бадиймунослик
фанларига дахлдор илмий-назарий китобларни талаб даражасида чу-
қур ўзлаштирганлигини форсу тожик, аҳам халқлари даяринтларида
серунум қўлланилган мутақориб, ҳазаж, рамаж каби баҳрларда гоявий-
бадий жиҳатдан арзигулик асарлар битишда классик адабиётдаги
вадан ортик бадий санъатлардан ҳам ўз урни, ўз меъёрида бойдала-
на олган истеъдодли ижодкорлардан биридир. Масалан, шоир асарлари-
да ҳусни ибтидоъ, ийҳом, лутф, иттифок, лаф, наър, мутабиқа, рутуъ,
тамсил, акс, тақлид, ҳусни таълил, истиора, талних, тазод, таъхис, ин-
тоқ, тарди акс, такрор, тарсавъ, ҳожиб, зънот, иштиқос, мувозина, мувориз,
тасбе, тасдир, таъдид, таънис, қофия, радиф, истихроҷ, қоризақ ва тилга
олинмаган яна бoshқа бадий санъатларнинг намуналарини кўзга со-
миз. Фикримиз далили учун биргина ҳусни ибтидоъ бадий санъатига
мисол келтиришни ҳоиз қурамиз.

Ҳусни ибтидоъ арабча чаройла, ёкимла, гузал бoshла маъноларда
булиб, у (бадий санъатларнинг тоғлиси) даяринг, зокажнинг тас-
воси билан яратилган шох асарларга нисбатан эҳтиёжнинг пайдо бу-

хили ва уларга нисбатан муносабатларнинг узгарishi қонунийдир.

Бадий санъатлар системаси, жумладан, ҳусни ибтидоъ маънони кучайтиришга, фикрни таъсирчан бўлишига ва, айтиш чоқда, сўз-маъно, тил-тафаккур, муътадиллик бирликлари ҳам талаб этади. Қолаверса, мисра, байт, асар маъноларини жонлантириш, жозибадорлигини, муъжизалигини тайин этиш, санъаткор-ўқувчи кашфиётларини аниқлаш, имконини беради. Қисқаси, ижодкорни асар ёзишда чиройли бошлашга татибор бериш заруриятига, сўзнинг луғавий-бадий маъноларига аҳамият беришга, унинг ўрни, такрори, ўзгарishi, шу муносабатдаги комбинацияларига фонетик, морфологик, синтактик тузилишларига ҳақида уларнинг узаро алоқадорлик масалаларини тўғри ҳал этишда қўл келади.

Бу жараён асар оригиналлигини, яъни ҳаёт ҳақиқатини тафаккур элагидан-дилдан ўтказиш, унга кўнгилдаги гапларни сингдиришда туқимадан фойдаланиш (вақт, характер тигизлиги, қаҳрамонлар бонлиқлиги масаласида) ва уларни бадий ифодалаш туфайли ўзига чиқариши керак. Масалан, М. Турсунзоданинг ўрта мактаб программаларига киритилган "Руди Ганг", "Ман аз шарқи озод", "Садои Осий", "Нонреза", "Писари Ватан", "Қиссаи Ҳиндустон", "Ҷони ширин" каби асарларида ҳусни ибтидоъ бадий санъати билан бошланиб, улар "хос хос", "хос маъно" касб этганлиги билан кўзга ташланади. Биргина мисол ("Ҷони ширин" асари мазкур байт билан бошланади):

Ҷони ширин, ин қадар чангам макун,

Ин қадар, беҳуда дилтангам макун.

Асар "Ҷони ширин" сўз бирикмасидан иборат ҳусни ибтидоъ билан бошланган.

Кезил келганда, таъкидлаш керакки, бадий санъатлар, аруз шеърӣ системаларини, унинг ўзига хос қонуниятларини ва фарқли томонларини чуқур билган шоир - М. Турсунзода улкан муваффақиятларни қўлга киритишда салафлари, замондошларининг анъаналаридан ўз ўрни ва ўз меъёрида фойдалана олган.

Афсуски, мумтоз адабиёт поэтикасига, жумладан, Мирзо Турсунзода поэтикасига дахлдор асарларда масалага аниқлик киритилиши зарур бўлган ўринлар йўқ эмас. Масалан, Иззат Султон "Адабиёт назарияси" (Тошкент-1985) китобида, фаулун, мафъуллоту рукиларини фаулун, мафъуллоту тарзида (313-314-бетлар), ибтидоъ ўрнида садри нотўғри келтирилганлигини ва бошқа талайгина чалкашликларни қўзғата оламиз: Ургатулло Тоиров эса "Фарҳанги истиҳолоти

арузи аҷам" (Душанбе-1991) номли асариди арузни аруз шаклида. Бахрларнинг номларини, айниқса, уларнинг вазнларини (51-53-сатҳар) фарқлай олмаганлиги каби жиҳатлар аруз шеърӣй системасида ёзилган асарларни мукамал ва чин маънода тушунишни бирмунча қийинлаштиради, баъзи чалкашликларнинг туғилишига сабаб бўлади.

Ўрта ва олий мактаблар таълимида аруз шеърӣй ва бадӣй санъатлар системаларини ўрганиш талаб даражасида йулга қўйилиши даврнинг, воқеликнинг талабидир. Минг афсуски, бу нарсалар иқори малакали арузшунос ва бадӣшунос мутахассисларнинг тафаккур қамровида яширини қолиб кетаётир.

Шарқ поэтикасининг бундай ҳаётӣй масалаларини талаб даражасида ҳал қилиш ва бу ишга киришиш мумтоз адабӣй меросни ва, хусусан, Мирзо Турсунзодадек буюк алломаларнинг лирик меросини мукамал ўрганиш олиш, улардан баҳраманд бўлиш имкониятини яратиб шу бўҳасиздир.

Маъқур фикрларнинг вужудга келиши ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Улар А.Рустамов, Б.Саримсоқов, У.Тўйчиев, А.Ҳоҷиаҳмедов, И.Султон, Б.Бафоев, У.Тоиров ва бошқа шунинг каби таниқли олимларнинг ишларидан ҳам ижодӣй, ҳам танқидӣй фойдаланиш натижасидир.

Фикрларимиз якунида шунӣй айтиш мумкинки, ҳар бир даврни таъриҳда мустаҳкамлайдиган унинг ўз қаҳрамонлари бўлади. М.Турсунзода XX аср тожик диёрининг ана шундай сиймоларидан бири эди. У буюк аллома С.Айний ҳақида ёзганда: "Айний шундай шахси, у тожик халқи учун безавол шуҳрат келтирди", - деган эди. Адибнинг айни шу фикри унинг узига нисбатан ҳам беришган баҳодир. Шунинг учун ҳам фахр билан айтиш жоиздирки, Мирзо Турсунзода шундай буюк санъаткордирки, у ўз ижоди билан тожик халқини, унинг бадӣй адабиётини маҳон миқёсига баралла кўтариб чиқди. Бу беис бу муқтабар аллома ва унинг ижоди тожик элининг ҳамма вақт парвоз турувчи машъали, маёқидир. Унинг бадӣй поэтикаси ваззидан биздирилган йўл-йўлакзай мулоҳазаларимиз бу улур сарфайз адибга, булган эҳтиромимизнинг камтарони нишонасидир.

Алишер Навоий таваллудининг 553 йиллигига

Аъломул уламо Навоий бадияти хусусида

Ҳамуш ерда эмас гул истанақ хуб,

Бу бустон саҳнида гул қуп, чаман қуп.

Кейинги яқин йилларда вужудга келган ижтимоий шуур инсоният ҳаётининг барча соҳаларида, хусусан, илми дугат, илми сарф, илми наҳв, илми маоний, илми баён, илми аруз, илми қофия, илми расмулхатт, илми қарзүшшар, илми иншо, илми муҳозарот ва, қисқаси, мислсиз муҳиззали диний-бадний поэтикага оид барча илмларни янгича руҳга мувофиқ ривожлантириш имконини вужудга келтиради.

Маълумки, таълимнинг барча босқичларида қуп асрлик анъанага эга булган: диний-адабий меросимиз фан сифатида ўқитилар эди. Минг эфсуски, бой меросимизни билиб ёки билмай, кўр-кўрона оёқ ости этиш борасида йул қуйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш туфайли жаҳон халқлари орзу-истакларини эътиборга олиб ик куриқда "Қуръон", "Ҳадийс" ва бошқа бой диний-маърифий мерослар методологияси ролини тан олиш зарурлигини тақозо этадики, бунга ҳеч шак-шубҳасиз биз яшаётган давр воқелигининг талаблари туртки бераётганлиги бежиз эмас, албатта.

Дарҳақиқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар диний-бадний ҳамда поэтикага тегишли илмий асарларнинг доимий хусусиятлари ҳамроҳи, мунаввар нури бўлиб, улардаги асосий мазмун ва шаклни белгилайдиган муҳим омиллар эканлигини "Таврот", "Инжил", "Забури", "Қуръон", "Ҳадийс" ҳамда уларнинг чексиз таъсири туфайли битилган шох асарлару диний-фалсафий ҳикматлардан, қолаверса, икки жаҳон сарвари Ҳазрати Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмуталиб ибн Абдуманноф ибн Ҳошим ибн Қусай ибн Ҳарким ибн Мурра ибн Каъб ибн Лувай ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Молик ибн Назир ибн Канона ибн Ҳузайма ибн Мудрика ибн Илёс ибн Нозир ибн Маад ибн Аднон ибн Дарринг сеҳрли-бажоратли асарлари, жумладан, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғира ибн Бардазбаҳ ал-Қуафий ал-Ғуҳарий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исо Савра ибн Мусо, ибн аз-Захҳок аз-Сухами аз-Зариф Ғугий Тиризий, Сино, Беруний, Форобий, Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил аз-Саолибий ан-Най-собирий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Рудакий, Фир-

давсий, Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Жомий, Навоий, Ғузулий, Бобур, Бедил, ал-Маданий ва бошқа улур аляомаларнинг қаламига мансуб бўлган ноёб асарларда кўра оламиз.

Таъкидлаш жоизки, "Ғурқон-Қуръон" Аллоҳнинг илоҳий китоби бўлиб, у Эгамнинг сингарисиз ғазилатларини ва УП аср араб хаттотлик санъатини намойиш этувчи муқаддас китобларнинг охиригиси саналади. Муҳаммад пайғамбарнинг вафотидан уч йил ўтгач, унинг шехсия котиби Заййид ибн Собит II4 сура, 6666 та оятлардан иборат бу буюк илоҳий-маърифий китобни тартибга келтиради ва уни 65I йили "Усмон Қуръони" номи билан чоп эттиради. Асар 358 varaқли (varaқлар кийик терисидан ясалган), узунлиги 68 см, эни 53 см, матн ҳажми эса 50 x 44 смлидир.

Аллоҳ томонидан ҳазрати Муҳаммадга туширилган бу ваҳийлар тупламида муъмину мусулмонларнинг ахлоқ-одоби, ҳуқуқи, ҳиссаи, одамзод тарихидаги яхшилик ва ёмонликлари ҳам ҳақ-рост йулга ҳидоят этувчи, жаннату дузах, ҳусусан, инсонга нафси тағаддиган ва ҳалал берадиган нарсаларнинг мундарижаси, энг кичик заррадан тортиб, бўлган ва бўлажак тарихий воқеа-ҳодисалар уз инъикосини топган. Зикр этилган воқеа-ҳодисалар, коинот ва одам хилма-хил, оригинал, булардан ташқари, бир масала вазидан бир қанча суралар ва уларнинг оятларида муфассал сўз притилади. Бинобарин, ҳар бир имонли инсон уни яхши билиши ва ёддан ўқиб олиши зарур бўлиб, бу маъсулиятли вазифани адо этиш ҳолатда мушкул ва ҳолатда мароқиндир.

"Қуръон"да ўқтирилишича, Худо замон нуқтаи назаридан чекланмаган, у билмаган ва кўрмаган иш йўқ, йўқлик бу дунё, борлик эса у дунё, унинг йўқ вақти йўқ, у азалий-абадий бўлиб, нисбий борлик унга тобе бўлиб, унинг хоҳиши билан нисбий борлик турлича ўзгариши мумкин. Масалан, коинотдаги жонли-ва, жонсиз нарсалар, ҳусусан, инсон Худо қудратининг муъжизавий маҳсули бўлиб, унда Тангрига асос бўлган ғазилатлар - умумбашарий ҳусусиятлар мавжуд. У коинотдаги сирли - сехрли нарсаларни билиш имкониятига эга, қалби эса ҳақиқат эзгулик уруғларини экишга интилиши билан бошқа мажбуротлардан ажратиб турадиган тақводор Одамдир.

Одам маънавий ғазилатларга эга бўлиши учун у ўзининг бунда томонидан кашф этилганлигини, яъни "коръ бутиса дордан" қилтирилганлигини атрофлича муҳаммад билиши ва куйидагиларга диний асос этиши керак:

I. Нафсоний қувватни маънавий қувватига бўйсундириши.

2. Ўзи учун зарур бўлган фарсу вожиб ва суннатларни аъло даражада бажариши.
3. Бирор касбнинг моҳир эгаси бўлиши.
4. Доимо диний курсатмалар - дастуруламаларга асосланиб иш куриши керак.
5. Ўзининг сўзи ва иши билан шахсиятига, ўз ва ўзга халқларга нафъ етказиши.
6. Муқаддас китоблардан доимо ўз ўрни ва ўз меъёрида фойдаланиши зарур.
7. Ўн саккиз минг оламни яратган ва унинг подшоҳи бўлган Худого ҳамду сано айтиш, ҳамда пайғамбарларни наът ила улуғлаши.
8. Ёр ёзи аҳолиси билан бир ота-она фарзандидек иттифоқ бўлиб яшashi.
9. Коинотнинг гултохи саналмиш инсон узини Худонинг қули ҳамда халқнинг "чўриси" деб билиши зарурлиги.
10. Муҳтожларга бегараз ёрдам бериши.

Ўқорида тилга олинган муътабар ҳамда муқаддас асар-китоблар бадиияти туфайли жаҳон адабиётининг мутлақ хазинаси юзга келган бўлиб, улар доимий изланишлар асосида бойиганлигини Шарқ халқлари адабиёти мисолида кура оламиз. Айниқса, араб форсу толик, мумтоз турку ўзбек адабиёти "Қуръон"у "Ҳадийс" ва уларнинг тафсиру шарҳига тегишли асарлар таъсирида талайгина бадиияти доираси кенгайиб, шаклланиб, тараққий этиб майдонга келганлиги ва бойиганлигида купгина манбалар шаҳодатлик бера олади.

Дарҳақиқат, қуръону ҳадийс, миллий, умумбашарий қадриятларнинг қону хазинаси ва шифобахш булоғи бўлиб, дунё халқлари улардан эҳтиёжига яраша фойдаланганлигини кузатамиз. Фикру мулоҳазаларимиз далил учун "Қуръон"у "Ҳадийс"дан баъзи оят ва ҳадисларни келтиришни мақсадли деб биламиз.

1. Агар бозқа динларда "Ўнг юзингга урсалар, чап юзингни ҳам тутиб бер" қабалида золимларга мутеълик тарғиб этилса, Ислон дини наздида ҳақиқий мўмин зулму зўравонликнинг ҳар қандай қуринишларига қарши курашиб боредаган кишидир. Зотан, золимнинг зулмидан қўркиб ҳақсизлик, адолатсизликка қарши тура олмаган одамнинг наъмон қомил иймон эмасдир ("Шуро" сураси).

2. Ҳар қандай ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаш ёмонликдир, яъни ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бордир ("Қўро" сураси).
3. Кимки кўзи ожиз одамни қирқ қадам етаклаган бўлса, унинг жаннатга кириши аниқ (Ҳадийс).
4. Банданинг савоб тарозусида яхши ҳуққдан оғирроқ иш йуқдир. Унинг даражаси, ҳатто номоз ва рўзанинг даражаси билан баробардир (Ҳадийс).
5. Икки мўмин ўзаро учрашиб, қўл бериб сурашган заҳоти азралишиб кетмай турибқ уларнинг гуноҳлари кечирилади (Ҳадийс).
6. Кимки, уч киз фарзандни ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб, муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдир (Ҳадийс).
7. Фойдали ишларни урганувчи одамнинг гуноҳи кечирилишини сураб, ҳар бир нарса, ҳатто, денгиздаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар (Ҳадийс).
8. Тангрининг наздида туғри суздан ортик садақа йуқдир (Ҳадийс).
9. Илм урганиш ҳар бир мумкин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сураб истиғфор айтадилар (Ҳадийс).
10. Бир соатгина или урганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир (Ҳадийс).
11. Ароқдан сақланинглр, чунки у барча ёмонликларнинг келтидир (Ҳадийс).
12. Ёр ўзида битта жиноятга берилган жазо Ёр ўзи аҳолиси учун муътадиллик билан қирқ кун ёнғир ёққандан яхшироқдир (Ҳадийс).
13. Кимки, мусулмон мамлакатида яшовчи башка динга мансуб одамни ҳақорат этса, Қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан урмлади (Ҳадийс).
14. Дилозорларнинг ҳаммаси дузахга маҳкумдир (Ҳадийс).

Тилга олинган баяту ҳадийслар урнатки ва умуминсоний бағдатлар сифатида идрок этилганлиги билан аҳамият касб этади. Негаки, улар Тангри ва ҳазрати Муҳаммаднинг сузлари бўлиб, ҳақон халқларининг баҳраманд бўлишида ва "ақфо" ҳолида урмалидир.

Санъаткор қуръону ҳадийслар бадииятини кинча кўп ва чуқур билса, биринчидан, улар ҳақида шубҳаларни йўқолади, иккинчидан, одам учун қай даражада зарур эканлигига айтилган бешка заҳирани

тини биледи, учинчида, инсоннинг қиринот гўзалликлари, етукликлари ва эзгуликларилан завқланишга ҳамда Парвардигорнинг меҳрибон-рахмдхилигига ишонч ҳосил этади.

Шунинг учун ҳам муқаддас китоблар ва уларнинг ҳақиқий муҳлиси бобокалонимиз Алишер Навоийнинг асарлари бадиияти ўзгача завқ бера олиш ҳақида маъно аҳлининг талайгина фикру мулоҳазаларидан гувоҳлик берувчи ҳужжатлар исталганча топилади. Қисқаси, сўз соҳрғари Навоийнинг қаламига мансуб бўлган асарлар бадиияти шу завқланишнинг нутқий ифодасидир. Улар ўз завқи-бадииятини бадиий ифодалаш санъатини чуқур эгаллаган завқ аҳли саналади. Шеърни назмдан фарқли эканлигини фарқлай билиш зарур бўлиб, назм вазн ва қофияли нутқ бўлсада, у шеър хусусиятларидан ҳоли бўлиши мумкин. Ҳақиқат, вазн ва қофияга солинган илмий рисолалар назму лекин шеър эмас. Бинобарин, инсон қалбини жунбўшга келтира оладиган илмий, лирик, прозаик асарларни баъзи адабиётшунос-бадиъшунос олимлар шеърый асар сананганликлари бежиз эмас, албатта.

Дарҳақиқат, шеър хаста доир дардини ўзгаларга изҳор этишга бўлган зарурият натижасида юзага келиши исбот талаб қилмай ҳақиқатдир. Лекин маъно аҳли, яъни чин маънодаги инсон саналмиш шоирнинг бу дарди халқ дарди билан узвий борлиқ бўлиб, у ўз шахсияти ва халқ манфаатига зид бўлмаслиги лозим. Алишер Навоийнинг ухтиришича, шоирнинг иши "маоний ҳазойинидан жавҳар термак ва эл файзи учун вазн силкиги назм бермак"дир. Шунинг учун Навоийнинг асарлари бадиияти ўқувчига берадиган файзи унга завқ билан камолот бағишлаши ила тарбиявий, маърифий, бадиий қийматларга эгаллигини зукко китобхон кузата олади. Ўз навбатида, китобхон ва ёшованда зикр этилган фазилатлардан ҳоли асардан эса кўнгли тўлмайди.

Дарвоқе, билим таъналлигини асарнинг маърифий томони, амални туғри йўлга солиш вазифасини унинг тарбиявий жиҳати, завқлантириш-жунбўшга келтириш талабига эса асар бадиияти жавоб беради. Аммо улар бир-бирини тўлдириб, тарбиявийлик, маърифийликка бўлган интилизини ва бадииятнинг таъсирдорлигини ҳамда таъсирчанлигини охиради. Маърифийлик эса унинг тарбиявий-бадиий томонларини устивор этади. Қисқаси, асарнинг илтимой функцияси ва спецификасини бу тилга олинган аҳамиятлари туфайли белгиланади.

Асар мазмунининг тарбиявий ва маърифий томонлари, шаклини эса бадиий томони ташкил этади. Алишер Навоий учун одам фасоҳияти

даги каби сўз санъатида ҳам мазмун бирламчи, шакл эса иккиламчидир.

Меҳнаткаш — маъно ахлининг дохийиси, дунё халқларининг диний-бадий адабиётлари программасини яратган, ўз асарлари билан сингарисиз шўҳрат қозонган шоир мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиб, утмишдошлари ва замондошларининг қозонган муваффақиятларидан, айниқса, муқаддас китоблардан кучли таъсирланиб, араб, форсу тожик ва ўзбек тилларида оригинал асарларни ёзишда ўзининг бадий маҳоратини намойиш этиб, бор ижоди бадияти билан XV—XX асрларнинг бутун жаҳон адабий жараёнига ўз таъсирини кўрсатди, десак муболаға бўлмайди.

Ўқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар бобокалонимизнинг куйидаги бир байти жилваси ёрдамида ўз исботини топади деб уйлаймиз:

Нафъинг агар халққа бешак дурур,

Билки, бу нафъ ўзунга купрак дурур.

Маъкур байтга шоир бадияти нуқтаи назаридан ёндошсак, у санъаткорнинг зур ситеъдоди билан ёзилган бўлиб, унинг диний-бадий китоблар билан муштарак эканлигидан ҳамда уларнинг шоир ижоди учун манба бўлганлигидан далолат эканлигини кузата оламиз. Масалан:

1. Байтда халққа хизмат қилиш шарафли иш эканлиги уқтирилган.
2. Байт ғоятда серунум қўлланиладиган ҳусни ибтидоъ бадий санъати билан бошланган (ҳусни ибтидоъ арабча чиройли, таъсирчан бошлаш дегани).
3. Байтда ҳусни хитом бадий санъати боис бадийлашган куп маъно ифодаси учун қўлланилганлигини кузатиш мумкин (ҳусни хитом арабча яхши, мухтасар хулосалаш дегани).
4. Байтда лисоний тежамкорликка жиддий эътибор берилган.
5. Байтда "бешак" сўзи "купрак" сўзига қофия эканлиги учун намунали ва ҳушоҳанглигига эришилган.
6. Байтда дурур-дурур сўзлари туфайли такрор ва радиф бадий санъатлари яратилган.
7. Байтда шоир ҳам халққа, ҳам яққа шахсга нафъ сўзини қўллаб, нафъ етказиш ила инсоннинг улугданиши ва саодатманд бўлишига уқтирилган.
8. Байта "Ҳайратул-аброр" дostonидан олинган бўлиб, у панду насиҳатлар оҳангига эга бўлганлиги учун сариъ баҳрининг матвийи матвийи матвийи мақдуф ваъзида битилган.

9. Байтда мурожаат бадий санъати туфайли узгалир ҳам инсоний фазилатларга эга булиш зарурлигига даъват этилган.

10. Вазн равон чиққанлиги туфайли байт ноз либосини кийиб жил-заланган.

11. Тил қоидаларига жиддий эътибор берилганлиги боис тилга олинган ва олинмаган поэтик воситалар унга салбий таъсирини кўрсата олмаган.

Мазкур байтдан Алишер Навоийнинг олимлар олими сифатида баъшарият учун нақадар қўimmat булган санъати хазиналарини мерос этиб қолдиргани яққол сезилади. Бундай фактлар ижодкор асарларининг бадийяти нуқтаи назарида синчиклаб, қўрғоншуносу ҳадишшуносу, адабиётшуносу бадийшуносу сифатида изчил режа асосида тадқиқ қилишни талаб этади.

Навоийшунослару навоийхонлар эътиборига ҳавола этилаётган катта тадқиқот сифатидаги мазкур мақоланинг бу соҳада кўзга ташланмадиган камчиликларга маълум даражада барҳам бериши табиий. Бу иш А. Рустамов, В. Исҳоқов, Б. Саримсоқов сингари етук олимларнинг шоир асарлари бадийятига доир тадқиқот ишлари заминиди, улардан ижодий ва танқидий фойдаланиш орқали вужудга келди. Бу каби муҳим масалани бир мақолада батафсил таҳлил этиш мушкул, ахбатта.

Шунинг учун бизнинг бу қарашларимиз нек ниятнинг дастлабки қадами, ҳоксорона дебочасидир. Унда бу масалага доир яна баъзи муҳим томонларнинг эътибордан четда қолган булиши табиий. Ўз уринли инъикосини топмаган бундай қирралар иқтидорли адабиётшуносу, тилшуносу, бадийшуносу ва арузушуносларимиз ҳукмига ҳавола этилади.

Хуллас, Алишер Навоий асарлари бадийяти билан боғлиқ долзарб масалани муқаддас китоблар, қолаверса, араб, форсу тожик ва бошқа халқлар санъаткорлари асарларининг поэтикаси билан қиёслали туфайли ўрганиш ҳозирги замон филология илмининг ҳақ масаласидир.

Бадиий санъатларни қиёсий-тарихий ўрганишнинг айрим масалалари

Чинакам адабиёт ўз моҳиятига кўра, миллий ва, айни чоғда, интернационал бўлади. Ўзга халқларнинг маданиятини ҳурмат қилиш, уларнинг маънавий-бадиий хазинасидан ўз ўрни ва меъёрида фойдаланишга интилиш ҳақиқий инсонпарвар, илғор ижодкорга хос фазилат ҳисобланади.

Ўзбек халқининг араб, аҷам, рус, кавказ, ҳинд, қисқаси, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари халқлари билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқада бўлганлиги тарихдан маълум. Маданий алоқалар ва уларнинг форсу тожик ва араб адабиёти билан боғлиқ томонлари аруз, қофия ва бадиъ илмига тегishли тушунчаларни майдонга келтирди. Адабиётшунослик терминологиясининг пайдо бўлиши ҳам ана шу таъсир туфайлидир. Адабиёт тарихида юзага келган атамалар системасининг бугунги кундаги тараққиёт ва ривожланишини ўрганиш адабиётшунослик фанининг муҳим вазифаларидан биридир.

Араб адабиёти кўп асрлик тарихга эга бўлиб, у қадим замондан, "фатарот, жоҳилият" давридан бошлаб, хусусан, ислом, умавийлар ва аббосийлар халифаликлари даврида ўзга халқлар илғор адабиёти билан яқин адабий алоқалар заминида раvнақ топди ва юксалди. Араб тилини илмий тадқиқотлар билан ривожлантирган, сарфу наҳв, балогату фасохат, илми маоний, баёну дабиъни юқори босқичга кўтарган, Қуръонга тафсиrлар ёзган, муътабар ҳадисларни жамлаган, ҳуллас, араб тилини араб тили қилиб танитган, илму маданиятни оламга тарқатган зотлар аҷам уламо ва шуароларидир.

Сомонийлар даврида Хуросон, Мовароуннаҳр ва Ўроқда илм-фан тараққий этиб, Бухоро, Самарканд, Марв, Урганч, Нишопур, Рай, Ҳамдон, Шероз каби шаҳарлар илму маърифат ва маданият уюмларига айланган. Бинобарин, араб, форс-тожик ва қардош туркий тилларда яратилган адабиётлар жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо дурдоналар бўлиб қўшилди. Уни араб, форс-тожик, озарбайжон, ҳинд, афғон, ўзбек ва бошқа халқлар яратди. Бу халқлардан ҳар бири ўз улушини қўшиб, бири иккинчисининг илмий, адабий тажрибасидан баҳраманд бўлди, илғор анъаналарини давом эттирди ва ривожлантирди.

Санъаткор қаламига мансуб бўлган асарларда у яшаган нуҳит, халқнинг турмуш тарзи, орзу-истаклари, ижтимоий ва эстетик идеалла-

ри, тил хусусиятлари ўз ифодасини топган бўлади.

Маҳон маданиятининг адабиёт хазинаси доимий изланишлар натижасида бойишанлигини Шарқ халқлари адабиётлари мисолида кўришимиз мумкин. Айниқса, араб, форс-тожик ва ўзбек классик адабиёти тарихида талайгина бадий санъатлар шаклланиб майдонга келганлигига ва бойишанлигига кўпгина манбалар шаҳодат беради.

Кези келганда таъкидлаш керакки, бадий санъатларни системалаштириб, уларни чуқур таҳлил қилишга бағишланган асарлар илк бор араб, кейинчалик форс-тожик ва туркий адабиётшуносликда пайдо бўлган.

Классик адабиётда илғор ғоя ва мазмунни ифодаловчи бадий санъатлар илми маоний (маъно жиҳатдан фасоҳатли бўлган гап тузиш илми), илми баён (нутқнинг мажоз ва муболаға йўли билан ифодаланган шакли) ва илми бадий (нутқни чиройли, ихчам тузиш ва талаффуз этиш йўлларини ўргатадиган билим) каби соҳаларни қамраб олади.

Бадий ижод билан шуғулланадиган ҳар бир санъаткор поэтиканинг ёқорида тилга олинган соҳаларини етарли даражада ўзлаштириб олиши шарт ва зарур бўлиб, илми бадийга дахлдор асарлар араб олимлари Наср ибн Ҳасан ("Маҳосин ул-калом"), Ибнул Муътаз ("Китоб ул-бадий"), Кудума ибн Маъфар ("Нақдush шеър"), Ҳатиби Табризий ("Ал-Қофий фил арузи вал қавофий") ва бошқа адабиётшунослар томонидан яратилган.

Ёқоридаги асарларнинг таъсирчанлиги ва илҳомлантирувчилик қучи натижасида форс-тожик ва туркий адабиётлар поэтикасига доир асарлар юзага келди. Масалан, "Асос ул-балог", "Ал-Қустос фил аруз" ва "Китоб ул-киноя" (Замахшарий), "Ал-Муъжам фий маоийриил ашъорил ажем" (Қайси Розий), "Ҳадоиқус сеҳр фий дақоикш шеър" (Рашидиддин Ватвот), "Таржумон ул-балог" (Родуёний), "Мифтоҳ ул-улум" (Саккокий), "Ал-Умда" (Ибн Рашик), "Маҷолис ун-нафос", "Мезон ул-авзон" ва "Муфратот" (Навоий), "Бадойи ул-санойиъ" (Атоуллоҳ Хусайний), "Мухтасар фил аруз", "Бобурнома" (Бобур) ва бошқа бизгача етиб келган асарлар фикримизнинг далили бўла олади.

Ёқорида тилга олинган асарларда бадий санъатлар намуналари еттита, ун еттита, уттизта ва тўқсонтага етганлиги тилга олинса-да, бу соҳада Аш-Шайх Сафиуддин Ҳиллий ва Ал-Маданийларнинг илмий, адабий фаслиятлари диққатга сазовордир.

Бадий санъатларни илк бор чуқур ўрганиб, уларга танқидий қараб, ижодий фойдаланиб, бадий санъатларни ихтиро қилиб тартибга келтирган ва кашфиёт қилган олим Абдуллоҳ Ибнул Муътазз, булиб, у араб адабиётида мавжуд бўлган шеърий санъатларни "Китоб ул-бадиъ" номли асарида системали тартибда (уларнинг миқдорини 17 та деб) кўрсатади: истиора, тажнис, мутобака, раддул аъжоъил калом адо мо тақаддамаҳо, ал-мазҳабул каломи, илтифот, эътироз, ружуъ, хуснул хуруж, таъкидул мадхи бимо юшбихуз замм, тажохулул ориф, ҳазлун вроду биҳил жидд, хуснут таъмин, таъриз, киноя, ифрот фиССИфа, хуснут ташбиҳ ва эънат.

Ибнул Муътазз асарининг муқаддимасида ёзади: "Мендан илгари фунуни бадийда бирор олим жамлаб китоб таълиф қилган эмас. Китобнинг таълифида мендан кейин ҳам мендан ўзган йук. Мен бу китобни 274 ҳижрийда таълиф қилдим".

Кейинчалик буюк адабиётшунос Аш-Шайх Сафиуддин Ҳиллий (677 ҳижрий, 1192 милодий йилда туғилган, бу XII асрга туғри келади) ҳам "Бадий" номли китобининг шарҳида Ибнул Муътаззнинг "Китоб ул-бадиъ" номли асарида бадий санъатлар сони 17 та эканлигини таъкидлаб ўтади. Қисқаси, бундай санъатлар сони "Нақдуш шеър" (Қудома ибн Маъфар) да ўттизта, "Маҳосин ул-калом" да ўттиз учта. Абу Ҳилол ал-Аскарӣ бадий санъатларни жамлаб, уларнинг сонини ўттиз етитага етказди. Ибн Рашиқ ал-Қайравонӣ эса бадий санъатларни жамлаб 65'600 тасниф қилиб, унда шеър фазилатлари, сифатлари, ғаразлар, айбу сирқот (шеър уғирликлари) каби бобларни илова қилган. Сўнгра Шарафуддин Тайфощӣ бадий санъатларни жамлаб сонини 70' тага етказди. Аш-Шайх Закиуддин ибн Абил Исаъ "Ат-Тахрирут-таҳрир" номли китобида бадий санъатларнинг сонини 90' тага етказди.

Ибн Абил Исаънинг китоби бадий санъатларнинг таҳлилу тадқиқида энг саҳиҳ ва ишончлисидир. У китобнинг муқаддимасида: "Мен мазкур китобни таълил қилишда, аввал бадий санъатларга доир қирқта китобни мутолаа қилиб сўнгра ёздим", деб ёзади.

Бадий санъатларни илк бор йиғиб, назмга тизганлардан бири Аш-Шайх Сафиуддин Ҳиллийдир. У "Бадий" номли китобида бадий санъатларни жамлаб, бир юз қирқ беш байтга йиғиб, сонини бир юз эллик бирга етказди. Агар тажнисларни бир санъат ҳисобласак,

бадий санъатларнинг навъи 140 та булади, дейилган.

Ал-Маданийнинг бадий санъатларга доир асарида эса, тажний санъати билан бирга бир юзу элликта эканлиги системали равишда келтирилади.

Буюк араб алломаси Саййидалихон Садруддин ибн Маъсум ал-Маданий 1617 йилда Мадинаи Мунавварада дунёга келади.

Ота-онасининг доимо эътиборида бўлган Ал-Маданий болалик чигидаёқ ўқишга ҳавас қўяди, ўзи учун зарур бўлган турли соҳага доир илмларни чуқур ўрганади, жўп ўтмай, бир қатор билимларни эгаллаб ўз қобилият ва малакаларини оширишга киришади. У феодал хукмдорларнинг таъқибига дуч келиб, Хуросон, Мовароуннаҳрдаги шахарларда кучиб ўради. Ҳиндистонда 46 йил туррун бўлиб яшайди. У давлат арбоби, илмий ходим сифатида мударрис ва маъмурий ишларда, талайгина юқори мансабларда ишлайди ва 1715 йилда 98 ёшда Шероз шаҳрида вафот этади.

Ал-Маданий энг оғир шароитларда ҳам илмий ишлар билан шуғулланиб, фалсафа, мантик, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик, лугатшунослик ва бошқа ёндош фанлари соҳасида замонасининг илмий савиясидан анча илгарилаб кетди. Бундай муваффақиятларга эришишида Низомиддин Аҳмад, Шайх Маъфар ибн Камолуддин ал-Баҳроний, Аллома Мажлисий, Аш-Шомий, Аш-Шайх Ҳасан ва бошқа устозлардан олган билимлари, форс-тожик, турк ва бошқа халқлар адабиётини яхши билганлиги жуда қўл келади.

Ал-Маданий бир қатор бадий, илмий, фалсафий, ахлоқий-таълимий, диний-тасаввуфий асарлар ёзиш оркали катта шухрат қозongan, филолог олим, мутафаккир шоир, ёзувчи, таржимон ва лугатшуносдир. Унинг турли мавзуларда ёзган асарлари қуйидагилар:

1. "Саломат ул-аср" -- "Асрнинг салафлари" (1062 ҳижрий). Мисрда (1326 ҳижрий) ва Эронда (1367 ҳижрий) нашр этилган.
2. "Сулват ул-ғариб ва усват ул-адиб" -- "Ғарибларга тасалли ва адибларга ўрнак". Бу китоб унинг Ҳиндистонга борганлиги ҳақида маълумот беради. Китобнинг нодир қўлёзма нусхаси фақат Берлинда мавжуд.
3. "Аддаражатур рафийъа фий табақотил имомийяти минаш шийъа" -- "Шийъа имомлари табақасининг юқори даражалари ҳақида китоб".
4. "Ал-Калиматут таййиб вал ғайсус саййиб фил адъбиятил маъсура" "Келима таййиба ва фойдали ёмғир таъсирли дуолар ҳақида".
5. "Риёсу соликийн фий шарҳи саҳифати саййидус сожидийн" -- "Саййид Сожидин саҳифасининг шарҳи ҳақида солиҳлар боғлари".

6. "Ал - Ҳадоиқун надийяҳ фий шарҳис Самадийя лиш Шайх Баҳойи" -- "Шарҳи самадийя фойдали боғлар ҳақида, Шайх Баҳойи асарига шарҳ".
7. "Шарҳони айзан аса самадийя" -- "Яна Самадийяга икки шарҳ".
8. "Шарҳун адал иршод фин наҳв" -- "Иршодга шарҳ, наҳвга тааллуқли".
9. "Ат-Тазкирату фил ғавоидин нодира" -- "Нодир, ноёб фойдалар ҳақида тазкира" (бу китоб Баҳойининг "Кашкул" асари шаклида ёзилган бир нодир асардир).
10. "Рисолатум фий ағлотил Фийрузободий, фил Қомус" -- "Фйрузободий Қомусининг ғалатлари ҳақида рисола".
11. "Ал-Михлоту фил муҳозарот" -- "Муҳозарот халтаси" (муаммо ва сўз уйинига доир асар).
12. "Аз-Заҳрату фин наҳв" -- "Наҳв ҳақида чечаклар, безаклар".
13. "Нағматул ағоний фий ашаратил ихвоний" -- "Ўн биродар ҳақида ағоний нағмалари".
14. "Рисолатун фил мусалсалоти бил обон" -- "Ота-боболар силсиласи ҳақида рисола".
15. "Мулҳақот ус-салофа" -- "Салафларга илова, қўшимча".
16. "Ат-Тирзул аввал фиймо алайҳи мин дурғатил арабил муаввалфил дурға" -- "Араб дурғатларидаги ишончли илк намуналар".
17. "Рисолатун саммоҳо, Нафсатул масдур" -- "Садрӣ касал булганларнинг нафаси ҳақида номланган рисола".
18. "Китобу миҳакил қарийз" -- "Шеърнинг маҳакига доир китоб".
19. "Девони шеър" -- "Шеър тўплами".
20. "Анворур рабиъ фий анвоил бадий" -- "Бадий навълари ҳақида баҳор нурлари" (бу асар 1682 йилда ёзилган ва Шокир Ходий Шукр томонидан 1968 йилда Матбаатун Нуъмон-Аннажафул ашраф нашриётида чоп этилган).

Олимнинг "Анворур рабиъ фий анвоил бадий" асари етти жилдан иборат бўлиб, уларда бадий санъатлар системаси берилган.

XII-XIII асрлар поэтикасининг муҳим ёдгорлиги ҳисобланмиш "Анворур рабиъ фий анвоил бадий" ҳозирги кунда ҳам илмий қимматининг юксаклиги билан аҳамият касб этади.

Олим бу асарида бадий санъатлар ҳақида баҳс критис, характерли фактик мисоллар орасида шеърӣ санъатлар системасига асосида эътибор беради, уларни назарий жиҳатдан бойитади. У адабиёт аҳллари билан адабиётшуносликка доир масалалар вазидан анжуман-

лар ташкил этиб, бу соҳада кашфиётлар қилади, шеърӣ санъатлар системасининг назарӣ масалаларини бадиӣй ижод жараёни билан боғлайди. У адабиётшунослик фанининг қуйидаги масалаларига махсус эътиборни қаратади: шеърӣ санъатлар системаси, уларнинг ўзига хос қонуниятлари, адабиӣ анъаналари ва улардан фойдаланиш йўллари; халқ қалбининг кўзгуси бўлган фольклор асарлари ва ёзма адабиёт; адабиӣ тур ва уларнинг жанрлари; бадиӣй асарнинг жамият ҳаётидаги ижтимоӣй вазифаси ва ўзига хос хусусияти; истеъдодли санъаткорни қадрлаш ва қобилиятсиз бўлганларини қаттиқ танқид қилиш; адабиётшуносликни тшончли ҳакам сифатидаги роли кабилар.

Иктидорли олимнинг серқирра ижоди ҳақида "Амал ул-омил", "Нузҳат ул-халис", "Субҳаҳат ул-маржон", "Ҳадийкат ул-афрӯҳ", "Равзат ул-жаннат" ва бошқа асарларда таъриф ва тавсифлар берилиб, ўринли фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ал-Маданийнинг уқтиришича, ижодкорлик маҳоратини ошириш, бадиӣй санъатлардан ўрни-меъёрида ижодий-танқидий фойдаланиш учун доимий кунт билан назарӣ китобларни ўзлаштириш ва ўрганиш талаб этилади. Бинобарин, олимнинг санъати бадиъга доир асарлари адабиӣй анъаналарга ижодий-танқидий ёндашиш ва оригинал ижодкорликнинг мислсиз бир намунаси сифатида аҳамиятлидир.

Унинг адабиётшунослик фанига қўшган салмоқли улуши "Маолимул балога дар илми маоний, баён ва бадиъ" -- "Балогат илми маънолари ва бадиӣй санъатларга доир кўрсатмалар" (Эрон -1340 ҳижрий), "Фурунул балогати ва синооти адабий" -- "Балогат фанлари ва бадиӣй санъатларга доир" (Эрон-1394 ҳижрий) ва бошқа асарларда, айниқса, адабиётшуносликка доир асарларда каттадир.

Хулоса қилиб айтганда, ал-Маданий "Анворур рабиъ фий анвоил бадиъ" асарида ўзига хос бўлган олимлар қўллаган, тилга олган бадиӣй санъатларни ижодий-танқидий ва илмий ўзлаштириб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари ва фарқли томонлари ҳақида муфассал назарӣ-амалий маълумотлар беради. Уларда араб, форс-тожик, турк ва бошқа халқларнинг асрлар давомида жамлаган назарӣ-амалий тажрибалари, орау-истаклари мужассамланган бўлиб, улар ҳаётида кз берган ўзгаришлар, тарихий тараққиёт жараёнида бойиб, ўзига янги-янги имкониятлар кашф этиб, даврнинг, воқеликнинг талаби билан янада прогрессив ғояларни бадиӣй-эстетик ифодалай билиш

даражасига кутарила борганлигини ўрганиш мавриди келганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ушбу жихатлари билан олимнинг "Анворур рабиъ фий анвоил бадиъ" асари фақат араб адабиётшунослик фанининг ютуғи бўлибгина қолмай, балки барча форс-тожик, турк ва бошқа халқлар адабиётшунослигининг ҳам катта ютуғидир. Афсуски, олимнинг бу асари мамлакатимизда ҳанузгача тадқиқ этилмаган.

Поэтика, хусусан, араб ва аҷам, Ўрта Осиё халқларининг сўз санъатига доир фикрларини қиёсий нуқтаи назардан тадқиқ этиш бадиий тафаккур тараққиёти тарихининг қўпгина масалаларига ойдинлик киритиши шубҳасиздир.

Окилов Махмуджон, филология фанлари
номзоди, доцент

Абдурахмонов Анварбек, филология фанлари
номзоди, доцент

ХУЛОСА

Ҳақон халқларининг, хусусан, араб ва аҳам халқлари мумтоз адабиётларининг қизиқарли поэтикасини асрлар давомида ўрганилиб келинаётганлиги бехиз эмас, албатта. Поэтика ўзининг моҳиятига қўра ҳақон адабиётида ўзига хос ўринни эгаллаб, унда дунё халқларининг асрлар давомида тупланган ҳам илмий-назарий, ҳам назарий-амалий, ҳам методик кўрсатмалари ҳамда ижтимоий-эстетик идеаллари ўз инъикосини топган.

Дунё халқлари эътироф этган буюк алломалар бор, улар "илми маоний", "илми баён", "илми бадий", "илми аруз", "илми қофия", "илми таворих" ва бошқа илмлар қонун-қоидаларини талаб даражасида билганликлари учун ҳам булар беҳисоб китобхонлар қалбида улурланган сиймолар сифатида мангуликка муҳрланиб қолганлар.

Муқаддас китоблар поэтикаси унинг илмий қонуниятлари қўрғону ҳадийшунос олимлар томонидан тадқиқу тарғиб этилганлиги ва уларнинг дунё адабиётида -айниқса, Шарқ адабиётида тошу-тарози бўлганлиги фанда яхши маълум. Шунга қарамадан совет даврида поэтиканинг қатор қийинчиликлари ҳам пайдо бўлдики, бу камчиликларни аввало, араб, ёзуви, форсу тожик ва туркий тиллар товуш системасининг (фонетика) бадий хусусиятлари ҳамда ёзувчиларнинг талаб даражасида эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Ҳозирда турғунлик даври деб атаётган яқин ўтмиш даврининг тавъиқлари остида ўз миллий ёзувига эга бўлган ўзбек, тожик, туркман, татар, озорбайжон ва бошқа қатор халқлар ёзувини лотин (1929,) рус -кириллица (1940) ёзувларига мажбурий-буйруқбозлик сиёсати зўғуми остида ўтказилиши туфайли маъкур миллий халқлар асрлар давомида истеъмолда бўлган қадимий араб алифбоси ёзувдан маҳрум бўлиб қолишди. Шукрлар бўлсинки, мустакиллик шарофати туфайли йуқолиб бораётган қўпгина маънавий қадриятларимизни қайта тиклаш имконини берди. Эски ўзбек, араб, форсу-тожик ёзувларини ўрганиш бўйича қўрлар ва тўғарақлар ишлаб турибди. Хусусан, араб ёзуви мактабларининг бошланғич синифидан бошлаб ўқитилишини ҳарий этиш чора-тадбирлари белгиланади. Шу жумладан, адабиётнинг қизиқарли поэтикасини билимгоҳларда чуқур ўрганиш мавриди ҳам келди. Бу адабиётимиз поэтикасининг ўзига хос илмий қонуниятлари ва уларни талаб даражасида ўрганиш адабиётшуносу тадқиқунос олимларимиз зиммасига масъулиятли вазифалар юқлайди.

Поэтика талқинларининг этимологияси ва луғавий-бадий маънолари китобхонларга раво, тушунарли бўлиши учун улуғ даҳлаанинг бадий маҳоратига эътибор беришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Уйлаймизки, ушбу зикр этилган ва тилга олинган асосли маълумот ва фикр-мулоҳазалар мумтоз адабиётнинг қизиқарли поэтикасини аниқсая, унинг тарбиявий, маърифий, бадий тасмонларини чуқур урганиш услуб-йул-йўриқларини янада такомиллаштиришни ният қилиб изҳор этилган режамизнинг муқаддимасига доир қўлланма бўлиб, бу ҳар бир асар поэтикасини изчил ўзлаштириб олишдагина эмас, балки, умуман, адабиётнинг ижтимоий функцияси ва спецификасини талаб даражасида тушуниб олишга амалий ёрдам берадиган умидимизни бобомиз Алишер Навоийнинг адабиёт ҳақидаги фикрлари билан якунлаймиз:

Нафъида ул навъки, меҳри мунир,
Қудрат аро уйлаки чархи... дабир.

Зулм аро мазлумга хатти уммон,
Золим этиб заҳм ғани қўрган замон.

Баъзи арабча суларнинг изоҳди дуфати

- Армон - вазннинг жами, яъни вазнлар.
- Аруз - Макканнинг номи; арз этиш, курзатиш, шеър системаси; биринчи мисра охиридаги рукннинг номи; "Алил ибн Ахмад бу фаннинг возиидур, чун араб эрмиш анинг якинида биз води эрмиши, ани "Аруз" дерлар эрмиши ва ул водийда араблар уйлари тикиб; жилва бериб, баҳотга кидурлар эрмиш. Ва уйни араб "байт" дер. Чун байтларни бу фан била улчаб, мавзунни номавзундин аюрурлар, туеки киймат ва баҳоти маълум булур, бу муносибат била "Аруз" дебтурлар.
- Автод - ватаднинг жами, нозиклар, устунлар.
- Аркон - рукннинг жами поялар, асослар, афойилу тафойил рукнлари
- Анъар - нурнинг жами.
- Абтар - илдиздан атдарилган, илдиздан атдарилганроқ.
- Аштар - айбли, айблироқ.
- Акабб - бичилган, бичилганроқ.
- Ахтам - тиши синик, этиши синикроқ.
- Ахраб - хароб, хароброқ, вайрон, вайронроқ.
- Ахрам - бурни кесик, бурни кесилганроқ.
- Азалл - соннинг густсиз, густсизроқ бўлиб қолиши
- Аксар - купроқ
- Аксар - киска, қисқароқ.
- Аслам - (арабча сод ҳарфи билан) қулоғи кесилган, кесилганроқ.
- Аслам - (арабча уч нуқтали со ҳарфи билан), бурни кечилган, бурни кесилганроқ. Салм-фаулунда "фо"ни ташлашдур, уълун қолур: фаълун анинг урнига қуярлар.
- Асрор - сирнинг жами, сирлар.
- Ашжор - шажаранинг жами. Шажара-дарахт: насабнома; шайхлар; пирларини тартиб билан ёзиб муридларга берадилар.
- Азохиф - шеър бахрларининг рукнларини ўзгартириш зихоф асдан ўзоклашиш, четлашиш.
- Аштар - шатрдан тасриф килинган бўлиб, ҳар нарсанинг ярми маъносиде шатр -мафойилун "мим" ва "ё" сининг исқотидур, яъни ташланур, то фойлун қолгай.
- Асбоб - сабабнинг жами, яъни сабаблар.
- Ашъор - шеърнинг жами.
- Асъёт - байтнинг жами. Байтни уй оти билан атабдурлар, муносабати мунг дебтурларки, уйнинг чун биноси турт рукн биладур, бу байтнинг ҳам биноси турт рукн биладур, бу байтда ҳам маъни хайсиятидин куп нималар булур, ҳатто уйнинг маҳзунот ва маҳфиёти урнига ҳам мунда маҳфий ва мақтум, пинҳон ва беркитилган ҳаёлот ва маони топса булур, бу муносабатлардин айн "байт" дебтурлар.

- Баҳр** - мухит дарёси, катта арик. Маънозан шеър вази маъносида ухшатирилган. Аруз баҳри ҳам шеър навъларига шомилдир.
- Басийт** - кенг, ёйилган, палос солинган маъносида, ёйилган, кенгайтирилган. Шеър баҳрининг номи.
- Бобур** - буғ машинаси, паровая машина. Маънозан шох Бобур.
- Буют** - байтнинг жами, хоналар, уйлар.
- Вофир** - куп, тукин, тўла, ниқ. Маънозилатун рукни такроридан вофир баҳри ҳосил бўлади. Ҳаракатлар (фатҳа, қасра, замма) куп кестирилганлиги учун вофир номланган).
- Зарб** - урмоқ, зарба бермоқ: иккинчи мисра охиридаги рукннинг номи.
- Комил** - камолга етиш, тамом, камолга етган, тула, совершенный, полный.
- Бу баҳр** ҳаракатлар билан туладир, яъни ҳаракатлар сони 30 тага етади, ҳамма вазнлардан узун, мукамалроқ.
- Мадийд** - чузик, тортилган, узунроқ, чузикроқ.
- Мафойилун** - ватади маъмуъ ва икки сабаби ҳафидан мафойилун рукни ҳосил бўлади. Мафойилун рукни такроридан эса ҳазам баҳри ҳосил бўлади.
- Мафъуллоту** - мафъуллоту ва мустафилун рукнларининг такрорланишидан муқтазаб баҳри ҳосил бўлади.
- Маҳраж** - ҳарфларининг чиқиш жойи, товушнинг айтиш урни, усули.
- Мизон** - улчов, тарози.
- Муҷтасс** - танасидан ёки белидан қирқилган, кесилган, олинган.
- Мустафилун-фоилотун** - рукнлари такроридан муҷтасс баҳри ҳосил бўлади.
- Музориъ** - мушобиҳ, ухшаш, монанд, монандлик.
- Мунсарих** - осон, эркин, қулай, озод, унинг қолип ва формалари, озод, эркин урнатилган. Аруз баҳри номи.
- Мустафилун-рукни** такроридан ражаз баҳри ҳосил бўлади.
- Мутафориқ** - топиш, дарак қилувчи, топувчи, пайваст бўлувчи, пайваста, фоилун рукни такроридан мутафориқ баҳри ҳосил бўлади.
- Мутақориб** - бир-бирига яқинлашувчи, етишувчи, орақасидан келиб қушилувчи, қарийб маъносида, фауълун рукнининг такроридан мутақориб баҳри ҳосил бўлади.
- Мушокил** - ухшаш, шаклдор, бир-бирига ухшашлиги.
- Муқтазаб** - қабза қилиб олинган, кесилган, қирқилган.
- Муҳдас** - янги, янгироқ (новый, новейший).
- Мажмуъ** - жамланган.
- Мисраъ** - эшикнинг бир палласи: адабиётда байтнинг бир қисми.
- Муттафика** - иттифок, мувофиқ, мувофиқат қилувчи (совпадающий, сходный, одинаковый).
- Мужтамна** - жамланувчи, маъмуъ, жам маъносида.
- Мухталифа** - ихтилофи, бир-бирига-хилофи

- Му стаъмад - истеъмолад қилинган.
- Мухтараъ - ихтиро қилинган.
- Мухтасар - ихтисор қилинган, қисқартирилган.
- Мунтазна - тартиб олувчи, тартиб олиш, кесиш, қирқиш.
- Му саббаъ - тўлдирилган.
- Махбун - қисқартирилган.
- Мақбуф - ушланган, тутилган, қайтарилган, тўхтатилган.
- Машкул - тушовланган.
- Мушаъс - сочилган, тарқалган, ташланган, пароканда.
- Маъзуф - ҳазф қилинган, ташланган, яширинган.
- Мақсуф - қисқартирилган, кутох қилинган (сокращенный).
- Мақтуъ - кесилган.
- Маъхуф - нуқсонли, нуқсонли қилинган.
- Марбуъ - тўртта бўлинган, тўртинчи қисми олинган.
- Ражаъ - изтироб, тазлик, суръат, калтираш. Туянинг уч оёғи билан калтираб, калтироқ қасали.
- Рамал - рамалон сўзидан бўлинган бўлиб, туя, туянинг луккилаб ёриши: бўйро тудуш: қуй ва музика номи.
- Садр - сийна, кукрак, бошланиш, аввал, урта, олдин, иккори.
- Сарийъ - тез ёриш, тез ҳаракат қилиш, ҳамма руқнлар сабаблардан таркиб топган баҳр номи: энгил ҳаракат қилиш.
- Тавийл - энг узун, ҳамма шеър вазнларидан узун бўлгани учун тавийл деб номланган. Араб алфавитида 48 ҳарфдан иборат.
- Тактивъ - китъаларга булиш, булақларга ажратиш, парчалаш. Байтларни хижоҳларга булиб, руқнларга ажратиш.
- Тоилотун руқн тақроридан рамал баҳри ҳосил бўлади.
- Ҳарийб - яқин, қариндош-уруғ, яқинлик.
- Ҳафийф - энгил, ваъни кам
- Ҳарийб - нодир, ноёб, ажойиб, мусофир, ватандан узоқлашган.
- Ҳазаж - ёқимли тараннум қилиш: овоз, бир хил овозни кетма-кет тақрорлаш, овознинг муסיқийлиги.
- Ҳашв - безак: жумла ёки байт ўртасидаги ортиқча суз; кўрпа, тушак орасидаги пахта ёки жун.
- Ҳошия - безак: китобнинг лаби, яъни варақнинг қирғоғига ёзилган хат. Ҳавоши - Лошиянинг жами.
- Ҳажв - мазаммат, масҳара қилиш, ҳажв қилиш.
- Ҳажф - ҳажф қилиш, шеър вазнида аруз системасининг ҳажва, энг кичик элементни сифатида ҳарф (ҳаракатлар: фатҳа, касра, замма) ҳижо деб қабул қилинган.
- Ҳижо - (хойи ҳуҷтий билан) "ақл хирад маъносида ҳам (хойи ҳаваъ билан) тийиш, манъ қилиш маъносида келган
- Ҳажр - ман қилмоқ, тўхтатмоқ, ҳаром ва мамнӯ маъносида ҳам ифлатилган.

Адабиётлар

1. Куръони Карим.Т.,1992
2. Ахлоқ-одобга доир Хадийс намуналари.Т.,1990
3. Адабиёт ўқитиш методикаси (программа) Т.,1963
4. Адабиёт ўқитиш методикаси (программа) Т.,1966
5. Абдурахмонов А.,Оқилов М. Аруз ўқитиш методикасига доир қўлланма.Ленинобод-1987
6. Абдурахмонов А.,Оқилов М. Мактабда аруз ўқитиш методикасига доир қўлланма.Ленинобод-1987
7. Абдурахмонов А.,Оқилов М. Аруз системасини ўқитиш методикасига доир қўлланма.Ленинобод-1987
8. Абдурахмонов А. Аруз назарияси.Хужанд,1993
9. Абдурахмонов А. Мумтоз адабиётнинг сەхрли поэтикаси.1984.
10. Абу Али ибн Сино .Фалсафий киссалар.Т.,1963
11. Абу Наср Форобий.Шеър санъати.Т.,1975,1979
12. Алишер Навоий.(илмий мақолалар тўплами),Хужанд,1991
13. Аристотель.Поэтика.Т.,1980
14. Алишер Навоий асарлари.14-том.Т.,1967
15. Авлоний А.Тошкент тонги.,1979
16. Акмалова С.4-7-синфларда шеърый асарларни урганиш.Т.,1977
17. Амрапова Т.Одилова М.Она тили ўқитиш методикаси.Т.,1984
18. Буюк аллома сабоқлари (илмий мақолалар) Хужанд-1991
19. Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш.Т.,1979
20. Долимов С.Убайдуллаев Х.Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси.Т.,1967
21. Долимов С. Таълимиий баён ва иншо.Т.,1963
22. Долимов С.Аъламова М.,Аъзамова С. Иншо ва диктантни қандай ёзиш керак.Т.,1991
23. Жураев К.Иродали ўқиш ва ҳикоя қилиш.Т.,1966
24. Жураев К.Адабиёт кабинети ва ўқитишда қўлланмалар қўроқлардан фойдаланиш.Т.,1969
25. Зуннунов А. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар.Т. 1980.
26. Зуннунов А.Эҳсонов Ж.Мактабда адабиёт ўқитиш методикаси.Т.,1985
27. Зеҳий Т.Санъати суҳан.Сталинобод- 1967
28. Зуннунов Х.Баёнлар тўплами (1У-УШ синфлар учун),Т.,1978
29. Иззат Султон.Адабиёт назарияси.Т.,1980,1985
30. Иномиҳжаев С.Зуннунов А.Иродали ўқиш асослари.Т.,1978
31. Исоқов Ё.Навоий поэтикаси.Т.,1983
32. Каримов Ғ.Ўзбек адабиёти тарихи.Т.,1987

33. Миллаев Н.М. Узбек адабиёти тарихи. Т., 1968
34. Маддаев О. Инмо қандай ёзилади? Т., 1991
35. Махмудов М. Мадвалиев А. Маҳкамов Н. Аминов И. Узбек тилида
иш юритиш (муншаот) Т., 1990
36. Муслмонийён Р. Назарияи адабиёт. Д., 1990
37. Навоий асарлари лугати. Т., 1972
38. Носиров О. Жамолов С. Зиёваддинов Н. Узбек классик адабиёти
жанрлари. Т., 1979
39. Орипов К. Обидова М. Ифодали ўқиш. Т., 1979
40. Окилов М. Абдурахмонов А. Бадиий санъатларни урганиш методи-
касига доир қўлланма. Ленинобод-1988
41. Окилов М. Абдурахмонов А. Аруз ва бадиий санъатлар системаси-
ни урганиш методикаси. Ленинобод-1989
42. Окилов М. Абдурахмонов А. Шеърини санъатларни системали урга-
ниш методикасига доир қўлланма. Ленинобод-1988
43. Окилов М. Абдурахмонов А. Бадиий санъатлар системасини ур-
ганиш методикаси. Ленинобод-1990
44. Рахмонов М. Шеърини санъатлари. Ленинобод-1972
45. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. Т., 1972
46. Рустамов А. Қофия нима? Т., 1976
47. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Т., 1979
48. Рустамов А. Атаулло Лусайний. Бадоеъ ус Саноеъ. Т., 1981
49. Саидбек Ҳасан. Бобур. Мухтасар. Т., 1971
50. Турдиев Б. Ёзма нутқни устириш вазисидан практикум. Т., 1979
51. Тўйчиев У. Узбек совет поэзиясида бармоқ системаси. Т., 1966
52. Тўйчиев У. Арузшуносликка доир. Т., 1973
53. Тўйчиев У. Узбек шеърини системалари. Т., 1981
54. Тўйчиев У. Узбек поэзиясида аруз системаси. Т., 1985
55. Шукуров Н. Ходматов Ш. Адабиётшуносликка кириш. Самарқанд-1974
56. Руломов В. Расулов И. ва бошқ. Узбек тили ўқитиш методикаси.
Т., 1988
57. Хожирахмедов А. Мактабда аруз вазнини урганиш. Т., 1978
58. Хотамов Н. Саримсоков Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-
узбекча изоҳли лугати. Т., 1979, 1983
59. Ҳомидов А. Абдуллаева Ш. Иброҳимова С. Адабиётшунослик термин-
лари лугати. Т., 1967
60. Ўрта мактаб программалари. Т., 1990
61. Қуманиёзов Раҳимбой. Эски узбек ёзуви. Т., 1989
62. Қосимова М. Хат ва имло матни классики тоҷик. Д., 1989

63. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Ғуғура
ибн Бардазбоҳ ал-Луайий ал-Бухорий. Адибис. I., 1991
(арабчадан Зокиржон Исмоил таржимаси) Ал-жомия
ас-саҳиҳ-Ишонарли туплам, Т., 1991
64. Чаҳор китоб. Д., 1990
65. Ҳабибулло Солиҳ. Алифбо., 1989
66. Фарзи айн. Д., 1991
67. Номози комил. Д., 1991
68. Назарова С. Узбек тили ўқитиш методикаси. Т., 1992
69. Табаров Соҳиб. Дусти русий-тоҷикии истилоҳоти адабиётшиносии.
Д., 1988
70. Зуннунов Аскар. Эҳсонов Ҳаббоб, Хотамов Наримон, Ибрагимов Ах-
маджон. Адабиёт ўқитиш методикаси. Т., 1992
71. Фарҳанги забони тоҷики. М., 1969 (I, II томлари)
72. Эргашали Шодиёв. Ғазли Намангоний ва Хуҷанд шоирлари. Хуҷанд-
1993

М У Н Д А Р И К

I. Сўз боши	I
2. К и р и ш	I
3. Навоийнинг бадийи маҳоратига доир	5
4. Булк аллома Фирдавсий "Шоҳнома"сининг поэтикаси хусусида	18
5. "Ўтган кунлар" эпик трагедиясининг бадийи хусусида	28
6. Диний-адабий дараён ва ўзбек адабий танқидини урганишнинг баъзи масалалари	37
7. Классик адабиёт поэтикасига доир	48
8. Аъломул уламо Навоий бадийи хусусида	58
9. Бадийи савъатларни қиёсий-тарихий урганишнинг бирим масалалари	65
10. Х у л о с а	72
II. Баъзи ярабча сўзларнинг изоҳли луғати	74
12. А д а б и ё т л а р	77